Ўзбек тили

МЎЪЖИЗАВИЙ ҲАЁТ

Муқаддас Руҳнинг
инъомлари ёрдамида

А.Л. ва Джойс Гиллар

www.gillministries.com

МЎЪЖИЗАВИЙ ҲАЁТ

Муқаддас Руҳнинг инъомлари ёрдамида

А.Л. ва Джойс Гиллар

Gill Ministries
Website: www.gillministries.com

Uzbek Supernatural Living

МУНДАРИЖА

1 Дарс	Муқаддас Руҳ	5
2 Дарс	Муқаддас Руҳнинг кучини қабул қилиш	10
3 Дарс	Тилларда сўзлаш	15
4 Дарс	Хизматнинг муҳим қуроллари	18
5 Дарс	Инъомларнинг турлари ва маънолари	21
6 Дарс	Тил инъомлари. Тиллар ва тилларни талқин қилиш	25
7 Дарс	Тил инъомлари. Пайғамбарчилик	30
8 Дарс	Ваҳий инъоми. Руҳларни фарқлаш	45
9 Дарс	Ваҳий инъомлари. Билим сўзи	53
10 Дарс	Ваҳий инъомлари. Донолик Сўзи	61
11 Дарс	Куч инъомлари Имон	70
12 Дарс	Куч инъомлари. Мўъжиза яратиш	77
13 Дарс	Куч инъоми Шифо инъомлари	83

1 Дарс

Муқаддас Руҳ

Муқаддас Руҳ Ким?

Агар бизлар ҳақиқатдан ҳам Худони билмоқчи бўлсак, бизлар фақат Ота Худо ва Ўғил Худони эмас, Муқаддас Руҳни ҳам шахсан ва аниқ билишимиз лозим. Худо ягона бўлса-да, учта алоҳида Шахсиятга эгадир. Худонинг уч бирлиги ҳам тенг ва Уларнинг ҳар бири Илоҳий хусусиятга эгадир. Худонинг ҳар бир Шахсиятининг намоён бўлиши бир-биридан фарқ қилади, ҳар бири махсус шахсият бўлиб, Ўз вазифасига эгадир. Муқаддас Руҳ ҳам Ота ва Ўғил Худодек бизлар билан шахсий муносабатлар қуришни истайди. У бизларни, У билан яқин муносабатларда яшашимизни, ҳаракат қилишимизни ва бизнинг кундалик ҳаётимизда Унинг фаолиятининг аҳамиятини билиб яшашимизни истайди.

МУҚАДДАС РУҲНИНГ ФАОЛИЯТИ ЭСКИ АҲДДА НАМОЁН БЎЛГАН

Ижодда

Муқаддас Руҳ яратишда Уч бирлик Худонинг бир Шахси эди.

Ибтидо 1:1-3 Азалда Худо осмон билан ерни яратди. Ер ҳали шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб, тубсизлик узра қоронғилик ҳукм сурар эди. Худонинг Руҳи эса сув юзида парвоз этар эди. Худо: “Ёруғлик бўлсин”, - деди ва ёруғлик пайдо бўлди.

“Худонинг Руҳи” **-** шамол, нафас, тўфон, бўрон ва довул эди.

Сано 103:4 Сен Ўз фаришталаринг билан руҳлар, Ўз хизматкорларинг билан – ёнаётган олов яратасан.

Одамлар билан муносабати

- Устига келган

Эски Аҳд даврида Муқаддас Руҳ одамда яшаган эмас. У одамларни махсус вазифа ёки хизматга мойлаш учун уларнинг устиларига қўнган.

1Шомуил 10:6 Эгамиз Руҳи сени ҳам қамраб олади. Улар билан бирга башорат қила бошлайсан ва бутунлай бошқа одамга айланасан.

- Донолик берган

Чиқиш 28:3 Мен донолик руҳи билан тўлдирган ҳамма юраги доноларга айт, Ҳорун Менга руҳоний бўлиши учун - унга бағишланиш кийимлари қилиб беришсин.

- Қарши курашган

Ибтидо 6:3 Шунда Раббий: “Менинг Руҳим одамлар билан абадий баҳсда бўлмайди, чунки улар танадирлар. Шунинг учун уларнинг кунлари бир юз йигирма йил бўлади,”-деди.

➢ Сўзлаган

Ҳезекил 2:2 У менга гапираётганида, ичимга руҳ кирди ва мени оёққа турғизди, шунда мен, Гапираётганнинг овозини эшитдим.

МУҚАДДАС РУҲНИНГ ФАОЛИЯТИ ХУШХАБАРЛАРДА НАМОЁН БЎЛГАН

Муқаддас Руҳ Исонинг ҳаёти давомида ҳам, маълум эркаклар ва аёлларгагина махсус вазифани бажаришлари учун келар эди.

Яҳё чўмдирувчи

Луқо 1:15 Чунки у Раббий ҳузурида улуғ бўлади. У мутлақо маю шароб ичмайди. У ҳатто онасининг қорнидаёқ Муқаддас Руҳга тўлган бўлади.

Элизабет

Луқо 1:41 Элизабет эса Марямнинг саломлашишини эшитганида, унинг қорнидаги боласи ўйноқлаб кетди. Шунда Элизабет Муқаддас Руҳга тўлиб...

Закариё

Луқо 1:67 Чақалоқнинг отаси Закариё Муқаддас Руҳга тўлиб-тошиб, пайғамбарчилик қилиб айтар эди...

Аммо Исо осмонга қайтганидан ва элликлик кунидан сўнг, У эркаклар ва аёлларнинг ичида яшаш учун келди.

ИСОНИНГ ҲАЁТИ ВА ХИЗМАТИДА МУҚАДДАС РУҲНИНГ ФАОЛИЯТИ

Исо Муқаддас Руҳдан туғилди

Матто 1:20,24 Юсуф уйғонгач, Раббийнинг фариштаси унга буюрганидек қилди ва Марямни хотинликка олди. Лекин у туғмагунча унга яқинлашмади. Ниҳоят Марям ўзининг тўнғич ўғлини туғди ва Унинг исмини Исо қўйди.

Исо бокира қиздан туғилган бўлиб, У бир вақтнинг ўзида- ҳам тўлиқ одам, ҳам тўлиқ Худо эди. Унинг одам бўлиб келиши - Унинг Худо сифатидаги борлиғи ва характерининг аҳамиятини пасайтирмайди.

Исо илоҳий ҳуқуқларидан воз кечди

Исо бу ер юзида бўлган вақтида Ўзининг илоҳий ҳуқуқлари ва имтиёзларидан тўлиқ воз кечди.У илк одамни яратганида -уни ерда нима қилиш учун яратган бўлса, шуни бажариш учун «Сўнгги Одамдек» келди.

Филиппиликларга 2:5-8 Чунки Исо Масиҳда бўлган ҳудди ўша фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак: Масиҳ Худони қиёфасида бўла туриб, Худога тенг ҳурматни ўлжа қилмади. Аксинча, У Ўзини паст олиб, қулнинг қиёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, кўринишида инсон каби бўлди. У то ўлимгача, ҳатто хочдаги ўлимгача итоатли бўлиб, Ўзини бўйсундирди.

Исо Муқаддас Руҳ томонидан мойланди

Исонинг хизмати, У токи сув ва Муқаддас Руҳга чўмгунича бошланган эмас. Муқаддас Руҳ Унга куч бериш ва У билан яшаш учун келди. Шу вақтдан бошлаб Исо ерлик ҳаёти ва хизмати давомида қилган ҳар бир ишни Муқаддас Руҳ томонидан мойланган Шахс сифатида қилди. Бундай ҳаёт Исо одамзодни яратганида уларнинг ҳаётлари учун тузган режаси ва намунаси эди.

Матто 3:16,17 Исо дарёга тушди. У сувдан чиққан заҳоти, осмон очилиб кетди ва Худонинг Руҳи кабутардай Исонинг устига тушиб қўнгани кўрилди. Осмондан эса: "Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Ундан мамнунман", - деган нидо келди.

Марк 1:10 Исо сувдан чиқиши биланоқ осмон очилиб, Муқаддас Руҳ кабутардай учиб Исонинг бошига қўнгани кўрилди.

➢ Муқаддас Руҳ бошқарди

Исонинг ҳаёти ва хизматида Муқаддас Руҳнинг фаолиятини ўрганиб, бизлар Муқаддас Руҳнинг бизнинг бугунги кундаги ҳаётимиз ва хизматимиздаги ишини тушунишимиз мумкин. Исо бизнинг ҳаққоний намунамиздир.

Матто 4:1 Ўшанда Исо, иблиснинг синовидан ўтиш учун Муқаддас Руҳ томонидан саҳрога олиб борилди.

Марк 1:12 Муқаддас Руҳ Исони дарҳол чўлга етаклади.

Луқо 4:1 Исо Муқаддас Руҳга тўлиб, Иордан дарёсидан қайтиб келди. У Руҳ томонидан саҳрога олиб борилди.

➢ Муқаддас Руҳ таълим берди

Ҳаворийлар 1:2 Чунончи Унинг дастлабки кунларидан бошлаб, то Ўзининг танлаган ҳаворийларига Муқаддас Руҳ амри ила буйруқлар бериб, осмонга кўтарилган кунигача рўй берган ҳамма воқеаларни илк китобимда қаламга олдим.

Юҳанно 14:10 Мен Отамдаман, Отам эса Менда, сен бунга ишонмайсанми? Мен сизларга Ўзимдан тўқиб гапирмаяпман, балки Менда бор бўлган Отам Ўз ишларини қилмоқда.

➢ Муқаддас Руҳ мойлади

Луқо 4:18 Худодаванднинг Руҳи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун... У Мени мойлаб юборди.

➢ Ёвуз руҳларни Муқаддас Руҳ билан қувди

Матто 12:28 Агар Мен Худонинг Руҳи билан жинларни қувиб чиқараётган эканман, унда албатта Худонинг Шоҳлиги сизлар-гача етиб келди.

➢ Руҳ орқали Ўзини қурбон қилди

Ибронийларга 9:14 ... унда қанчалик кўпроқ Масиҳнинг қони барҳаёт Худога хизмат қилиш учун виждонимизни ўлик ишлардан поклайди; чунки Исо абадий Руҳ орқали Ўзини бенуқсонликда Худога бағишлади.

➢ Руҳ томонидан тирилтирилди

Римликларга 1:4 ...муқаддаслик руҳи бўйича эса ўликлардан тирилиши орқали Худонинг Ўғли эканини қудратда намоён қилди. У орқали бизлар иноят ва ҳаворийликни олдик, токи Унинг номи ҳақи барча халқларни имонга бўйсундирайлик.

Римликларга 8:11 Агарда Исони ўликлардан тирилтирган Худонинг Руҳи сизларда жо бўлса, унда Масиҳни ўликлардан Тирилтирган, сизларда жо бўлган Ўз Руҳи билан сизларнинг ўлимли баданларингизни ҳам тирилтиради.

МУҚАДДАС РУҲ ХУДОНИНГ КУЧИДИР

Исо ерлик ҳаётида Муқаддас Руҳнинг кучига муҳтож бўлган экан, бизлар ҳам бугунги кунимиздаги ҳаётимизда Муқаддас Руҳнинг тўлиқ кучини олишимиз лозим.

Тирилтирувчи куч

Эфесликларга 1:19,20 ...ҳамда Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар.

Повулдаги куч

1Коринфликларга 2:4,5 Менинг сўзим ҳамда воизлигим инсоний доноликнинг ишонтирарли сўзларидан эмас, балки руҳ ва куч-қудратнинг намоён бўлишидан иборат эди, токи имонингиз инсоннинг донолигига эмас, балки Худонинг куч-қудратига асосланган бўлсин.

Римликларга 15:17-19 Шундай қилиб, Худога тегишли бўлган нарсалардан мен Исо Масиҳ орқали мақтансам бўлади. Зеро Масиҳ мажусийларни бўйсундириш учун мен орқали сўзда ва ишда қилмаган бирор нарса хақида гапиришга журъат этмайман. Масиҳ буни қудратли аломатлару мўъжизалар ва Худо Руҳининг кучи билан ижро этди. Шундай қилиб, мен Иерусалим ва унинг ён -атрофидан бошлаб, то Иллирикагача Масиҳнинг хушхабарини тўлиқ воизлик қилдим.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Муқаддас Руҳ кимлигини ўз сўзингиз билан ёзинг.

2. Исо ерлик ҳаётида сувга чўмганидан ва ҳаётига Муқаддас Руҳ келганидан сўнг қандай фаолият юритди?

3. Бизлар ҳозир қандай фаолият юритишимиз лозим?

2 Дарс

Муқаддас Руҳнинг кучини қабул қилиш

Муқаддас Руҳ берилиши
ваъда қилинган эди

Йўэл 2:28,29 Ўшандан сўнг шундай бўладики, ҳар қайси танага Ўз Руҳимни қуяман ва ўғилларинг билан қизларинг пайғамбарчилик қиладилар; оқсоқолларинг туш кўрадилар ва ёшларинг ваҳийлар кўрадилар. Шунингдек, қулларинг ва чўриларинг устига ўша кунларда Ўз Руҳимни қуяман.

Ишаъё 28:11,12 Шунинг учун бу халққа бидирлаган оғиз билан ва бегона тилларда гапирадилар. Уларга айтдилар: "мана – ором, чарчаганга ором беринглар, мана хотиржамлик". Аммо улар эшитишни хоҳламадилар.

ЯНГИ АҲДДА ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Исо томонидан:

➢Юқоридан келадиган куч

Луқо 24:49 Мана, Мен Отамнинг берган ваъдасини сизларнинг устингизга юбораман. Сизлар эса юқоридан бу қудратга бурканмагунингизча, Иерусалим шаҳрида қолинглар.

➢Муқаддас Руҳ ва олов билан

Матто 3:11 Мен сизларни тавбага чақириш учун сувга чўмдириб юрибман. Лекин менинг кетимдан Келаётган мендан қудратлидир. Мен Унинг чориқларини кўтаришга ҳам арзимайман. У сизларни Муқаддас Руҳга ва оловга чўмдиради.

➢Яхши инъом

Луқо 11:9-13 Яна сизларга айтаманки: сўранглар ва сизларга берилади. Изланглар ва топасизлар. Тақиллатинглар ва сизларга очилади. Чунки ҳар бир сўраётган олади, излаётган топади, тақиллатаётганга очилади. Сизлардан қайси бир ота, ўғли ундан нон сўраса, унга тош берар экан? Ёки балиқ сўраса, унга балиқ ўрнига илон берар экан? Ёки тухум сўраса, унга чаён берар экан? Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Руҳни беради.

➢Тирик сувлар оқими

Юҳанно 7:37-39 Байрамнинг охирги, улуғ кунида Исо тик турди-да, овозини баланд қилиб хитоб қилди: "Ким чанқаган бўлса, Менинг олдимга келиб ичсин". Муқаддас Битикда айтилганидек, Менга ишонганнинг вужудидан ҳаётбахш сув дарё бўлиб оқади. Исо бундай деб, Муқаддас Руҳни назарда тутган эди; Унга ишонганлар Муқаддас Руҳни яқин орада олишлари керак эди. Исо ҳали улуғворликка юксалмаган эди, шунинг учун Муқаддас Руҳ ҳануз тушмаган эди.

Петьор томонидан

Ҳаворийлар 2:38,39 Петъор уларга деди: “Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга чўмиб имон келтиринглар. Шундай қилиб Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар. Чунки бизнинг Раббимиз – Худованд бу ваъдани сизлар билан фарзандларингиз ва шунингдек, ҳамон узоқлардан чорламоқчи бўлган ҳамма одамзод учун берган”.

ЧЎМДИРУВЧИ КИМ?

Ҳар бир имонлининг нажотга келиш вақтида Исо Масиҳнинг танасига чўмдиришда Муқаддас Руҳнинг иши билан, Исо имонлиларни Муқаддас Руҳ “билан” ёки Муқаддас Руҳга чўмдиришини тушунишда англашилмовчиликлар бор.

Чўмдирилишнинг Таърифи

Чўмдириш яъни юнон тилидаги baptizo-сўзи ботириш орқали тўлиқ бирлаштириш деган маънони билдиради. Кийим бўялганда, бўёқ ранги билан бир хил тусга киради. Бу шу рангга чўмдирилиш деганидир. Нажот топишимиз вақтида Муқаддас Руҳ бизларни Исо Масиҳ билан тўлиқ бирлаштиради. Худо томонидан ҳар бир имонлига амр этилган сувга чўмиш эса, бизларнинг аллақачон Исонинг ўлими, кўмилиши ва тирилишида У билан бирлашганимизнинг одамлар қаршисидаги гувоҳлиги ёки намойишидир. Исо бизларни Муқаддас Руҳга чўмдирганида бизлар Муқаддас Руҳ билан ҳам тўлиқ бирлашамиз. Бизлар ўз ҳаётимизда Муқаддас Руҳнинг кучини қабул қиламиз.

Муқаддас Руҳ Чўмдирувчи сифатида

Нажот вақтида Муқаддас Руҳ ҳар бир имонлини Исо Масиҳга чўмдиради. Бизлар Исо билан бирлашамиз. Бизлар Унинг танасининг аъзосига айланамиз.

Римликларга 6:3 Бизларнинг ҳаммамиз Исо Масиҳга чўмдирилган бўлиб, Унинг ўлимига чўмдирилганимизни наҳотки билмасангизлар?

Галатияликларга 3:27 Сизларнинг ҳар бирингиз Масиҳга чўмдирилган бўлиб, Масиҳга буркандингизлар.

1Коринфликларга 12:13 Бизлар эса – яҳудийми, юнонми, қулми, эркинми – ҳаммамиз ўша битта Руҳ билан бир танага чўмганмиз ва ҳаммамиз ўша битта Руҳдан суғорилганмиз.

Эфесликларга 5:30 ...чунки биз Унинг Танасининг аъзоларимиз, Унинг этидан ва Унинг суякларидданмиз.

Исо Чўмдирувчи сифатида

Исо бизларни Муқаддас Руҳга чўмдиришни исташини ёзув аниқ таъкидлайди.

Юҳанно башорат қилган

Луқо 3:16 Яҳё эса уларнинг ҳаммаларига жавобан деди: “Мен сизларни сувга чўмдиряпман, лекин мендан Қудратлироғи келмоқда, мен Унинг пойабзалининг ипларини ечишга ҳам муно-

сиб эмасман. У сизларни Муқаддас Руҳга ва оловга чўмдиради".

Исо томонидан буюрилган

Ҳаворийлар 1:4,5 Уларни тўплаб, буюриб деди: "Иерусалим шаҳридан кетиб қолманглар, балки Отамнинг берган ваъдаси амалга ошгунча у ерда кутиб туринглар. Сизлар бу ваъдани Мендан эшитгансизлар. Яҳё пайғамбар одамларни сувга чўмдириб, тавба қилдирган, сизлар эса кўп ўтмай Муқаддас Руҳга чўмдириласизлар".

Ҳаворийлар 1:8 Лекин Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг гувоҳларим бўласизлар.

Петьор томонидан ваъда қилинган

Ҳаворийлар 2:38 Петъор уларга деди: "Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга чўмиб имон келтиринглар. Шундай қилиб Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар.

ВАЪДА ҚИЛИНГАН МУҚАДДАС РУҲ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Элликлик кунида яҳудийлар томонидан:

Ҳаворийлар 2:1-4 Ҳосил байрами бўлганда, шогирдларнинг ҳаммаси якдиллик билан бир жойда йиғилиб турган эдилар. Тўсатдан осмонда кучли шамол эсаётганидек бир шовқин келди-ю, улар турган уйни тамоман тўлдирди. Оловга ўхшаш алангаланиб турган тиллар уларга кўринди. Булар бўлиниб, уларнинг ҳар бири устига биттадан қўнди. Ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан янги тилларда гапира бошлашди.

Ҳаворийлар 2:15-16 Бу одамлар сиз ўйлагандек маст эмаслар, чунки ҳозир эрталаб соат тўққиз-ку! Бу воқеа билан Йўэл пайғамбарнинг азалдан каромат қилиб айтганлари бажо келмоқда. У айтган эди...

Муқаддас Руҳга чўмиш жараёни бир бора содир бўладиган жараён деган таълимот бор. Аммо Ёзувда элликлик кунида Муқаддас Руҳ болохонада имонлиларга тушганидан сўнг, Гўзал деб аталган дарвоза ёнидаги шол одам шифо топганидан сўнг, Ҳанания ва Сапфира ўлганидан сўнг, дьяконлар танланганларидан сўнг, Стефан тошбўрон қилинган ва қувғинлар кўпроқ авж олганидан сўнг имонлиларнинг Муқаддас Руҳга чўмганлари қайд қилинган.

Мажусийлар томонидан Самарияда:

Филипп Самарияликларнинг олдига борди ва руҳий уйғониш бошланди. Самария Худонинг Сўзини қабул қилди ва сўнгра Петьор ва Юҳанно келдилар.

Ҳаворийлар 8:14-17 Иерусалимда қолган ҳаворийлар эса, самарияликлар ҳам Худонинг сўзини қабул қилибди, деб эшитганларида, Петъор билан Юҳаннони уларнинг олдига юборишди. Петъор билан Юҳанно у ерга келгач, Самариялик имонлилар Муқаддас Руҳни қабул қилиши учун ибодат

қилишди. Чунки уларнинг бирортасига ҳам Муқаддас Руҳ тушмаган эди. Улар Исони Раббимиз деб тан олиб, сувда имон келтиришган эди, холос. Ҳаворийлар уларнинг бошига қўл қўйиши биланоқ улар Муқаддас Руҳни қабул қилишди.

Мажусийлар томонидан Кесарияда

Бизлар Муқаддас Руҳ яҳудийларга бир марталик ҳодисадек, сўнгра мажусийларга бир марталик ҳодисадек тушган деб ўйламаслигимиз учун Кесариядаги имонлиларнинг ҳисоботи берилган.

Ҳаворийлар 10:44-46 Петъор ҳали гапириб турганда, сўзни эшитаётганларнинг барчаси устига Муқаддас Руҳ тушди. Петъор билан бирга келганлар Исога ишонган яҳудийлар эди. Муқаддас Руҳ ғайрияҳудийларга ҳам насиб бўлганини улар кўриб, ҳайратда қолдилар. Чунки у кишиларнинг янги тилларда сўзлашиб, Худони улуғлаётганларини эшитиб туришарди.

Ҳаворийлар 11:15 Мен гапира бошлаганимдаёқ, даставвал бизнинг устимизга тушган Муқаддас Руҳ уларнинг устига ҳам тушиб келди.

Мажусийлар томонидан Эфесда

Илк бора Руҳга чўмиш Исо туғилганидан сўнг 33- йилларда содир бўлди(Ушшернинг санаси). Ҳаворийлар китобининг охирларида Исо туғилганидан сўнг 54- йилларда Повул Эфесга келди.

Ҳаворийлар 19:2-6 Повул ... улардан сўради: "Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Руҳни қабул қилдингларми?» «Муқаддас Руҳ борлигини биз ҳеч қачон эшитмаганмиз", - деб жавоб берди улар. "Бундай бўлса, сизлар қай асосда сувга чўмиб имон келтиргансизлар?" – деб сўради Повул. "Биз Яҳё пайғамбарнинг таълимоти асосида сувга чўмиб имон келтирганмиз", - деб жавоб бердилар. Повул деди: "Яҳё пайғамбар халқни дарёга чўмдириб, тавба қилдирган эди, ҳолос. У халққа: Мендан кейин келадиган Зотга, яъни Исо Масиҳга инонинглар",- деб айтган эди. Улар буни эшитгач, Раббимиз Исо номидан ҳам сувга чўмиб имон келтирдилар. Повул қўлларини уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Руҳ уларнинг устига тушиб келди. Улар янги тилларда гапириб, пайғамбарчилик қила бошладилар.

ПОВУЛНИНГ МУҚАДДАС РУҲ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

Қабул қилдингларми?

Ҳаворийлар 19:2 "Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Руҳни қабул қилдингларми? Муқаддас Руҳ борлигини биз ҳеч қачон эшитмаганмиз," - деб жавоб берди улар.

Повул Эфесга келганидан сўнг, имонлиларга берган биринчи саволи шу эди. У Исонинг маҳсулдор гувоҳи бўлиш учун ҳар бир имонли Муқаддас Руҳнинг кучига муҳтожлигини билар эди. Уларнинг жавоблари ҳозирги вақтдаги кўплаб имонлиларники билан бир хилдир.

Ҳаворийлар 19:2,6 “Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Руҳни қабул қилдингларми? Муқаддас Руҳ борлигини биз ҳеч қачон эшитмаганмиз”, - деб жавоб берди улар. Повул қўлларини уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Руҳ уларнинг устига тушиб келди. Улар янги тилларда гапириб, пайғамбарчилик қила бошладилар.

Бу Осиё вилоятининг тарихида уни хушхабар билан қўлга киритиш тарихининг бошланиши эди! Имонлиларнинг ўз ҳаётларида Муқаддас Руҳга чўмиш натижасида кучга эга бўлишлари мўъжизавий хушхабарчиликнинг улкан тўлқинининг бошланиши эди.

Ҳаворийлар 19:10 Шу тариқа икки йил давомида хоҳ яҳудий, хоҳ юнон бўлсин, Осиё вилоятида яшаганларнинг ҳаммаси Раббимиз Исонинг сўзини эшитдилар.

БУГУНГИ КУНЛАРДА МУҚАДДАС РУҲНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Ҳамма учун

Исо бизлар Муқаддас Руҳга тўлганимизда кучга эга бўлишимизни айтди.

Ҳаворийлар 1:8 Лекин Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг гувоҳларим бўласизлар.

Петьор ҳар бир киши Муқаддас Руҳнинг инъомини олиши мумкинлигини айтган:

Ҳаворийлар 2:38 Петъор уларга деди: “Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга чўмиб имон келтиринглар. Шундай қилиб Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар.

Яхши инъом

Бизлар Ота Худоимиз бизларга бериш учун эга бўлган инъомларнинг ҳаммасини исташимиз керак.

Луқо 11:11-13 Сизлардан қайси бир ота, ўғли ундан нон сўраса, унга тош берар экан? Ёки балиқ сўраса, унга балиқ ўрнига илон берар экан? Ёки тухум сўраса, унга чаён берар экан? Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Руҳни беради.

Муқаддас Руҳнинг инъомларини олиш учун бизлар уларни шунчаки сўрашимиз ва уларни имон билан қабул қилишимиз керак.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Исо Муқаддас Руҳнинг келиши ҳақида сўзлаганида, Уни таърифловчи қандай сўзларни ишлатди?
2. Худонинг Сўзига биноан, одам қандай қилиб Муқаддас Руҳга чўмиши мумкин?
3. Муқаддас Руҳ«нинг чўмдиришини” ва Муқаддас «Руҳга” ёки “билан” чўмдиришнинг фарқини тушунтириб беринг.

4. Янги Аҳдда руҳга чўмиш кечинмасига ҳар доим ҳамроҳ бўладиган қандай белги ёзилган?

3 Дарс

Тилларда сўзлаш

Тилларда сўзлашни таъқиқламанглар

Муқаддас Руҳнинг инъомларидан бири, таъқиқланмаслиги буюрилган нарса, бугунги кунларда таъқиқланаётгани ажабланарли эмасми?

1Коринфликларга 14:39 Шундай қилиб, биродарларим, пайғамбарчилик қилиш учун рашқ қилинглар, номаълум тилларда ҳам гапиришни таъқиқламанглар.

Нега тилларга нисбатан бу қадар қарама-қаршиликлар мавжуд? Муқаддас Руҳнинг инъоми қандай қилиб шу қадар менсилмаши ва инкор этилиши мумкин? Тил инъомлари руҳимизнинг тўғридан тўғри Худога сўзлаши, руҳимизнинг Уни улуғлаши ва Повул айтганидек онгимизнинг янгиланиши бўлиши мумкинми? Албатта, шайтон бу қудратли нарсани тўхтатишга ҳаракат қилади. Тил ионъомлари одам Муқаддас Руҳга чўмганининг аломатидир. Бу ҳар бир имонли учун очиқ бўлган ғайритабиий борликда яшашга йўл очувчидир.

МУҚАДДАС РУҲГА ЧЎМГАНЛИКНИНГ АЛОМАТИ

Элликлик кунида

Имонлилар Муқаддас Руҳга чўмганларида ва натижада Муқаддас Руҳга тўлганларида, улар руҳ бошқарувига биноан ғайритабиий равишда тилларда сўзлай бошладилар. Элликлик кунида шу нарса содир бўлди.

Ҳаворийлар 2:4 Ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан янги тилларда гапира бошладилар.

Мажусийлар Кесарияда

Кўпинча, Худонинг кучининг вахийи Муқаддас Руҳ орқали одамларга очилганида, мойланиш шу қадар кучли бўладики, Муқаддас Руҳ уларга тушади ва улар тилларда сўзлаб Худони улуғлай бошлайдилар.

Ҳаворийлар 10:44-46 Петъор ҳали гапириб турганда, сўзни эшитаётганларнинг барчасининг устига Муқаддас Руҳ тушди. Петъор билан бирга келганлар Исога ишонган яҳудийлар эди. Муқаддас Руҳ ғайрияҳудийларга ҳам насиб бўлганини улар кўриб, ҳайратда қолдилар. Чунки у кишиларнинг янги тилларда сўзлашиб, Худони улуғлаётганларини эшитиб туришарди.

Повул Эфесда

Кўпинча Руҳга чўмган одамлар имонлиларга қўлларини қўйганларида улар Руҳга чўмадилар. Кўпинча, улар нафақат тилларда сўзлашни бошлайдилар, балки Муқаддас Руҳнинг бошқа инъомлари ҳам уларнинг ҳаётларида фаол намоён бўла бошлайди.

Ҳаворийлар 19:2,6 “Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Руҳни қабул қилдингларми? Муқаддас Руҳ борлигини биз ҳеч қачон эшитмаганмиз”, - деб жавоб берди улар. Повул қўлларини

уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Руҳ уларнинг устига тушиб келди. Улар янги тилларда гапириб, пайғамбарчилик қила бошладилар.

Повул тилларда сўзлайди

Повул юраги минннатдорчиликка тўла ва тилларда тез-тез ҳамда узоқ вақт ибодат қилишнинг аҳамиятини биладиган одам эди. Агар ҳаворий Повул номаълум тилларда сўзлашга муҳтож бўлган бўлса, бизлар ўзимизнинг бугунги кунги ҳаётимизда нақадар кўпроқ муҳтожмиз?

1Коринфликларга 14:18 Худойимдан миннатдорман, мен ҳаммаларингиздан кўпроқ номаълум тилларда гапираман.

Иккита асосий тил

➢ Одамлар тили ва фаришталар тили

Бизлар одамларнинг тилларида сўзлаганимизда, бизлар дуёдаги тилларнинг бирида сўзлаймиз. Аммо Повул фаришталарнинг тилларида, самовий тилда ҳам сўзлаганини айтган.

1Коринфликларга 13:1 Мен инсонларнинг ва фаришталарнинг тилларида гапирсам-у, лекин севгига эга бўлмасам, унда мен жаранглайдиган мис ёки янграйдиган зангман.

Кўпинча, бизлар ҳамду -сано ва сажда вақтида Худога севгимизни изҳор қилмоқчи бўлганимизда, юрагимизда борини Худога айтишга инсоний тилимиз ожизлик қилади. Муқаддас Руҳга чўмганимиздан сўнг, бизлар ҳам Повулдек янги самовий тилда сўзлашни бошлашимиз мумкин. Бу тил бизларнинг сўз бойлигимиз билан чекланмаган, фаришталар туну -кун Худонинг тахти олдида, Уни ана шу тилда улуғлайдилар.

БИЗЛАР ТИЛЛАРДА СЎЗЛАГАНИМИЗДА НИМА СОДИР БЎЛАДИ?

Бизнинг руҳимиз ибодат қилади

Бизлар номаълум тилларда ибодат қилганимизда, бизнинг руҳимиз Муқаддас Руҳни ғайритабиий равишда намоён қилиб ибодат қилади. Онгимиз эса ҳосилсиз қолади.
1Коринфликларга 14:14 Агар мен номаълум тилда ибодат қилсам, руҳим ибодат қилади, онгим эса ҳосилсиз қолади.

Худонинг ишларини эълон қилади

Руҳга чўмган имонлилар номаълум тилларда сўзлаганларида улар Худонинг мўъжизавий ишларини сўзлаб Уни улуғлайдилар.

Ҳаворийлар 2:11 "... критликлар билан араблар ҳам бизнинг тилларимизда Худонинг улуғ ишлари ҳақида гапираётганларини эшитяпмиз," - дер эдилар.

Руҳ шафоат қилади

Номаълум тилларда ибодат қилаётганда фикрлар онгимиздан келмайди, шунингдек, менинг дунёқарашим билан чекланмайди. Бу вақтда Муқаддас Руҳ менинг руҳим орқали тўғридан -тўғри Ота Худога сўзлаётган бўлади.

Эфесликларга 6:18 Ҳар доим барча ибодат ва илтижо билан Руҳда ибодат қилиб, бутун сабот билан ҳамма муқаддаслар учун бўлган илтижоларда ҳушёр бўлинглар.

Римликларга 8:26,27 Шунингдек, Руҳ ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда; чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз, аммо Руҳнинг Ўзи сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нола билан биз учун шафоат қиляпти. Юракларни синайдиган Худо эса Руҳнинг фикрини билади, чунки Руҳ Худонинг иродаси бўйича муқаддаслар учун шафоат қиляпти.

МУҚАДДАС РУҲ ҚОБИЛИЯТ БЕРАДИ

Бизлар Муқаддас Руҳга чўмганимизда, сўзлай бошлаймиз. Муқаддас Руҳ овозни руҳлантиради. Бизлар бир вақтнинг ўзида иккита тилда сўзлай олмаймиз. Бизлар ўзимизнинг самовий тилимизда сўзлаймиз. Номаълум тилларда сўзлаш вақтида «онгимиз ҳосилсиз қолишидан," бизлар бу тилда ўйлай олмаслигимизни тушунишимиз мумкин. Унда нимани сўзлаймиз?

Улар сўзлай бошладилар

Ҳаворийлар 2:4 Ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлиб, Унинг бера-ётган башорати билан янги тилларда гапира бошлашди.

Бизлар сўзлашни бошлаймиз

Барча тиллар товушларнинг бирикмаси бўлмиш сўзлардан тузилгандир. Агар Муқаддас Руҳ бизларга элликлик кунидагидек қобилият ёки товуш инъоми бермоқчи бўлса, бизлар сўзлашни бошлашимиз, лекин билган тилимизда сўзламаслигимиз лозим. Бизлар ҳам ўша илк имонлилардек баланд овозда сўзлай бошлашимиз лозим. Хизматчилар тушунтирганларидек, фикримизни Исога жамлай бошлаганимизда ва имон билан Муқаддас Руҳга чўмишни қабул қилганимизда сўзлашни бошлашимиз лозим. Бу илк имонлилар элликлик кунида сўзлаганларидек сўзлашга ҳаракатимиз бўлади. Сўнгра Муқаддас Руҳ қобилият беради.

Сув дарёлари

Биздан оқиб чиқадиган тиллар "тирик сув дарёларига" ўхшайди. У бизнинг ичимиздан чиқади. Петьор қайиқдан чиқиб, сувнинг устидан юришни бошлаганида, Раббий унинг оёқлари остида сувни қаттиқ қилганидек, бизлар дадиллик билан баланд сўзлай бошлаганимизда Муқаддас Руҳ товушни бизнинг тилимизда "қаттиқ" қилади.

МУҚАДДАС РУҲГА ЧЎМИШ

Қуйидаги ибодат билан ибодат қилинг:

Азиз самовий Ота,
Раҳмат Сенга нажот инъоми учун!
Аммо Ота, Сен менга тайёрлаган ҳар бир инъомни олишни истайман. Мен Муқаддас Руҳнинг инъомини олишни истайман. Мен ўз ҳаётимда Унинг кучига муҳтожман!
Исо, Сендан мени муқаддас Руҳга чўмдиришингни сўрайман. Мен бу инъомни имон билан қабул қиламан!
Ҳозирнинг ўзида Ота, мен ўз қўлларимни миннатдорлик билан Сенга кўтараман. Мен оғзимни кенг очаман ва сени шарафлайман, аммо буни ўзим билмайдиган тилда қилмоқчиман.
Элликлик кунидагидек, мен сўзлашни бошламоқчиман. Менинг ҳаракатим борасида, Муқаддас Руҳ буни қила олишим учун қобилият бериши учун раҳмат Ота!

Амалий маслаҳатлар

Энди Худони шарафлаб, чўзилган қўлларингиз билан Уни улуғлашни бошланг. Баланд сўзлашга ҳаракат қилинг. Муқаддас Руҳ сизга товуш инъомини бериши жараёнида тирик сув дарёлари сиздан қуйила бошлайди. Худога юракдан ҳамду- сано қуйила бошлаганича янги самовий тилда сажда қилишда ва улуғлашда давом этинг.У ичкаридан, руҳингиздан чиқишига имкон беринг. Сизнинг овозингиз Худога ҳамду- сано куйлаш ва сажда қилишда фаришталарнинг овозига бирлашишига имкон беринг.

САМОВИЙ ТИЛНИНГ БЕРИЛИШИДАН МАҚСАД

Улуғлаш

- Руҳда куйлаш

Бизлар Руҳда куйлаганимизда, Муқаддас Руҳ бизларга нафақат оҳанг беради, у бизларга мусиқа ҳам беради. Шунинг учун, Худога самовий тилда сажда қилишни бошланг.

1Коринфликларга 14:15 Унда нима қилсам экан? Руҳим билан ибодат қиламан, онгим билан ҳам ибодат қиламан. Руҳим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман.

Бизнинг руҳимиз «самовий” тил ёки “ибодат” тили билан Худога сўзлайди.
Номаълум тилларда сўзлаш инъоми тилларни талқин қилиш инъоми билан бирга фаолият юритганида эса Худо улар орқали одамларга сўзлайди.

Ибодат

Бизлар аниқ бир вазият ёки одам учун қандай ибодат қилишни билмаймиз. Шунда номаълум тилларда шафоат қилишни бошлаганимизда, Муқаддас Руҳ бизларнинг руҳимиз орқали онгимизнинг чекланишига боғлиқ бўлмаган равишда ибодат қилади. Шунинг учун Худонинг мукаммал иродасига ҳамоҳанг ибодат қила бошлаймиз. Бунда қудратли натижаларни кутиш мумкин! Худога ҳамду-сано куйлаб, Унга сажда қилганимизда, ҳамда кўпинча ва доимий равишда янги тилимизда ибодат қилганимизда, бизнинг борлиғимиздан катта куч оқиб чиқа бошлайди. Бизлар «руҳда” ибодат қилиб, Худони улуғлаганимизда тирик сув дарёлари оқишни

давом эттиради. Бизлар Руҳда ибодат қилиш воситаси билан имонда қуриламиз.

Яҳудо 1:20 Сизлар эса, эй севганларим, Муқаддас Руҳда ибодат қилиб, энг муқаддас бўлган имонингизда ўзингизни барпо қилинглар.

Имонсизларга аломат

Бизлар хушхабарни номаълум тилларда сўзлаш намойиши билан воизлик қилганимизда, Худо Ўзининг Сўзини амалга оширишни истайди. Бизлар ҳеч қачон имонсизлар номаълум тилларда сўзлаганимизни эшитсалар қўрқадилар дея ўйлашимиз ва буни яширишимиз керак эмас.

1Коринфликларга 14:22 Шундай қилиб, номаълум тиллар имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатдир. Пайғамбарчилик эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учундир.

- Элликлик кунидаги намуна

Ҳаворийлар 2:4,5 Ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан янги тилларда гапира бошлашди. Ўша замонда Иерусалимда фалак остидаги ҳамма эллардан келган диндор яҳудийлар турар эди.

Номаълум тилларда сўзлаш инъоми имонсизлар учун аломатдир, улар эшитадилар, ҳайратланадилар ва сўнгра ишонадилар.

- Кўпларнинг эътиборини тортди

Ҳаворийлар 2:6-8 Бу товушни эшитганларида, эл-улус бир жойга ялпи тўпланиб, келди. Ҳар бири ўз шевасида гапирашаётганини эшитиб, эсанкириб қолди. Ҳамма ҳайрату таажжубга тушиб, ўзаро: "Бу гапираётганларнинг ҳаммаси Жалилалик эмасми?" – дейишарди. Қандай қилиб ҳар биримиз ўз она тилимизни эшитяпмиз?"

- Худонинг мўъжизаларини намоён қилди

Ҳаворийлар 2:9-12 "Парфияликлар, Мидияликлар, Эламликлар, Месопотамия, Яҳудия, Каппадокия, Понт ва Осиё юртларида яшовчилар, Фригия, Памфилия, Миср ва Ливиянинг Киринея атрофидаги ерларда яшовчилар, Римдан келганлар, яҳудийлар билан яҳудий динига кирганлар ҳам, критликлар билан араблар ҳам бизнинг тилларимизда Худонинг улуғ ишлари ҳақида гапираётганларини эшитяпмиз," - дер эдилар. Ҳамма довдираб қолиб, бир-бирига: "Бу қандай гап?" – деб, таажжуб изҳор этарди.

- Ғайритабиий равишда уларга таниш тилларда сўзладилар

Исо номаълум тилларда сўзлаш ҳар бир имонли хушхабарни воизлик қилганида унга ҳамроҳ бўладиган аломат деди. Элликлик кунида имонлилар ўзлари билмайдиган, лекин шу ерда турганлар биладиган тилларда сўзлай бошладилар. Бугунги кунларда ҳам ҳудди шундай воқеалар содир бўлаётганига кўплаб гувоҳликлар бор. Бу доимо имонсизларга, уларни хушхабарни қабул қилишга бошқариш учун ғайритабиий аломатдир.

Ғайритабиий табиий

Тилларда сўзлаш Исо Ўзининг жамоатида қайта тиклаётган аломатлардан ва мўъжизалардан биридир. Бу ҳар бир имонли учун! Бугунги кунларда илк жамоат кунларидагидек, Муқаддас Руҳга чўмиш реал воқеадир. Бу имонсизлар учун ғайритабиий аломатдир. Бизлар тилларда сўзлаётганимизда ҳиссиётли бўлишимиз, ёки ғайритабиий ҳаракатлар қилишга ҳаракат қилишимиз шарт эмас. Бизлар Муқаддас Руҳ бошқаруви остида баланд ёки паст, тез ёки секин сўзлашимиз мумкин. Тил инъоми сиз орқали ғайритабиий равишда лекин табиий йўл билан оқишига имкон беринг.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Номаълум тилларда сўзлашда бизлар қилишимиз керак бўлган ва Худо қиладиган ишларни тушунтиринг.

2. Номаълум тилларда сўзлаш бир бора содир бўлиши лозимми, ёки имонлининг ҳаётида доимо бор табиий нарсага айланиши лозимми?

3. Имонсизлар номаълум тилларда сўзлашимизни эшитганларида қўрқишлари мумкинлигидан хавотирланишимиз керакми ёки йўқми?

4 Дарс

Хизматнинг муҳим қуроллари

Кириш

Муқаддас Руҳнинг инъомлари Муқаддас Руҳга тўла имонлиларни бутунлай янгича яшаш йўли билан таъминлайди. Петьор ўзининг қайиғидан чиқиб сув устида юрганидек, бизлар ҳам табиий ҳаётимизнинг қулай шароитларидан ташқарига қадам қўйиб, "руҳий сувлар" устида юришимиз мумкин. Бизлар руҳда яшашимиз ва ўзимизнинг кундалик ҳаётимизда Унинг тўққизта инъомида фаолият юритишимиз лозим.

1Шомуил 10:6 Эгамиз Руҳи сени ҳам қамраб олади. Улар билан бирга сен ҳам пайғамбарчилик қиласан ва бутунлай бошқа одамга айланасан.

БАРЧА ИМОНЛИЛАР УЧУН ҚУРОЛЛАР

Билим

Барча имонлилар Муқаддас Руҳнинг барча тўққизта инъомида фаолият кўрсатишни билишлари ва тушунишлари жуда муҳимдир. Повул буни Муқаддас Руҳнинг инъомлари ҳақидаги таълимотининг бошида айтган.

1Коринфликларга 12:1 Биродарларим, сизларни руҳий инъомлар ҳақида билимсиз қолишингизни хоҳламайман.

Инъомлар эшиги

Муқаддас Руҳга чўмиш бу инъомларни қўлга киритишнинг эшигидир. Бизлар Муқаддас Руҳга чўмганимиздан, бирдан, Муқаддас Руҳнинг инъомларида фаолият юрита бошлаймиз. Муқаддас Руҳнинг кучи бизларга шу лаҳзада келади ва бизлар бу кучни Муқаддас Руҳнинг аломатларидан бирортаси воситасида намоён қилишимиз керак.

Йўэл 2:28 Ўшандан сўнг шундай бўладики, ҳар қайси танага Ўз Руҳимни қуяман ва ўғилларинг билан қизларинг пайғамбарчилик қиладилар; оқсоқолларинг туш кўрадилар ва ёшларинг ваҳийлар кўрадилар.

Ҳаворийлар 1:8 Лекин Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганда, сизлар куч оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг гувоҳларим бўласизлар.

Тўққизта руҳий инъомлар

1Коринфликларга 12:4-10 Инъомлар эса ҳар-хил, лекин Руҳ ўша-ўшадир. Хизматлар ҳам ҳар- хил, лекин Раббий ўша-ўшадир. Фаолитлар ҳам ҳар- хил, лекин ҳаммада ҳамма нарсани харакатга келтирадиган Худо ўша-ўшадир. Аммо Руҳнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади. Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-

қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар- хил тиллар, яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

БАРЧА ИНЪОМЛАР ҲАР БИР ИМОНЛИ УЧУН

Еттинчи дарсда Муқаддас Руҳнинг инъомлари- Муқаддас Руҳнинг намоён бўлиши деб аталган. Уларнинг ҳаммаси ҳар бир имонлига унинг фойдасига берилган. Имонли Муқаддас Руҳнинг тўққизта инъомларидан ўзига берилганини ишлатмаганида «кўпчиликнинг фойдаси"ни йўқотган бўлади. Бу имонли Худо унинг ҳаётига нисбатан режалаштирган руҳий ўсиш ва маҳсулдор хизматнинг муҳим натижаларини йўқотади.

1Коринфликларга 12:7 Аммо Руҳнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади.

Тўлиқ тана хизмати

Повул Муқаддас Руҳнинг инъомлари ҳақида 1Коринфликларга ёзар экан, у инъомларнинг жамоат йиғинларидаги фаолиятини ёритган. У 1Коринфликлар 11да жамоатда кийиниш ҳақида, сўнгра эса шу бобнинг охирроғида Раббийнинг кечлигига тақалган. Саккизинчи оятдаги "бирига бу берилган", "бошқасига у" сўзлари кўпларни тушунмовчиликка қўяди. Бу сўзларни ишлатиш орқали бизлар ҳар биримиз бир ёки иккита инъомда ҳаракат қилишимиз мумкин, ундан кўпида эмас деган тушунчага келамиз. Аммо бундай таълимот хатодир. Повул жамоат йиғинида инъомлар қандай фаолият кўрсатиши ҳақида ёзган эди. Ҳамма йиғинларда биргина одам барча хизмат инъомларида фаолият кўрсатмайди. Жамоат йиғини бу Масиҳ танасининг хизмати. Бир одам бу инъомда фаолият кўрсатади, бошқаси бошқа инъомда. Бизлар Муқаддас Руҳга сезгир бўлганимизда, ҳар бир имонли ўзининг инъоми билан Масиҳ танасининг бошқа аъзосига хизмат қилиши мумкин. Бизлар Муқаддас Руҳнинг инъомининг бизлар орқали оқишига имкон берганимизда, бир биримизга тенг равишда муҳим бўламиз.

1Коринфликларга 12:11,12 Бироқ буларнинг ҳаммасини ўша битта Руҳ келтиради. У Ўзи хоҳлагани бўйича буларни ҳар кимга алоҳида тақсимлайди. Бир танада кўп аъзолар бор. Тананинг аъзолари кўп бўлса ҳам, улар бир танани ташкил қилади. Масиҳ ҳам худди шундайдир.

Жамоат қуриш учун инъомларни изланг

Бизлар руҳий инъомларни ўзимизнинг обрўимизни ошириш учун эмас, балки Масиҳнинг танасини қуришда иштирок этиш учун излашимиз лозим.

1Коринфликларга 14:12 Худди шундай сизлар ҳам руҳий инъомлар учун рашк қилаётиб, Жамоатни барпо қилиш учун улар билан бойишга ҳаракат қилинглар.

Диққат қилинг, "инъомлар" сўзи кўпликда ишлатилган. Барча инъомлар бирор одамнинг мартабасини кўтариш учун эмас, балки Масиҳнинг бутун танасини қуриш учундир. Ҳар бир имонли хизматга эга.

Баъзи имонлилар Худо томонидан беш томонлама хизматни амалга ошириш учун даъват этилганлар(ҳаворий, пайғамбар, ўқитувчи, хушхабарчи ва чўпон). Бу хизматчилар орқали Муқаддас Руҳнинг тўққизта инъомлари ҳам эркинроқ фаолият кўрсатиши мумкин, чунки бу одамлар Муқаддас Руҳнинг инъомларининг улар орқали оқишига кўпроқ очиқдирлар.Улар бошқа хизматлардан кўра бир хизматда кўпроқ фаолият юритишлаи жараёнида бу инъом яққолроқ намоён бўлиб бориши мумкин. Ҳар бир имонли барча инъомларда фаолият кўрсатиши лозим. Улар ахмоқ кўринишдан қўрқишлари керак эмас. Улар қадам қўйишни ва хато қилиш хавфидан қўрқмасликни исташлари керак. Бу ўрганишнинг ягона йўлидир. Барча шогирдлар орасидан фақат Петьор сувда юрди. Фақат у қайиқдан чиқиш хавфидан қўрқмасликка қарор қилди.

Каттароқ инъомларни рашк қилинг

1Коринфликларга 12:31 Лекин ғайрат билан аълороқ инъомлар учун рашқ қилинглар. Мен эса сизларга янада олийроқ йўлни кўрсатаман.

Ҳар бир имонли учун, унинг ҳаётида эркин оқиши керак бўлган каттароқ инъом - уларга Худо берган асосий хизматларини амалга оширишлари учун ҳар куни ва ҳар бир вазиятда муҳтож бўлган инъомларидир.

ХУДОНИ ҚАТЪИЙ ИЗЛАШНИНГ НАМУНАЛАРИ

Ёқубнинг намунаси

Ибтидо 32:24-30 ...ва Ёқуб ёлғиз қолди. У билан Кимдир тонг отгунича курашди, ҳамда уни енга олмаётганини кўриб, унинг сонининг асосидан тутди; Ва у билан курашаётганида Ёқубнинг сонининг асоси бўғимидан чиқди. У деди: Мени қўйиб юбор, зеро тонг отяпти. Ёқуб эса деди: Мени дуо қилмагунингча сени қўйиб юбормайман. Шунда унга деди: Сенинг исминг нима? У жавоб берди: Ёқуб. Сенинг исминг бошқа Ёқуб эмас, балки Исроил бўлади. Зеро сен Худо билан курашдинг ва одамларни енгасан. Ёқуб ҳам сўраб деди: Менга исмингни айт. У деди: Нима учун исмимни сўраяпсан? Ва уни ўша ерда дуо қилди. Ёқуб ўша жойни Пэнуэл деб атади. "Зеро мен ХУдони юзма-юз кўрдим ва жоним омон қолди, "-деди у.

Исо сўзлаган масал

➤Нон сўраш

Луқо 11:5-8 Сўнгра Исо сўзини давом эттирди: "Фараз қилайлик, орангизда бир кишининг дўсти бўлиб, ярим кечада унинг олдига келиб, унга дейди: Дўстим, менга учта нон қарз бергин; менинг бир дўстим йўл-йўлакай меникига кирибди ва унинг олдига қўядиган ҳеч нарсам йўқ. У эса ичкаридан жавоб бериб деди: Мени овора қилма. Эшик қулфлаб қўйилган, болаларим мен билан бирга тўшакда. Шунинг учун ўрнимдан туриб сенга беролмайман. Сизларга айтаманкм: агар ўз дўсти бўлгани учун ҳам туриб унга бермаса, унда у унинг чекинмаслиги туфайли туриб, унга қанча сўраса, шунча беради".

➤Сўранг, изланг, тақиллатинг

Луқо 11:9-13 Яна сизларга айтаманки: сўранглар ва сизларга берилади. Изланглар ва топасизлар. Тақиллатинглар ва сизлар-

га очилади. Чунки ҳар бир сўраётган олади, излаётган топади, тақиллатаётганга очилади. Сизлардан қайси бир ота, ўғли ундан нон сўраса, унга тош берар экан? Ёки балиқ сўраса, унга балиқ ўрнига илон берар экан? Ёки тухум сўраса, унга чаён берар экан? Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Руҳни беради.

Инъомни алангалатиш

2Тимўтийга 1:6 Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатяпман.

ХУДОГА БЎЙСУНИНГ

Ўзингизни бағишланг

Римликларга 6:13 Шунингдек, аъзоларингизни ҳам ноҳақлик қуроли сифатида гуноҳга топширманглар, лекин ўликлардан тирилганлардай ўзларингизни Худога тақдим этинглар ва аъзоларингизни ҳақлик қуроли сифатида Унга топширинглар.

Римликларга 12:1 Шундай қилиб, биродарларим, Худони шафқати билан сизлардан ўтинаманки: Худога тушунган ҳолда хизмат қилишингиз учун аъзойи баданларингизни тирик, муқаддас ва Худога маъқул бўладиган қурбонлик қилиб бағишланглар.

Руҳий дунёда ҳаракатланинг

Руҳга тўла имонлилар сифатида бизлар бошқа эски табиат истакларимиз билан юришимиз керак эмас. Бизлар янги ғайритабиий ўлчамда, Муқаддас Руҳнинг борлиғида яшашни ўрганишимиз лозим. Бизлар Руҳ изми билан яшаганимизда, кундан-кунга Унга сезгир бўлиб борамиз. Бизлар ғайритабиий- табиий бўламиз. Руҳий инъомларнинг фаолият кўрсатиши бизнинг ҳаётимизнинг кундалик қисмига айланади.

1Коринфликларга 2:14 Жони бошқарадиган одам эса Худонинг Руҳидан бўлган нарсаларни қабул қилмайди. У буларни телба-лик деб ҳисоблайди ва уларни фаҳмлай олмайди, чунки булар ҳақида руҳан муҳокама қилиш керак.

Галатияликларга 5:25 Агар биз Руҳ билан яшаётган бўлсак, унда Руҳнинг орқасидан изма-из борайлик.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Муқаддас Руҳнинг тўққизта инъомини ёзинг.
2. Муқаддас Руҳнинг инъоми ҳар бир имонлига унинг фойдасига берилган экан, нима учун баъзи инъомлар баъзи одамлар орқалигина эркин оқа олади?
3. Нима учун бизлар Худо бизларни даъват этган хизматни бажаришимиз учун муҳим бўлган “каттароқ инъомларни” исташимиз муҳим?

5 Дарс

Инъомларнинг турлари ва маънолари

(Ўқитувчилар диққатига: Бу дарсда Муқаддас Руҳнинг инъомларининг фаолиятини таърифлаш учун ўз тажрибангиздан баъзи лаҳзаларни тайёрлаб келишингиз лозим. Сўнгра талабаларни, ушбу инъомлар уларнинг ҳаётларида қандай фаолият кўрсатишини айтиб беришга руҳлантиринг. Бу уларга Муқаддас Руҳнинг инъомларини фарқлашга ва фаолиятини тушунишга ёрдам беради).

ТЎҚҚИЗТА ОЯТ РУҲИЙ ИНЪОМЛАР ҲАҚИДА СЎЗЛАЙДИ

1Коринфликларга 12:1 Биродарларим, сизларни руҳий инъомлар ҳақида билимсиз қолишингизни хоҳламайман.
1Коринфликларга 13:2 Агар мен пайғамбарчилик инъомига эга бўлсам-у, бор билимларни ва бор сирларни тушунсам, агар тоғларни кўчирадиган бор имонга эга бўлсам-у, лекин севгига эга бўлмасам, мен ҳеч нарса эмасдирман.

1Коринфликларга 14:1,12 Севгининг ортидан кувинглар. Руҳий инъомлар, айниқса, пайғамбарчилик қилиш учун рашк қилинглар. Худди шундай сизлар ҳам руҳий инъомлар учун рашк қилаётиб, Жамоатни барпо қилиш учун улар билан бойишга ҳаракат қилинглар.

2Тимўтийга 1:6 Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатяпман.

Ибронийларга 2:4 Худо Ўз гувоҳларига ажойиботлар, мўъжизалар ва ҳар турли қудратли ишлар кўрсатди, Ўз хоҳиш-иродасига кўра Муқаддас Руҳнинг инъомларини уларга улашиб, уларнинг шаҳодатларига Ўзининг тасдиғини қўшиб берди.

1Петъор 4:10 Шундай қилиб, ҳар бирингиз Худонинг кўп турли иноятини идора қилувчиси бўлиб, қабул қилган инъомингиз билан бир- бирингизга хизмат қилинглар.

Римликларга 1:11 Чунки мен сизларни кўришни жуда ҳам орзу қилмоқдаман, токи сизларнинг мустаҳкамланишингиз учун мен сизларга бирон- бир руҳий инъом тақдим этай, ...

Ҳикматлар 18:16 Совға эгасига ҳамма эшикларни очади, катта одам олдига олиб боради.

РУҲНИНГ ТЎҚҚИЗТА ИНЪОМИ

Руҳнинг тўққизта инъоми орқали Муқаддас Руҳ Ўзининг Ҳузурини намоён қилади. Инъомлар Худонинг дунёга бўлган иноятини кўрсатади. Инъомлар **–** бу одамзоднинг манфаати учун бўлган Худонинг қудратли хизматининг намойишидир.

1Коринфликларга 12:7-10 Аммо Руҳнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади. Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса худди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар- хил тиллар яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

Инъом ҳар бир киши учундир

Инсон руҳий дунёнинг бир қисми бўлмаса, бу ёвуз дунёда омон қола олмайди. Худо ҳеч қачон бундай режага эга бўлмаган. Шунинг учун Худо инсонни руҳий дунёнинг бир қисми қилиб яратди. Имонлиларга Муқаддас Руҳда чўмиш орқали, ўз ҳаётларидаги ҳар қандай жангда ғолиб бўлишлари учун инъомлар берилган.

- Худо Руҳдир
- Шайтон руҳдир
- Одам руҳдир

Эфесликларга 6:12 ...чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик руҳларига қаршидир.

Муқаддас Руҳнинг инъоми бизга, уларни ишлатишимиз учун берилган. Улар инсоннинг содиқ хизмати учун бериладиган “мукофот” эмас. Инъомлар имонлиларни бу ҳаётдаги жангда қуроллантирадиган қуроллардир.

УЧ ГУРУҲ ИНЪОМЛАР
Товуш инъомлари
Номаълум тиллар
Номаълум тилларни талқин қилиш
Пайғамбарлик

Ваҳий инъомлари
Руҳларни фарқлаш
Билим сўзи
Донолик сўзи

Куч инъомлари
Имон инъоми
Шифолаш инъоми
Мўъжизалар яратиш инъоми

ТОВУШ ИНЪОМЛАРИ

Бизлар кўриб чиқадиган биринчи гуруҳ инъомлар сўзлаш ёки товуш инъомларидир. Бу инъомлар Муқаддас Руҳнинг бизлар орқали ёки бизларга сўзлашидир. Худо имонлиларга ғайритабиий равишда сўзлаганида тил инъомлари намоён бўлади. Имонлилар бу инъомларда фаолият юритганларида бошқалар мустаҳкамланади, руҳланади ва юпанади. Худо одамларни тўғрилаётганида, ҳеч қачон бу инъомлар орқали айблов олиб келмайди.

Номаълум тиллар

Номаълум тилларда сўзлаш - табиий товуш аъзолари воситасида Муқаддас Руҳ берган руҳланишни ғайритабиий равишда намоён қилишдир. Бу сўзловчи илгари ўрганмаган, шу билан бирга у онги билан тушунмайдиган тилдир. Сўзланаётган тил фаришталар сўзлашадиган тил ёки одамлар сўзлайдиган тил бўлиши мумкин. Номаълум тилларни бошқа тингловчилар, агар уларнинг она тилларида сўзланаётган бўлса тушунишлари мумкин.

Тилларни талқин қилиш

Тилларни талқин қилиш инъоми - номаълум тилларда айтилган сўзларнинг таърифини Муқаддас Руҳнинг ғайритабиий намойиши билан тушунтириб беришдир. Бу онгнинг фаолияти ёки тушунчаси эмас. Бу Худонинг Руҳи томонидан берилади. Талқин қилиш – тушунтириш, маъносини очиш деган маънони билдиради. Бу ҳарфма- ҳарф ёки сўзма- сўз таржима эмас.

Пайғамбарлик

Пайғамбарлик инъоми бирдан, ғайритабиий равишда руҳлантиришнинг таниш тилда изҳор қилинишидир. Бу Масиҳнинг танасини мустаҳкамлайди, дадиллаштиради ва юпатади.
Бу Худонинг маълум шахс ёки одамлар гуруҳига йўллаган сўзидир.

ВАҲИЙ ИНЪОМЛАРИ

Ваҳий инъомлари аниқ вазиятларда Худонинг ўз халқига руҳларни очиши, ёки билим, донолик беришидир. Бу инъомлар бизларга номаълум тиллар орқали, тилларни талқин қилиш ёки пайғамбарлик инъоми орқали берилиши мумкин. Улар бизларга тушлар, манзаралар ёки ички билим орқали берилиши мумкин.

Руҳларни фарқлаш

Руҳларни фарқлаш руҳий дунёга ғайритабиий равишда назар ташлашдир. Бу одамнинг, вазиятнинг, ҳаракатнинг ёки сўзнинг ортидаги руҳнинг ёки руҳларнинг турларини кўрсатади.
Руҳларнинг келишининг уч манбаи фарқланади:

- Худодан; Худо ва Унинг фаришталари
- Шайтондан; Шайтон ва унинг ёвуз руҳлари
- Одамнинг руҳи; тана яъни табиий одам.

Билим сўзи

Билим сўзи - Муқаддас Руҳнинг ғайритабиий ваҳийидир. У маълум шахс ёки вазият ҳақида, ўтмиш ёки ҳозирги вақт ҳақида одам табиий онги ёрдамида билиши мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида маълумот беради. Билим сўзи тўлиқ воқеани рўйи- рост очмайди, балки фақат аҳамиятга эга бўлган бўлагини очади. У аниқ маълумотларни очади. У ҳозир содир бўлаётган жараённи ёритади.

Донолик сўзи

Донолик сўзи ҳам Муқаддас Руҳнинг ғайритабиий инъомидир. У имонлиларга турли вазиятларда табиий ва ғайритабиий билимларини қўллаган ҳолда қандай ҳаракат қилиш ҳақида Худонинг донолигини беради. У бизнинг ҳаётимиз ва хизматимизга нисбатан Худонинг режаларини ва мақсадларини очади. У бизга Худо шу кунларда, яқин ва узоқ келажакда нима қилмоқчи эканини очади. У маълум шахс ва умумий жамоат нима қилиши лозимлиги ва қандай қилиб Худонинг иродасини бажаришини очади. Донолик инъоми кўпинча билим инъоми билан бирга фаолият кўрсатади.

КУЧ ИНЪОМЛАРИ

Куч инъомлари Худонинг Ўз кучини бизлар орқали оқиши учун озод қилишидир. Бу Худонинг бизлар орқали қиладиган ишидир!

- Худо бизларга сўзлайди - сўз инъомлари
- У бизларга маълум нарсаларни очади - ваҳий инъомлари
- У бизлар орқали ҳаракат қилишга Ўз кучини озод қилади - куч инъомлари.

Имон инъоми

Имон инъоми аниқ вақт ва мақсад учун ғайритабиий инъомдир. У сиз маълум вақтда бажаришингиз керак бўлган махсус вазифани бажаришингиз учун куч инъомидир.

Мўъжизалар яратиш

Мўъжизалар яратиш табиатнинг табиий оқимига ғайритабиий аралашишдир. Бу Худонинг кучининг намойишидир. У орқали табиатнинг қонунлари ўзгартирилади, бўйсундирилади ёки назорат остига олинади. Мўъжизалар яратиш Худонинг ғайритабиий кучини намойиш қилиш йўли билан табиий ва одатий тартибни маълум муддат ичида тўхтатиш ва бўйсундиришдир.

Шифолаш инъомлари

Шифолаш инъомлари Худонинг шифоловчи кучини одамларга ғайритабиий равишда ўтказишидир. Шифолаш кучини ўтказишнинг кўплаб йўллари бўлгани, турли беморларга шифолаш хизмати кўрсатилиши туфайли шифолаш "инъомлари" кўпликда берилган. Булар Муқаддас Руҳнинг ғайритабиий намоён бўлиши бўлиб, тиббиёт амалиёти билан бир хил эмас.

ИНЪОМНИ БЕРУВЧИНИ ВА ИНЪОМНИ ҚИДИРИНГ

Оч ва чанқоқ

Матто 5:6 Ҳақиқатга очу чанқоқлар бахтлидир, чунки улар тўядилар.

Руҳнинг ўйловини изланг

Римликларга 8:5,6 Зеро тана изми бўйича яшовчилар танавий нарсалар ҳақида, Руҳ изми бўйича яшовчилар эса руҳий нарсалар ҳақида фикр юритадилар. Тана изми бўйича фикр юритиш – ўлимдир, Руҳ бўйича фикр юритиш эса – ҳаёт ва тинчликдир.

Римликларга 8:13,14 Агар тана изми бўйича яшасангизлар, ўласизлар. Агарда Руҳ билан аъзойи бадан ишларини ўлдирсангизлар, яшайсизлар. Зеро Худонинг Руҳи билан бошқарадиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғилларидир.

Намойишни қабул қилинг

1Коринфликларга 12:7 Аммо Руҳнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: "Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман".

2Тимўтийга 1:6 Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатяпман.

Асосийси, Муқаддас Руҳнинг мазкур инъомларини сизнинг ичингизда ёниб турган ҳолда асранг!

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Товуш инъомларининг рўйхатини ва уларнинг ҳар бирининг таърифини ёзинг.

2. Ваҳий инъомларининг рўйхатини ва уларнинг ҳар бирининг таърифини ёзинг.

3. Куч инъомларининг рўйхатини ва уларнинг ҳар бирининг таърифини ёзинг.

6 Дарс
Тил инъомлари
Тиллар ва тилларни талқин қилиш

Номаълум тиллар ва уларни талқин қилиш

1Коринфликларга 12:8-10 Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Рух томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар- хил тиллар яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

Муқаддас Руҳнинг тўққизта инъомлари		
Товуш инъомлари	**Ваҳий инъомлари**	**Куч инъомлари**
Номаълум тиллар	Руҳларни фарқлаш	Имон инъоми
Тилларни талқин қилиш	Билим сўзи	Шифоланиш инъомлари
Пайғамбарчилик	Донолик сўзи	Мўъжизалар яратиш

НОМАЪЛУМ ТИЛ ИНЪОМЛАРИ, ТАЛҚИН ҚИЛИШ, ПАЙҒАМБАРЧИЛИК

Кириш

Товуш инъомлари **-** Худо ғайритабиий равишда имонлиларга сўзлаганида намоён бўлади. Имонлилар бу инъомларда фаолият кўрсатганларида, бошқалар қувватланадилар, руҳланадилар ва юпанадилар. Худо имонлиларни тўғриламоқчи бўлганида, ҳеч қачон бу инъомлар орқали айблов олиб келмайди.

1Коринфликларга 14:3 Ким пайғамбарчилик қилса, у барпо қилиш, далда бериш ва юпатиш учун одамларга гапиради.

Бу инъомлар адашмасликка кафолатланмаган одам идиш яъни сўзловчи орқали берилишини ҳисобга олиб, ҳеч қачон айтилган сўзни ёзилган сўз билан бир ўринда қўймаслик лозим. Уни доимо Худодан ёки Худодан эмаслиги текширилиши керак.

1Коринфликларга 14:29 Пайғамбарчилик қилувчилардан ҳам икки ёки уч киши гапирсин, қолганлар эса муҳокама қилсинлар.

Барча имонлиларга

Бизлар учинчи дарсда ўрганганимиздек, номаълум тилларда сўзлаш Муқаддас Руҳга чўмган ҳар бир имонли учундир. Повул имонлиларни тилларни талқин қилиш инъомини олиш учун ибодат қилишга йўналтирди.

1Коринфликларга 14:13 Шунингдек, номаълум тилда гапирувчи талқин қилиш учун ибодат қилсин.

Повул шунингдек: «Пайғамбарчилик инъоми номаълум тиллар инъомидан фойдалироқ, шунинг учун кўпроқ пайғамбарчилик инъомини олишга рашк қилинглар,»- деган.

1Коринфликларга 14:5 Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни хоҳлайман, лекин пайғамбарчилик қилишингиз афзалроқдир. Агар фақат тилларда гапирувчи Жамоатни барпо қилиши учун ўша тилларни талқин қилмаса, унда пайғамбарчилик қилувчи номаълум тилларда гапирувчидан буюкроқдир.

Ҳамма номаълум тилларда сўзлаши лозим. Ҳамма тилларни талқин қилиш инъомини олиш учун ибодат қилиши лозим. Аммо пайғамбарчилик қилиш маъқулроқдир. Повулнинг бу таълимотидан бизлар тушунамизки, уччала товуш инъомларининг ҳаммаси ҳамма имонлилар учундир.

ТОВУШ ИНЪОМЛАРИНИ СОЛИШТИРИШ

Номаълум тиллар ва талқин қилиш

Номаълум тиллар ва уларни талқин қилиш инъомлари тажрибада қўллаш осон бўлган инъомлардир. Улар умумийдир, шунинг учун қабул қилинмаганда умумий қабул қилинмайдилар.
Талқин қилиш инъоми орқали бирор киши сўзларни тушуна бошлашидан олдин, бу сўзлар номаълум тилларда айтила бошлаши лозим. Шундай қилиб, тиллар инъоми ва уларни талқин қилиш бирга оқади.

Номаълум тиллар ва пайғамбарчилик

Одам тилларда ибодат қилганида, сирларини Худога сўзлайди.

1Коринфликларга 14:2,39 Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Руҳ билан сирларни гапиради. Шундай қилиб, биродарларим, пайғамбарчилик қилиш учун рашк қилинглар, номаълум тилларда ҳам гапиришни таъқиқламанглар.

Пайғамбарчилик қилганида эса, бошқа имонлини қувватлайди.

1Коринфликларга 14:3 Ким пайғамбарчилик қилса, у барпо қилиш, далда бериш ва юпатиш учун одамларга гапиради.

Номаълум тилларда сўзлаш имонлининг ўзини Руҳда қуради. Пайғамбарчилик инъоми эса жамоатни барпо қилади.

1Коринфликларга 14:4 Номаълум тилда гапирувчи ўзини барпо қилади, пайғамбарчилик қилувчи эса Жамоатни барпо қилади.

Пайғамбарлик улуғроқдир, чунки у тўғридан- тўғри жамоатни барпо қилади.

1Коринфликларга 14:5 Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни хоҳлайман, лекин пайғамбарчилик қилишингиз афзалроқдир. Агар фақат тилларда гапирувчи Жамоатни барпо қилиши учун ўша тилларни талқин қилмаса, унда пайғамбарчилик қилувчи номаълум тилларда гапирувчидан буюкроқдир.

Шу бобда жамоат сўзи тўққиз марта ишлатилган. Бу билан бу инъомларнинг жамоатда муҳимлиги кўрсатилган.

Тиллар нима учун?
Пайғамбарлик нима учун?

Нима учун Худо баъзан номаълум тиллар ва уларни талқин қилиш инъоми орқали, бошқа дафъа эса пайғамбарчилик орқали сўзлайди?

1Коринфликларга 14:22 Шундай қилиб, номаълум тиллар имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатдир. Пайғамбарчилик эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учундир.

Тиллар имонсизлар учун аломат. Тилларни талқин қилиш эса Худонинг Ўз танасига мактуби. Пайғамбарчилик имонли учун. Пайғамбарчилик фаолият кўрсатиши учун каттароқ даража имонни талаб қилади.

ТИЛЛАР ИНЪОМИ

Таъриф

Тилларни талқин қилиш инъоми нормал товушни ишлатган ҳолда, муқаддас Руҳнинг илҳомини ғайритабиий равишда изҳор қилишдир. Бу сўзловчи илгари ҳеч қачон ўрганмаган ва сўзловчи онги билан тушунмайдиган тилдир. Сўзланаётган тил фаришталарнинг тили ёки одамларнинг тили бўлиши мумкин. Тиллар инъомини эшитаётган одам тушуниши мумкин.

Тилларни тушуниш

Тўққизта ғайритабиий инъомлардан бири бўлмиш тиллар инъоми - имонли Муқаддас Руҳга чўмганида оладиган улуғлаш ва шафоатнинг ғайритабиий тилидан, номаълум тилларда сўзлашдан фарқланиши керак. Булардан бири Одамнинг Худога сўзлаши, бошқаси эса Худонинг одамга сўзлашидир.

Тиллар фаолиятда

Номаълум тилларда сўзлаш учун мойланиш одамда бўлганида, ва Худо у орқали жамоатга сўзламоқчи бўлганида, бу тилларни талқин қилиш инъоми билан бирга ишлайди.

1Коринфликларга 14:27 Агар ким номаълум тилда гапирса, унда икки ёки энг кўпи уч киши навбат билан гапирсин, бир киши эса талқин қилсин.

Тўлиқ гуруҳ тилларда куйлаётганида, бу Отага бағишланган улуғлаш вақтидир. Улуғлаш вақтида ҳеч қандай талқин қилиш керак эмас. Гуруҳда нима содир бўлаётганини тушунмайдиган одамлар бўлса, уларга номаълум тилларда куйлаш нималигини тушунтириш керак.

Жамоатда

Сўз айтувчининг ўзи уни тушунмаслиги, лекин атрофда турган киши ёки кишилар тушунишлари мумкин.

Ҳаворийлар 2:4-6 Ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан янги тилларда гапира бошлашди. Ўша замонда Иерусалимда фалак остидаги хамма эллардан келган диндор яҳудийлар турар эди. Бу товушни эшитганларида, эл-улус бир жойга ялпи тўпланиб, келди. Ҳар бири ўз шевасида гапиришаётганини эшитиб, эсанкираб қолдилар.

Мақсад

Худо Ўзининг халқига сўзлашни истайди. У ҳозирги кунларда бу учун қўллаётган усулларидан бири номаълум тиллар ва тилларни талқин қилиш инъомидир.

ҚЎЛЛАШ УЧУН ЙЎЛЛАНМА

Мойланишга эга бўлиш

Худо Ўз танасига номаълум тилларда сўз бермоқчи бўлганида, Худо Ким орқали бу сўзни бермоқчи бўлса ўша одам Муқаддас Руҳнинг сўзлашга руҳлантиришини сезади. Бу одам бўладиган йиғинда маъқул вақтда номаълум тилларда сўз айтиш учун мойланиш ва Муқаддас Руҳнинг ундашини ич- ичидан, руҳидан сезади. У йиғиннинг тартибини бузиши, воизлик қилинаётган сўзни бўлиши керак эмас, балки тўғри келадиган фурсатни кутиши керак. Ёдда тутинг, Муқаддас Руҳ ҳеч қачон Ўзининг Сўзини бўлмайди.

Тан олиниш

Имонлиларнинг катта йиғинларида номаълум тилларда сўз айтишдан олдин жамоатнинг лидерлари томонидан тан олиниш муҳимдир. Библия: “ораларингизда хизмат қилаётганларни билинглар,”- дейди. Токи тилни талқин қилувчи бўлмагунича номаълум тилларда сўз айтиш керак эмас.

Аниқ сўзлаш

Сўзни қичқириб эмас, балки Муқаддас Руҳ бераётган ҳиссиёт билан аниқ сўзлаш керак. Масалан, баъзан Муқаддас Руҳ сўзни дадиллик билан, баъзан қувноқлик билан айттиради. Сўзлаётганингизда ўзингиз ҳис қилаётган ҳиссиётни намоён қилинг.

Талқинга эга бўлиш

Сўз берилганида имонлилар Худодан талқин қилиш инъомини кутишлари учун жимлик фурсати бўлиши лозим.

1Коринфликларга 14:19,28 Жамоатда эса номаълум тилда ўн минг сўз гапиргандан кўра, бошқаларга насиҳат қилиш учун ўз онгим билан беш сўз айтганим афзалроқдир. Агарда талқин қилувчи бўлмаса, Жамоатда жим туриб, ўзига ва Худога гапирсин.

Фақат учта!

Повул жамоатга нормал шароитда номаълум тилларда Худодан келган сўзни айтувчиларнинг сони- учта одамдан ортиқ бўлмаслиги лозимлигини таъкидлади.

1Коринфликларга 14:27 Агар ким номаълум тилда гапирса, унда икки ёки энг кўпи уч киши навбат билан гапирсин, бир киши эса талқин қилсин.

Таъқиқланмаслиги керак.

Номаълум тилларда сўзлаш бизлар таъқиқламаслигимиз буюрилган ягона инъомдир.

1Коринфликларга 14:39 Шундай қилиб, биродарларим, пайғамбарчилик қилиш учун рашк қилинглар, номаълум тилларда ҳам гапиришни таъқиқламанглар.

Бошқа инъомлар

Номаълум тиллар инъоми фаолият кўрсатаётганида тилларни талқин қилиш ва руҳларни фарқлаш инъомлари ҳам фаолият кўрсатади. Булар ҳақида шу инъомлар ҳақидаги дарсларда кўпроқ суҳбатлашамиз.

ТАЛҚИН ҚИЛИШ ИНЪОМИ

Таърифи

Тилларни талқин қилиш инъоми номаълум тилда берилган номани Муқаддас Руҳ томонидан эшитувчиларга талқин қилинишидир. Бу онгнинг фаолияти ёки тушунчаси эмас. Бу Худонинг Руҳи томонидан берилади. Талқин қилиш тушунтириш, очиш деган маънони билдиради. Бу сўзма- сўз таржима эмас. Хорижий давлатда воизлик қилаётган одам таржимонга муҳтож бўлиши мумкин. Бу Муқаддас Руҳнинг инъоми эмас, балки иккала тилни биладиган ва уларда сўзлайдиган одамнинг қобилиятидир.

Бир хил узунликда эмас

Иккита сабабга кўра талқин қилинган нома номаълум тилларда айтилган номадан ҳажмига кўра фарқ қилади.

1) Бу аниқ таржима эмас. Бу номанинг талқини бўлиб, Руҳда айтилган сўзлардан кўпроқ сўзлар билан талқин қилиниши мумкин, ёки камроқ сўзлар билан талқин қилиниши мумкин.

2) Талқин қилаётган одам пайғамбарлик инъомида фаолият кўрсатиши мумкин. Булар одатда турли хил мойланишлар ва сиз Муқаддас Руҳнинг ҳаракат қилаётганини билганингиздан кейингина сиз уларни фарқлай олишингиз мумкин.

Мақсад

Номаълум тилларни талқин қилиш инъомининг асосий вазифаси жамоат қурилиши учун номаълум тилларда айтилган номани эшитувчиларга тушунарли қилишдир.

ТАЛҚИН ҚИЛИШ ИНЪОМИНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ

Жамоатда

Талқин қилиш инъоми ҳам, инсонлар орасида гапириладиган тиллар инъомининг ишлатиш қонунига риоя қилади. Муқаддас Руҳ ҳеч қачон англашилмовчилик келтирмайди. Инсон мактубни тилларда айтиши мумкин ва сўнгра уни талқин қилиши мумкин. Ёки бир киши тилларда гапирса, уни бошқа киши талқин қилиши мумкин. Баъзида бир киши талқин қилишни бошлаб, иккинчиси давом эттириб тугаллаши мумкин. Бундай ҳодиса, ушбу инъомда энди ҳаракат қилишни бошлаган киши билан содир бўлиши мумкин. У талқин қилиш вақтида имонини йўқотиб, қўрқишни бошлаши мумкин. Шундай вақтда ушбу инъомда тажрибаси катта бўлган киши, мактубни сўзлашни охирига етказиб, уни тугаллаши мумкин. Руҳнинг инъомлари билан хизмат қилиш жараёнида рақобат бўлмаслиги лозим. “Мен яхшироқ айта оламан.” - дейиш, Худодан эмас! Муқаддас Руҳнинг инъомларини ишлатиш вақтида, руҳларни фарқлаш инъоми доимо ҳам ҳаракатда бўлиши керак. Имон инъоми йиғинда эркин ҳаракат қилаётган вақтда, йиғиннинг бошқарувчиси ҳар бир сўзловчининг руҳини билиб олиши керак ва Худонинг Руҳига, Унинг Сўзига қарши бўлган ҳар қандай ҳаракатни тўхтатиши керак.

Ёлғизликда

Повул тилларда бошқалардан кўра кўпроқ ибодат қилгани ҳақида ва йиғинда пайғамбарчилик қилгани ҳақида ёзган. Повул йиғинда тилларда ибодат қилиш кераклиги ҳақида ёзмаган, у демак, тилларда ёлғиз бўлган вақтда ибодат қилиш кераклигини назарда тутган.

Повул бизларга, талқин қилиш инъоми учун ибодат қилишимиз кераклигини айтган.

1Коринфликларга 14:13-15 Шунингдек, номаълум тилда гапирувчи талқин қилиш учун ибодат қилсин. Агар мен номаълум тилда ибодат қилсам, руҳим ибодат қилади, онгим эса ҳосилсиз қолади. Унда нима қилсам экан? Руҳим билан ибодат қиламан, онгим билан ҳам ибодат қиламан. Руҳим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман.

Бизлар ёлғизликда тилларда ибодат қилганимизда, Худодан тилларнинг талқинини сўрашимиз мумкин. Кўпинча, бизлар тилларда ибодат қилишни бошлаб, ўзимизнинг тилимизда ибодат қилишга ўтамиз. Бизлар ўзимиз билмайдиган нарсалар ҳақида ибодат қилишни бошлаймиз ёки ўзимиз тушунмайдиган муаммоларнинг тўғриланиши учун Худодан сўрашни бошлаймиз. Бу шахсий ибодатимиздаги тилларни талқин қилиш инъомининг намоён бўлишидир. Тилларда нималар ҳақида ибодат қилган бўлсак, унинг ҳаммасини талқин қилиш шарт эмас. Бизлар Худони кўпинча тилларда улуғлаймиз ва буни талқин қилиш шарт эмас. Баъзида, бизлар руҳда ибодат қилиб, Худодан унинг маъносини сўраймиз, баъзида Худо унинг маъносини ўша вақтда очишни истамаслиги ҳам мумкин.

1Коринфликларга 14:2 Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч тушунмайди. У Руҳ билан сирларни гапиради.

Ёлғиз бўлганимизда талқин қилиш инъомидан фойдалансак, ушбу инъом билан одамларга хизмат қилиш учун ўзимизни тайёрлаётган бўламиз.

УШБУ ИНЪОМГА ЭГА БЎЛИШ

Бу Руҳнинг барча инъомларига тааллуқлидир – инъомлар эркин ҳаракат қила олиши учун, инсон Худо билан тўғри муносабатда (суҳбатда) бўлиши керак. Бизлар Отамиздан, хизматимизда ҳаракат қилиши учун муҳим бўлган инъомларни сўрашимиз кераклиги ҳақида Худонинг Сўзида ёзилган. Шундай қилиб, бизлар Ундан сўраган ҳолда биринчи қадамни қўйган ҳисобланамиз. Талқин қилиш юборилганида, бошида, бу фақат бир неча сўзларда бўлиши мумкин, лекин унинг давоми, ўша олган сўзларни имон билан эътироф этишни бошлаган вақтимиздан сўнг келиши мумкин. Худо бизга суратлар, тимсоллар ёки фикрлар юбориши мумкин. Мактуб баъзида улуғлаш вақтидаги ашулада бўлиши, унинг талқини ҳам ашулада бўлиши мумкин.

Огоҳлантириш!

Худонинг талқин қилиш инъомида ҳукм қилувчи сўзлар бўлмайди, чунки ҳукм доимо фақат шайтондан келади. Ушбу инъом орқали имонли ёки жамоат ҳеч қачон Худонинг Сўзига қарама-қарши бўлган сўз(мактуб) олмайди. Талқин қилишнинг “давоми” аввалги талқин қилган кишини талқинини тўғриламайди. Агар бирор киши Руҳ билан бошқарилмасдан ҳаракат қилган бўлса, ундай кишининг хатосини йиғин бошқарувчиси севги билан тўғрилаши мумкин.

Муқаддас Руҳ бизга руҳларни фарқлаш инъомини ҳам берган ва шунинг учун сўз инъомлари ҳаракат қилаётган вақтда ушбу инъомни ишлатиш муҳимдир.

Бизлар буни руҳларни фарқлаш инъоми дарсида кўпроқ ўрганиб чиқамиз. Бироқ, бизларга тилларда мактуб юборилган вақтда, уларни талқин қилиш учун қандай ибодат қилаётганимизни ҳозир тушуниб олишимиз жуда муҳимдир. Бизлар шунингдек, руҳларни фарқлаш инъоми учун ҳам ибодат қилишимиз лозим. Худо ҳеч қачон хато қилмайди, аммо биз ҳаммамиз одамлармиз, одамлар эса хатолар ҳам қилишади. Бизлар қанақа руҳни эшитаётганимизни билишимиз керак. Худо бизларга ушбу жавобгарликни берган.

ИСО ВА РУҲЛАНТИРУВЧИ СЎЗ

Исо Руҳнинг тиллар ва талқин қилиш инъомидан бошқа, барча инъомларини ишлатар эди. Унинг ҳаётида ушбу икки инъомнинг ҳаракат қилгани ҳақида ёзма маълумотга эга эмасмиз.

Тажриба

Тиллар ва тиллар талқинининг маъносини - уларнинг намоён бўлишига йўл қўйганимиздан сўнг тушунишимиз мумкин. Ушбу дарснинг охирида Худони улуғлашга ботининг ва Муқаддас Руҳга тиллар билан талқин қилиш инъоми орқали ҳаракат қилишига йўл беринг.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Тиллар инъоми нима эканини тушунтиринг.

2. Тилларни талқин қилиш нималигини тушунтиринг.

3. Тиллар ёки тилларни талқин қилиш қандай айтилиши керак?

7 Дарс

Тил инъомлари. Пайғамбарчилик

1Коринфликларга 12:8-10 Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса худди ўша Рух томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пағамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

РУҲНИНГ ТЎҚҚИЗТА ИНЪОМИ
РУҲЛАНТИРИЛГАН НУТҚ. ВАҲИЙ. КУЧ.
Тиллар. Руҳларни фарқлаш. Имон инъоми.
Тилларни талқин қилиш. Билим Сўзи. Шифолаш инъомлари.
Пайғамбарчилик. Донолик Сўзи. Мўъжиза яратиш.

ПАЙҒАМБАРЧИЛИК ИНЪОМИ

Таърифи

Пайғамбарчилик инъоми - бу инсоннинг ўзи ўйлаб топмайдиган, балки ўз-ўзидан содир бўладиган ғайритабиий ва Худо руҳлаган нутқдир. У инсон тушунадиган тилда келади ва Масиҳнинг танасини барпо қилиш, далда бериш ва юпатиш учун хизмат қилади. Худо ушбу инъом орқали маълум бир инсонга ёки гуруҳга гапиради. Пайғамбарчиликни билдирувчи юнонча сўз “профетия” – Худонинг фикрларини ва маслаҳатини айтиб беришни англатади.

Вазифаси

Пайғамбарчилик инъоминг вазифаси – барпо қилиш, далда бериш ва юпатишдир.

1Коринфликларга 14:3 Ким пайғамбарчилик қилса, у барпо қилиш, далда бериш ва юпатиш учун одамларга гапиради.

➢ Барпо ёки насиҳат қилади

“Барпо қилади” ёки “насиҳат қилади” сўзининг асосий маъноси **–** кўтариб боришни билдиради.

1Коринфликларга 14:4,5 Номаълум тилда гапирувчи ўзини барпо қилади, пайғамбарчилик қилувчи эса Жамоатни барпо қилади. Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни хоҳлайман, лекин пайғамбарчилик қилишингиз афзалроқдир. Агар фақат тилларда гапирувчи Жамоатни барпо қилиши учун ўша тилларни талқин қилмаса, унда пайғамбарчилик қилувчи номаълум тилларда гапирувчидан буюкроқдир.

➢ Далда бериш ёки ўгит-насиҳат қилмоқ

“Далда бериш” сўзи юнонча тилдан таржима қилинган ва “Худонинг олдига яқинроқ чақириш”ни билдиради. “Далда бериш”

сўзи - луғатдаги таржимада мардлик бериш, умид уйғотиш ёки дадиллик беришни билдиради.

➢ Юпатиш

1Коринфликларга 14:3 га қарасак, юнонча сўз “парамусиа” - “бирор киши билан яқин суҳбат қилиш ёки уни юпатиш”ни билдиради. Луғатда “юпатиш” – бу қайғуни ёки муаммони енгиллаштириш деб айтилган.

ПАЙҒАМБАРЧИЛИК БУ-

Худонинг режасининг бир қисмидир

Пайғамбарчилик бу Худонинг режасининг бир қисмидир, аммо тўлиқ сурати эмас.

1Коринфликларга 13:9 Чунки биз қисман биламиз ва қисман пайғамбарчилик қиламиз.

Инъомлар орасида энг аълосидир

Руҳлантирилган нутқ

Пайғамбарчилик - бу руҳланган нутқ инъомлари орасида энг катта-сидир.

1Коринфликларга 14:1,5,39 Севгининг ортидан қувинглар. Руҳий инъомлар, айниқса, пайғамбарчилик қилиш учун рашк қилинглар. Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни хоҳлайман, лекин пайғамбарчилик қилишингиз афзалроқдир. Агар фақат тилларда гапирувчи Жамоатни барпо қилиши учун ўша тилларни талқин қилмаса, унда пайғамбарчилик қилувчи номаълум тилларда гапирувчидан буюкроқдир. Шундай қилиб, биродарларим, пайғамбарчилик қилиш учун рашк қилинглар, номаълум тилларда ҳам гапиришни таъқиқламанглар.

Имонсизлар учун аломатдир

1Коринфликларга 14:24-25 Лекин ҳамма пайғамбарчилик қила-ётган бўлса ва имонсиз ёки оддий бир одам кирса, шунда у ҳам-малари томонидан фош қилинади ва ҳаммалари томонидан ҳукм қилинади. Шундай қилиб, унинг юрагидаги сирлар ошко-ра бўлади. У юз тубан йиқилиб, Худога сажда қилади ва “ҳақи-қатдан Худо сизлар билан”, - дейди.

Ўзгармас эмас

Йеримиаҳ 18:7-8 Мен баъзида бирор бир халқ ва шоҳлик ҳақида: “Уни илдизидан қуритаман, йўқ қиламан ва ҳалок қиламан,”- деб айтаман. Лекин агар, Мен гапирган ушбу халқ, ўзининг ёвуз ишларидан қайтса, унга қилишни ўйлаган ёвузликни Мен четга сураман.

Огоҳлантириш!

Пайғамбарчилик маълум бир киши орқали, маълум бир вақтда, маълум бир гуруҳ одамлар учун берилади. Аммо унга Худонинг Сўзидан кўра кўпроқ таянмаслик керак. Пайғамбарчилик сўзини қабул қилган одамлар баъзида, Худо айтган сўзни бошқачароқ маънода айтиб қўйишлари ҳам мумкин. Пайғамбарчилик қилаётган киши ҳам – инсондир ва хатолар ҳам қилиши мумкин. Шунчаки номга эга бўлган баъзи “пайғамбарчиликлар”инсоннинг шахсий истаги билан ёки ўзини алдаш билан айтилган. Бу нопок руҳдан ҳам

келган бўлиши мумкин. Имонлилар жамоатида пайғамбарчилик қилаётган инсон, ушбу имонлилар йиғинига таниш бўлиши лозим. Агар инсон ўша жамоатга таниш бўлмаса ва Худодан пайғамбарчиликка эга бўлса, уни айтишдан олдин ўзини таништириши ҳамда ўша жамоатнинг бошқарувчисидан рухсат олиши керак.

ИНЪОМЛАР ТЕКШИРИЛИШИ ЛОЗИМ

Эҳтиётлик билан текшириш

Пайғамбарчиликлар, тиллар ва тилларни талқин қилиш Худонинг Сўзи билан ҳамда Руҳ билан текширилиши шарт. Руҳлантирилган нутқ инъомини инсон ёки эшитувчи эҳтиётлик билан текшириши керак.

1Коринфликларга 14:29-32 Пайғамбарчилик қилувчилардан ҳам икки ёки уч киши гапирсин, қолганлар эса муҳокама қилсинлар. Агар ўтирганларнинг бошқасига ваҳий келса, унда биринчиси жим турсин. Зеро ҳамма таълим олиши ва юпаниши учун ҳаммангиз бирин-кетин пайғамбарчилик қилишингиз мумкин. Пайғамбарчилик руҳлари эса пайғамбарчилик қилувчиларга бўйсунадилар.

Мулоҳазалаш

Повул Ҳаворий бўлса ҳам, у айтган сўзлари устидан мулоҳаза юритишлари кераклигини айтган.

1Коринфликларга 10:15 Мен сизларга буни фаросатлиларга айтгандай айтяпман. Сўзларим ҳақида ўзларингиз мулоҳаза қилинглар.

ПАЙҒАМБАРЧИЛИК, ТИЛЛАР ВА ТАЛҚИНЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ ЕТТИ ХИЛ СИНАШ УСУЛИ

Ёзувга мосми

Худодан айтилган сўз ҳеч қачон Унинг ёзилган Сўзига зид бўлмайди. Раббий Ўзининг таълимотини ўзгартирмайди. Бизлар Сўзга мос туюлмаган янги таълимотни текширишимиз даркор. Улар бир-бирига зид бўлмаслиги керак.

Галатияликларга 1:8 Аммо ҳатто биз ёки осмондан фаришта келиб, бизнинг сизларга воизлик қилганимиздан бошқа хушхабарни воизлик қилса, лаънати бўлсин.

Инсоннинг ҳаётидаги ҳосиллар

Инсонни фақатгина Худо ҳукм қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақиқатдир, аммо бизлар кимлардан сўз эшитсак, уларнинг ҳаётидаги ҳосилларни билиш бизнинг маъсулиятимиздир.

Матто 7:15-20 “Сохта пайғамбарлардан эҳтиёт бўлинглар! Улар сизнинг олдингизга қўй кийимида келадилар, лекин ичларидан йиртқич бўрилардир. Уларни меваларидан билиб оласизлар. Тиканакдан узум, ёки янтоқдан анжир теришармикан? Ҳар бир яхши дарахт яхши мева берар, ёмон дарахт эса ёмон мева берар. Яхши дарахт ёмон мева беролмас, ёмон дарахт ҳам яхши мева беролмас. Яхши мева бермайдиган ҳар бир дарахт эса кесилиб,

оловга ташланади. Шундай қилиб, сохта пайғамбарларни меваларидан билиб оласизлар".

Масиҳ улуғланади

Пайғамбарчилик Масиҳни улуғлаяптими ёки сўзлаётган инсоннми? Пайғамбарчилик кимга айтилаётган бўлса, унга шуҳрат келтириш учун айтилмаслиги шарт.

Юҳанно 16:13-14 Муқаддас Ҳақиқат Руҳи келгач, У сизларни бутун ҳақиқат йўлига бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У келажак ҳақида сизларга хабар қилади. У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, шу билан Мени улуғлайди.

Ваҳий 19:10 Мен унга сажда қилиш учун оёқларига йиқилдим. Лекин у менга шундай деди: "Зинҳор, бу ишни қилма! Мен сенинг ҳамкорингман, шунингдек, Исонинг гувоҳи бўлган ҳамма биродорларингнинг ҳамкориман. Худога сажда қил! Зеро Исога гувоҳлик пайғамбарлик руҳи билан тенгдир".

Амалга ошади

Агар айтилган сўз Худодан бўлса, у содир бўлади. У биз истаган вақтда бўлмаса ҳам, барибир амалга ошади.

Қонуннинг такрорланиши 18:20-22 Бироқ Мен буюрмаган гапларни Менинг номимдан айтишга журъат қилган пайғамбарни ва бошқа худоларнинг номидан сўзловчи пайғамбарни ўлдириб ташланглар. Агар сен юрагингда: "Раббий айтмаган сўз эканлигини қандай қилиб билайлик?" – десанг, агар пайғамбар Раббийнинг номидан айтса, бироқ у ушалмай бажо келмаса, унда буни Раббий эмас балки буни пайғамбар ўзидан айтишга журъат этган бўлади, сен асло ундан қўрқма.

Ҳезекил 12:25 Зеро Мен Раббийман, Мен гапираман; ва Мен айтадиган сўз амалга ошади ва четга сурилмайди; ғалаёнчи уй, сизнинг кунингизда Мен сўз айтдим ва уни амалга оширaман, дейди Раббий Худо.

Худога яқинлаштиради

Сохта пайғамбарчиликлар ва пайғамбарлар бўлади. Раббийнинг пайғамбарчилиги бизларни доимо Унга яқинлаштиради. Шайтоннинг айтгани эса доимо Худодан узоқлаштиради!

Қонуннинг такрорланиши 13:1-3 Агарда сенинг орангдан башоратчи ёки бирон киши туш кўриб, аломат ва мўъжиза ҳақида гапирса, унинг айтган аломати ёки мўъжизаси амалга ошса ҳам у: "юринглар сизлар билмайдиган худоларнинг изидан борамиз ва уларга хизмат қиламиз," деса:- Шунда сен ўша башоратчининг ёки туш кўрганнинг сўзларига қулоқ солма. Чунки Раббий Худоларинг булар орқали сизлар Уни чин юракдан ва чин кўнгилдан севар-севмасликларингни билиши учун синаб кўради.

Озодлик келтиради

Агар айтилган сўз Худога хизмат қилишга интилаётган инсонга босим ҳиссини, қийналиш ёки руҳнинг сиқилишини олиб келса Худодан эмас.

1Коринфликларга 14:3 Ким пайғамбарчилик қилса, у барпо қилиш, далда бериш ва юпатиш учун одамларга гапиради.

Римликларга 8:15 Чунки сизлар яна қўрқиш учун қуллик руҳини қабул қилмадингизлар, лекин ўғиллик руҳини олдингизлар. У билан эса биз Худони Абба, Ота, деб чақирамиз.

Ички гувоҳ

Бизлар ичимизда Муқаддас Руҳга эгамиз ва агар Уни эшитишни ўргансак, У Худо айтган сўзни тасдиқлайди.

1Юҳанно 2:20-27 Бироқ сизлар Муқаддас Бўлганнинг мойланишига эгасизлар ва ҳамма нарсани биласизлар. Сизлар ҳақиқатни билмаганингиз учун эмас, балки ҳақиқатни билганингиз учун мен сизларга ёздим, чунки ҳар қандай ёлғон ҳақиқатдан эмаслигини биласизлар. Исонинг Масиҳ эканлигини инкор этадиган киши ёлғончи бўлмаса, унда ёлғончи ким? Бу – Отани ва Ўғилни инкор этувчи Масиҳнинг мухолифидир. Ўғилни инкор этадиган ҳар бир киши Отага ҳам эга эмас. Ўғилни тан оладиган киши эса Отага ҳам эгадир. Шундай қилиб, азалдан эшиган нарсалар ичингизда бўлсин. Агар азалдан эшитган Сўз ичингизда бўлса, унда сизлар Ўғилда ҳам, Отада ҳам бўласизлар. У бизга берган ваъда эса – абадий ҳаётдир. Мен буни сизларга сизларни алдаётганларга нисбатан ёздим. Бироқ, Худодан олган мойланиш сизларда бор экан, сизларга бировнинг уқтиришининг ҳожати йўқдир. Лекин шу мойланишнинг ўзи сизларга ҳамма нарсани ўргатганидек – бу эса ёлғон эмас, балки ҳақиқатдир – шундай қилиб, у сизларга ўргатганидек, Масиҳда бўлинглар.

Эфесликларга 1:17-19 токи Раббимиз Исо Масиҳнинг Худоси, шон-шуҳратнинг Отаси, Уни таниб-билишингиз учун сизларга донолигу ваҳий Руҳини берсин ва фаҳмлашингизнинг кўзларини ёритсин, токи сизлар Унинг даъватининг умиди нимадан иборат эканлигини ва муқаддаслар учун бўлган Унинг меросини шуҳратининг бойлиги қандай эканлигини билиб олинглар, ҳамда Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар.

ШАХСИЙ ПАЙҒАМБАРЧИЛИКЛАР

Агар инсон “шахсий пайғамбарчиликлар” олса, унда уни ҳам ушбу еттита синовдан ўтказиши керак. Айтилган сўз синовдан ўтказилганидан сўнггина, Раббийнинг Сўзи сифатида қабул қилиниши мумкин.

Еттита синов

- ➢ Ёзувга мосми?
- ➢ Сўзловчининг ҳаётидаги ҳосиллар қанақа?
- ➢ Масиҳни улуғлаяптими?
- ➢ У амалга ошяпдими?
- ➢ Худога яқинлаштирадими ёки Ундан узоқлаштирадими?
- ➢ Озодлик олиб келадими ёки оғирликми?
- ➢ Руҳимиз ичимиздан қандай гувоҳлик бермоқда?

Ўзига хизмат қилувчи

Пайғамбарчиликларда асосан, “ўзига шуҳрат излаётган” пайғамбарчиликларни билишимиз ва улардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Бошқача сўзлар билан айтганда, ўша пайғамбарчилик, уни қабул қилаётганни кўтармаслиги керак.

“Сен махсус одамимсан...”
“Мен сени, сенгача ҳеч ким қилмаган ишни қилишга даъват этяпман...”
Пайғамбарчилик кимга айтилаётган бўлса, уни муҳимроқ инсон қилиб кўрсатмаслиги керак.
“Мана бу кишига қулоқ солинглар, чунки Мен уни юбордим... ”.

Тасдиқ

Пайғамбарчилик, Худо олдин сизга айтган сўзларни тасдиқлаши керак. Баъзида сўз бутунлай янги бўлиши ҳам мумкин, агар сиз инсондаги руҳни текшириб, у одам Худодан эканини билиб олсангиз, унинг сизга айтган сўзини қаттиқ ушланг ва бошқа кўринишдаги ёки бошқа инсон орқали тасдиқни кутинг.

Уларни синанглар

Ўтмишда бир кишига алоҳида айтилган пайғамбарчиликлар баъзида нотўғри ишлатилган. Аммо ушбу, алоҳида қилинган пайғамбарчиликлар жамоатдан олиб ташланилиши керак дегани эмас. Эшитган пайғамбарчилик устидан мулоҳаза юритишга вақт ажратинг, шундан сўнг уни қабул қилишга қарор қилинг. Агар пайғамбарчилик сиз биладиган ёки энди кўришингиз мумкин бўлган инсон ёки вазият ҳақида огоҳлантириш бўлса, ибодат қилишга вақт ажратинг ва Худодан ушбу вазият учун кўпроқ ахборот сўранг. Пайғамбарчиликларни ёзиб олиш яхшидир, чунки уларни келажакда мулоҳаза қилиш мумкин. Пайғамбарчиликлар катта руҳланиш олиб келади, бироқ, улар Худонинг Сўзининг ўрнини эгалламаслиги керак.

ПАЙҒАМБАРЧИЛИК ИНЪОМИНИ ПАЙҒАМБАР ХИЗМАТИ БИЛАН ТАҚҚОСЛАШ

Пайғамбарчилик инъоми **-** пайғамбарнинг даъвати ёки хизмати эмас. Худо беш турдаги хизматни белгилаган.

Эфесликларга 4:11 У баъзиларни ҳаворийлар, баъзиларни пайғамбарлар, баъзиларни Хушхабарчилар, баъзиларни чўпонлар ва муаллимлар қилиб тайинлади, ...

Пайғамбарнинг хизмати

Ҳар бир имонли пайғамбарчилик инъомини ишлатиши мумкин, аммо ҳар бир имонли ҳам пайғамбар хизматига эга эмас.

1Коринфликларга 12:7,28-29 Аммо Руҳнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилди. Худо эса баъзиларни Жамоатда биринчидагн ҳаворийлар, иккинчидан пайғамбарлар, учинчидан муаллимлар қилиб қўйди. Яна баъзиларга мўъжизакорликни, бошқаларга эса шифокорлик, ёрдам бериш, бошқариш, турли тиллар инъомларини берди. Ҳамма ҳам ҳаворийми? Ҳамма ҳам пайғамбарми? Ҳамма ҳам муаллимми? Ҳамма ҳам мўъжизакорми?

➢ Масалан, Филипнинг тўрт қизи пайғамбарчилик инъомини ишлатишган, лекин Худо Повулга кўрсатма пайғамбарчиликни етказиш учун пайғамбар Ҳагавни юборди.

Барча башорат қила олади

1Коринфликларга 14:31 Зеро ҳамма таълим олиши ва юпаниши учун ҳаммангиз бирин-кетин пайғамбарчилик қилишингиз мумкин.

Пайғамбарчилик инъоми бирор киши орқали ҳаракат қилса, бу унинг пайғамбар эканини билдирмайди.

ПАЙҒАМБАРЛИК ИНЪОМИ БУГУН УЧУН ҲАМ БЕЛГИЛАНГАНМИ?

Худонинг Сўзида бизнинг кунларимизда пайғамбарчиликлар бўлади дейилган.

Йўэл ёзган

Йўэл 2:28 Ўшандан сўнг шундай бўладики, ҳар қайси танага Ўз Руҳимни қуяман ва ўғилларинг билан қизларинг пайғамбарчилик қиладилар; оқсоқолларинг туш кўрадилар ва ёшларинг ваҳийлар кўрадилар.

Петъор айтган

2Петъор 1:19 Шу билан бирга биз ғоят ишончли пайғамбарчилик сўзига ҳам эгамиз. Сизлар эса то кун ёришиб бошламагунича ва юракларингизда тонг юлдузи кўтарилмагунича, қоронғи жойда порлаётган чироққа ўхшаган бу сўзга мурожаат қилиб, яхши қиляпсизлар.

Луқо эслатган

Ҳаворийлар 2:16-18 Бу воқеа билан Йўэл пайғамбарнинг азалдан пайғамбарчилик қилиб айтганлари бажо келмоқда. У айтган эди: "Мана, охирги кунларда воқе бўлади", - дейди Раббий. Мен бутун жонзод узра Ўз Руҳимни ёғдираман. Сизнинг ўғил-қизларингиз пайғамбарчилик қиладилар, йигитларингиз ваҳий кўрадилар, мўйсафидларингиз пайғамбарчилик тушини кўрадилар. Ўша кунларда Мен қулу чўриларим устига Ўз Руҳимни ёғиндай юбораман, улар эса пайғамбарчилик қиладилар".

Повул тушунтирди

1Коринфликларга 13:8-13 Севги ҳеч қачон тугамайди, пайғамбарчиликлар эса тугайди, тиллар тамом бўлади ва билим ҳам бекор бўлади. Чунки биз қисман биламиз ва қисман пайғамбарчилик қиламиз. Лекин баркамоллик келганида, қисман бўлган нарсалар тугайди. Мен гўдак бўлганимда, гўдак каби гапирар, гўдак каби фикр юритар, гўдак каби мулоҳаза қилар эдим. Аммо вояга етгач, гўдаклигимни қолдирдим. Ҳозир биз гўё хира ойна орқали тахминан кўряпмиз, ўша кунда эса юзма-юз кўрамиз. Ҳозир мен қисман билмоқдаман, аммо ўша кунда мен ўзим таниб билингандек таниб биламан. Энди эса шу учтаси мавжуддир: имон, умид, севги. Лекин севги улардан буюкроқдир.

Пайғамбарчилик жамоатда "баркамоллик" келгунича бўлади.

ҚЎЛЛАНМА УЧУН КЎРСАТМАЛАР

Пайғамбарчилик инъомининг тиллар инъомидан фарқи шундаки, у бизнинг истагимизга боғлиқ эмас. Бизлар пайғамбарчиликни ёлғизликда ёки йиғинда олишимиз мумкин. Пайғамбарчилик

инъоми сажда ва сано вақтида, ёки тиллар ва уларни талқин қилиш инъомидан сўнг намоён бўлади.

Ёлғизликда

Бизлар ўзимизни қуриш учун фикр юритган, ибодат қилган нарсамиз ҳақида пайғамбарчилик олишимиз мумкин. Бизлар шундай пайғамбарчилик сўзларини олишимиз мумкинки, одамларга уларнинг баъзиларини айтишимиз мумкин, баъзиларини эса айтмаслигимиз ҳам мумкин.

Саҳнада

Пайғамбарчилик қилаётган ўзини тўлиқ бошқара олиши керак.

1Коринфликларга 14:32 Пайғамбарчилик руҳлари эса пайғамбарчилик қилувчиларга бўйсунадилар.

➢ Инсон бошқаради

➢ Табиий овоз

Пайғамбарчилик табиий овозда айтилиши керак. Муқаддас Руҳ нимагадир урғу бермоқчи бўлганида, инсоннинг овоз оҳангини баъзида ўзгартириши мумкин.

➢ Замонавий тил

Пайғамбарчилик одатда оддий, замонавий ва тушунишга осон сўзларда айтилиши керак. Айтилган сўзни бўрттирмаслик учун, архаик тилни ишлатмасликка ҳаракат қилинглар.

➢ Уйдурма ҳиссиётларсиз

Пайғамбарчилик катта ҳиссиётлар билан айтилмаслиги керак, чунки бу инсонни айтилган сўзлардан чалғитади. У ўта бақириб айтилмайди, балки аниқ овозда айтилади.

➢ Бир нарса такрорланмаслиги керак

Пайғамбарчиликда бир иборани бир неча марта қайтармаслик керак. “Раббий шундай демоқда,”- кўпинча асаб билан такрорий айтилади. Аммо бундай бўлмаслиги керак. Агар айтилган сўз ҳақиқатдан ҳам Худодан бўлса, Унинг Руҳи ушбу сўзларни эшитган кишиларнинг юрагида тасдиқлайди.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Пайғамбарчилик инъоми нима?

2. Пайғамбарчилик инъомини тиллар ва талқин қилиш билан таққосланг.

3. Айтилган пайғамбарчилик Худонинг сўзи эканини аниқлашимиз учун, қанақа еттита синовларни ишлатишимиз керак?

8 Дарс

Ваҳий инъоми
Руҳларни фарқлаш

1Коринфликларга 12:8-10 Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

РУҲНИНГ ТЎҚҚИЗТА ИНЪОМИ		
РУҲЛАНТИРИЛГАН НУТҚ.	ВАҲИЙ.	КУЧ.
Тиллар.	Руҳларни фарқлаш.	Имон инъоми.
Тилларни талқин қилиш.	Билим Сўзи.	Шифолаш инъомлари.
Пайғамбарчилик.	Донолик Сўзи.	Мўъжиза яратиш.

ВАҲИЙ ИНЪОМЛАРИ

Кириш

Худо бизларга бирор ваҳий очиб берганида - бу билим сўзи, ёки донолик сўзи, ёки руҳларни фарқлаш инъоми бўлиши мумкин. Чунки фақат учта ваҳий инъоми мавжуд.
Нутқни руҳлантириш инъомлари биргаликда ишлагани каби, ваҳий инъомлари ҳам бир бўлиб, ҳаракат қилади. Уларни яхшироқ тушунишимиз учун ҳозирги ўрганишимизда уларни тақсимлаймиз. Муқаддас Руҳнинг инъомларининг бир-биридан бўлган фарқини қанча кўп ўргансак, уларни ҳаётимизга қабул қилишимиз шунча осон бўлади.

Бизлар донолик сўзи ёки билим сўзи ёки руҳларни фарқлаш инъоми бизлар орқали ишламоқдами ёки йўқми, буни тўлиқ тушунмаслигимиз мумкин. Бунинг сабабларидан бири шундаки, бизлар орқали ушбу инъомларнинг биттаси эмас, балки биттасидан кўра кўпроғи ҳам ишлаши мумкин. Ушбу инъомларга бизлар орқали Худонинг истаги бўйича ҳаракат қилишига йўл қўйишимиз лозим.

Масалан

Руҳларни фарқлаш инъоми бизни, ибодат учун келган бир одам ёвуз руҳга тобе экани ҳақида огоҳ этиши мумкин. Билим сўзи эса бизларга, ёвуз руҳ ўша одамга қайси вақтда ва қандай вазиятда кириб олгани ҳақида хабар беради. Сўнгра, донолик сўзи бизга, ўша инсонни озод қилиш учун қачон ва қандай қилиб ишлаш кераклиги ҳақида айтиши мумкин.

РУҲЛАРНИ ФАРҚЛАШ

Таъриф

Руҳларни фарқлаш инъоми - бу Руҳий Шоҳликка ғайритабиий равишда киришдир. Ушбу инъом бизга, инсоннинг ёки вазиятнинг ёки сўзнинг ортида турган руҳнинг ёки руҳларнинг турини очиб беради. Бизнинг руҳимиз ушбу инъом орқали, ҳар қандай руҳнинг фаолиятини, табиатини, унинг илдизини билиб олади.

“Фарқлаш” сўзи - юнон тилида: “диакрисис”, яъни “руҳларни яққол билиб олиш(фарқлаш)”ни билдиради.
Руҳларни фарқлаш – бу фикрларни ўқиш эмас ёки ақлий, психик маълумотлар эмас. Бу ғийбат қилиш ёки қози бўлиш эмас. Руҳларни фарқлаш – бу характерларни ёки камчиликларни фарқлаш ёки билиб боришдир.

Матто 7:1 “Бошқаларни ҳукм қилманглар, сиз ҳам маҳкум бўлмайсиз”.

РУҲЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ УЧ ЙЎНАЛИШИ

Бизлар руҳларни фарқлаш инъомини қўллаганимизда, руҳлар ҳаракат қиладиган учта йўналиш мавжуд эканини тушунишимиз лозим. Руҳларни фарқлаш инъоми нафақат ёвуз руҳлар билан, балки барча уч йўналишда ҳам ҳаракат қила олади.

- ➢ Худонинг Руҳи
- ➢ Инсоний Руҳ
- ➢ Шайтоний шоҳлик

Худонинг Руҳи

Бизлар самовий фаришталарни ҳам Худонинг Руҳига қўшимча қиламиз. Фаришталар бизларга мактублар олиб келиш учун ва бизлар учун жанг қилишга юборилган.

Инсоний Руҳ

Инсоний руҳ Худонинг Руҳини ёки шайтоний шоҳликни, яхшиликни ёки ёвузликни танлайди. Инсоннинг руҳи Худонинг табиатини акс эттирадими ёки тананинг табиатини акс эттирадими, бу унинг қандай яшашига, ўз ҳаётида қанақа қарорлар қабул қилишига боғлиқдир. Инсоний руҳ Худонинг севгисига тўлган бўлиши мумкин ва шунинг учун ўз ҳаёти орқали тоза севгили хулқни кўрсатиши мумкин, ёки аксинча, юзхотирликка, ёлғонга ва ёвузликка тўлган бўлиб, душманли ва худбинли хулқни намоён қилиши мумкин.

Шайтон ва жинлар

Шунингдек, шайтоннинг ва унинг жинларининг ҳалокатли шоҳлиги мавжуд. Булар масалан: ҳирс, ҳасад, мағрурлик, ёлғон, жодугарлик ва ғалаён руҳларидир. Уларни санайверсак охири йўқ.

РУҲЛАРНИ ФАРҚЛАШ ИНЪОМИНИНГ ВАЗИФАСИ

Бизлар руҳларни фарқлаш инъомини ишлатсак агар, тиллар, тилларни талқин қилиш ёки пайғамбарчилик орқали қандай руҳлар ҳаракат қилаётганини билиб оламиз. Озод қилиш ва шифо хизматида қанақа руҳлар ҳаракат қилганини билиб оламиз. Бизлар фақатгина нопок руҳларни эмас, балки инсоний руҳни ҳам ёки фаришталарни ҳам фарқлай оламиз. Имонли айнан керакли вақтда, фаришталарнинг ёки нопок кучнинг ҳузурини сезиши мумкин.
Руҳларни фарқлаш инъоми ёрдамида Масиҳ танасида:

- ➢ тобе муқаддаслар озод қилиниши мумкин,
- ➢ шайтоннинг режаларини билиб олиш мумкин,
- ➢ муқаддаслар орасига гуноҳни киргизмаслик мумкин,
- ➢ ва сохта ваҳийлар аниқланиши мумкин.

Инъомнинг муҳимлиги

Барча инъомлар маълум бир мақсадга эга ва барчани бойита олади. Бунга қарамасдан, руҳларни фарқлаш инъомига кўп йиллар давомида кам эътибор беришарди.

1Юҳанно 4:1-3 Севганларим! Ҳар бир руҳга ҳам ишонаверманглар, лекин уларнинг Худодан эканликларини синаб кўринглар, чунки дунёда кўп сохта пайғамбарлар пайдо бўлган. Худонинг Руҳини шундан билиб оласизлар: инсон танасида дунёга келган Исо Масиҳни эътироф этадиган ҳар бир руҳ Худодандир. Инсон танасида келган Исо Масиҳни эътироф этмайдиган ҳар бир руҳ эса Худодан эмасдир. Бу Масиҳнинг мухолифининг руҳидир. Масиҳнинг мухолифи келишини ва унинг аллақачон дунёда борлигини эшитгансизлар.

Бизнинг ҳимоямиз учун

Ушбу таълимнинг етишмаслиги Масиҳнинг танасини ҳимоясиз қолдирган эди! Барча имонлилар руҳларни фарқлаш инъоми учун ибодат қилишлари лозим. Бу ҳар бир имонлини, унинг оиласини ва Масиҳнинг танасини ҳимоя қилади.

ЁЛҒОН

Ҳаворий Повулнинг огоҳлантириши

Бизлар атрофимизда ёлғонлар бўлиши ҳақида огоҳ этилганмиз.
Повул биринчи масиҳийларни қуйидагилар ҳақида огоҳ этган:

➢ Сохта ҳаворийлар ҳақида
➢ Нурнинг фариштаси ҳақида
➢ Сохта таълимотчилар ҳақида

2Коринфликларга 11:13-15 Бу каби одамлар – сохта ҳаворийлар, ҳийлакор хизматкорлардир, улар фақат Масиҳнинг ҳаворийлари қиёфасини оладилар. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Чунки шайтоннинг ўзи ҳам нурли фариштанинг қиёфасини олади. Демак, шайтоннинг хизматкорлари аҳли салоҳ қиёфасини олсалар, ажабланмаслик керак. Уларнинг оқибати қилмишларига яраша бўлади.

Повул Тимўтийни содир бўлиши лозим бўлган воқеалар ҳақида огоҳ этди.

1Тимўтийга 4:1-2 Руҳ эса аниқ айтяптики, охирги замонларда баъзилар алдовчи руҳларнинг ва жинларнинг таълимотини тинглаб, имондан қайтадилар. Шу алдовчилар ўз виждонларида гўё қизиган темир билан куйдирилган бўлиб, риёкорлик билан ёлғон сўзлаб, ...

2Тимўтийга 3:1-9 Шуни ҳам билгинки, охирги кунларда оғир замонлар келади. Чунки одамлар ўзларинигина севадиган, пулпараст, мақтанчоқ, мағрур, оғзи бузуқ, ота-оналарига итоатсиз, ношукур, бетавфиқ, яқинларига кўнгли совуқ, муросасиз, туҳматчи, нафсини тия олмайдиган, қўпол, яхшиликдан нафратланувчи, хоин, бемулоҳаза, кеккайган ва Худодан кўра кайф-сафони кўпроқ севадиган бўладилар. Улар диёнатнинг тусига эга бўла туриб, аммо унинг куч-қудратидан воз кечганлар. Бундайлардан узоқлашгин. Бундай одамларнинг тури

гуноҳларга ботган, ҳар хил эҳтирос билан бошқарилган енгилтак жувонларнинг уйларига суқилиб кирадилар ва уларни овлайдилар. Улар доимо ўқиб юрадилар, лекин ҳеч қачон ҳақиқатни билишга эриша олмайдилар. Янний ва Ямбрий Мусога қандай қаршилик қилган бўлсалар, ҳудди шундай булар ҳам онги бузуқ, имонда жоҳил бўлган одамлар бўлиб, ҳақиқатга қаршилик қилмоқдалар. Лекин уларга ўхшаб, булар ҳам муваффақият қозона олмайдилар, чунки уларнинг ақлсизлиги ҳаммага маълум бўлади.

Ёмондан ёмонроққа

2Тимўтий 3:13 Ёвуз ва фирибгар одамлар эса ўзлари адашиб, бошқаларни ҳам адаштириб, ўз ёвузликларини ошириб бораверадилар.

БИЗНИНГ МАЪСУЛИЯТИМИЗ

Руҳларни синанглар

Худо бизларни ёвуз руҳлар олдида ҳимоясиз қўйишни режалаштирган эмас. У бизларга: “Руҳларни синанглар,”- деб топшириқ берди ва буни қила олишимиз учун асосга эгамиз. У бизларга руҳларни фарқлаш инъомини, атрофда содир бўлаётган ҳодисаларни ҳам билишимиз учун берди.

1Юҳанно 4:1-3 Севганларим! Ҳар бир руҳга ҳам ишонаверманглар, лекин уларнинг Худодан эканликларини синаб кўринглар, чунки дунёда кўп сохта пайғамбарлар пайдо бўлган. Худонинг Руҳини шундан билиб оласизлар: инсон танасида дунёга келган Исо Масиҳни эътироф этадиган ҳар бир руҳ Худодандир. Инсон танасида келган Исо Масиҳни эътироф этмайдиган ҳар бир руҳ эса Худодан эмасдир. Бу Масиҳнинг мухолифи руҳидир. Масиҳнинг мухолифи келишини ва унинг аллақачон дунёда борлигини эшитгансизлар.

Текшириш нима?

1Юҳанно 4:4-6 Фарзандларим! Сизлар Худодансизлар ва уларни енгдингизлар. Чунки ичингизда Бўлган бу дунёда бўлгандан устундир. Улар бу дунёдандир, шунинг учун ҳам дунёга оид гапирадилар, дунё эса уларни тинглайди. Биз эса Худоданмиз, Худони биладиган бизни тинглайди. Худодан бўлмаган эса бизни тингламайди. Ҳақиқат руҳини ва янглишиш руҳини ана шундан билиб оламиз.

ИККИ ТУРДАГИ ЁЛҒОН

Инсоний ёлғон

➢ Итоатсиз одамлар

Инсонлар кўп сабабларга кўра алдашади, лекин асосий сабаб – бу моддий бойиш ва жамиятда ўрин билан шуҳрат топиш истагидир.
Титусга 1:10 Чунки айниқса хатна қилинганларнинг орасида кўп бўйсунмас, сафсатабоз ва ёлғончи одамлар бор.

➢ Ҳанания ва Саффира

Петъор ушбу инъом орқали Ҳанания ва Саффиранинг юраги шайтоннинг ёлғонига тўлганини билиб олди. Улар хизмат учун белгиланган пулнинг бир қисмини яширдилар. Руҳларни фарқлаш инъоми жамоатни ёлғончилардан асрайди.

Ҳаворийлар 5:1-3 Яна Ҳанания деган бир киши билан хотини Саффира бор эдилар. Бу киши бир ерни сотиб, хотинининг

розилиги билан ўша пулдан бир қисмини олиб яширди, бир қисмини эса келтириб ҳаворийлалрнинг ихтиёрига топширди. Петъор унга деди: "Эй Ҳанания, нега энди сен шайтонга юрагингни бой бериб, Муқаддас Руҳга ёлғон гапирдинг, ернинг пулидан бир қисмини олиб яширдинг?"

Римликларга 16:18 Чунки бундай одамлар Раббимиз Исо Масиҳга эмас, балки ўз қорнига хизмат қиладилар. Улар тилёғламалик ҳамда нотиқлик билан соддадилларнинг юракларини алдайдилар.

➢ Ёлғончилар

2Тимўтийга 3:13 Ёвуз ва фирибгар одамлар эса ўзлари адашиб, бошқаларни ҳам адаштириб, ўз ёвузликларини ошириб бораверадилар.

Шайтоннинг ёлғони

2Юҳанно 1:7 Ваҳоланки, инсон вужудига кирган Исо Масиҳни тан олмовчи кўп алдамчилар жаҳоннинг ҳар тарафига ёйилиб кетганлар. Энг катта алдамчи – дажжол ҳам булар қаторида туради.

Матто 24:24 Чунки сохта масиҳлар ва сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, иложини топсалар, ҳатто танланган кишиларни ҳам йўлдан оздириш учун ғаройибот ва мўъжизалар кўрсатадилар.

Руҳларни фарқлаш инъоми орқали бизлар, шайтоннинг инсонлар орқали ёки вазиятлар орқали келтирган ёлғонларини билишимиз мумкин. Ушбу билим бизнинг ҳимоямизга айланади.

ИСО РУҲЛАРНИ ФАРҚЛАШ ИНЪОМИДАН ФОЙДАЛАНГАН

"Сен – Масиҳсан"

Бизлар Петъор содир қилган иккита гувоҳлик мисолига эгамиз. Унинг бириси Худо ҳақида. Исо руҳларни фарқлаш инъомидан фойдалангани сабабли, бизлар ҳам ушбу инъомни ишлатиб Унга тақлид қилишимиз лозим.

Матто 16:16-17 Симун Петъорга жавоб бериб деди: "Сен бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симун! Бу сирни сен ўз уқув-идрокинг билан уққанинг йўқ, балки Осмондаги Отам сенга очиб берган.

Петъорнинг гувоҳлиги инсоний билимдан келмади, балки буни унга Ота очиб берди.

Шайтоннинг эътирози

Петъор олдинги гувоҳлигидан сўнг, бироз муддатдан кейин, Исога "Сен азоб чекмаслигинг керак,"- деб эътироз билдиришни бошлади. Бошида Петъорнинг ҳаракати тўғрига ўхшайди. Аммо Исо Петъорга қараб ундаги руҳга гапирди, чунки Исо Петъор орқали ҳаракат қилаётган ёвуз руҳни билиб олди.

Матто 16:22-23 Петъор уни четга олиб таъна қила бошлади: "Худо хайрингни берсин, Раббим! Бу нарсалар Сенинг бошпнгга тушмас", - деди. Исо эса Петъорга қараб: "Йўқол кўзимдан, шайтон!" – деди. "Сен Мени йўлдан уряпсан, чунки сен Худонинг ишларини эмас, балки инсон ишларини ўйлаяпсан".

Гунг ва кар руҳ

Исо кўпинча руҳларга чиқиб кетишни буюриб инсонларни шифолар эди. Айнан ўша руҳлар касалликнинг илдизи эди.

Марк 9:25 Халқ югуришиб йиғилаётганини кўрган Исо ёвуз руҳга дўқ қилиб: "Эй соқов ва кар руҳ, Мен сенга буюраман: боладан чиқ ва қайтиб унга кирма!" – деди.

РУҲЛАРНИ ФАРҚЛАШНИНГ ЭСКИ АҲДДАГИ МИСОЛИ

Хизматкор руҳий дунёни кўрмоқда

Елисей унинг хизматчиси руҳий Шоҳликни кўра олиши учун ибодат қилган эди.

4Шомуил 6:16-17 "Қўрқма", - деди Элишай, чунки бизнинг ҳимоячиларимиз уларникидан жуда кўп. Кейин Элишай илтижо қилди: "Эй, Эгам! Хизматкоримнинг кўзини оч, у кўрсин!" Эгамиз хизматкорининг кўзини очиб юборди. Элишайнинг атрофидаги қирлар оловли отлар ва жанг араваларига тўлиб кетганини хизматкор кўрди.

Инсон яхши ёки ёвуз нарсани очувчи руҳий дунёни кўрганида – бу доимо руҳларни фарқлаш ҳисобланади. Бизлар кўзимиз очиқ бўлиши учун Елисей каби ибодат қилишимиз керак.

Ишаъё кўрди

Ишаъё 6:1 Подшоҳ Озий ўлган йили, мен Раббийни баланд тахтда ўтирганини ва юксалганини кўрдим, Унинг ридосининг четлари бутун маъбадни тўлдириб турар эди.

РУҲЛАРНИ ҚУВИШНИНГ ЯНГИ АҲДДАГИ МИСОЛИ

Повул ва хизматкор аёл

➢ Мақтов Ёвуз руҳдан келган эди.

Ҳаворийлар 16:16-18 Бир куни ибодатгоҳга кетаётганимизда, ичида фолчилик руҳи бўлган бир чўри бизга дуч келди. У фолчилик маҳорати билан хўжайинларига кўп даромад келтирарди. Повулнинг ва ҳаммамизнинг орқамиздан юриб: "Бу одамлар Худойи Таолонинг қулларидир, бизга нажот йўлини эълон қилмоқдалар", - деб бақирарди. Анча кун буни такрорлади. Ахир, Повулнинг жонига тегиб, у чўрига бурилди-да, ичидаги руҳга: "Исо Масиҳ номидан сенга буюраман: чўридан чиқиб кет!" – деди. Руҳ эса ўша заҳоти чўрининг танидан чиқиб кетди.

Аёлда бўлган фолчилик руҳи ўзининг борлигини яширмоқчи бўлиб, яхши сўзлар айтишга уринган эди. Аёл айтган сўз ҳақиқат эди. Повул бир неча кун сабр қилди деб, ёзилган. Повул нима учун шундай қилди? У аёлда қанақа руҳ борлигини билиб олиш учун кутган эди.

➢ Сабаб

Аёлнинг ичидаги руҳлар, Повул билан бир ўринда бўлишини истагандек кўринар эдилар.

ҲОЗИРГИ ВАҚТДАГИ РУҲЛАРНИ ФАРҚЛАШ ИНЪОМИ

Билимсизликда бўлмаслик

Ёдда сақланг – Худо бизларни атрофимиздаги руҳлар ҳақида хабарсиз бўлишимизни истамайди. Бизлар ўзимизча баҳо бермаслигимиз керак ва қандай руҳ ҳаракат қилаётгани ҳақида Худодан аниқ билим олишимиз шарт. Инсон қанақа руҳга тобе эканини, токи Худо очиб бермаса уни ўзимиз била олмаймиз.

1Юҳанно 4:6 Биз эса Худоданмиз, Худони биладиган бизни тинглайди. Худодан бўлмаган эса бизни тингламайди. Ҳақиқат руҳини ва янглишиш руҳини ана шундан билиб оламиз.

Бизлар Худо томонидамиз ва ҳақиқат руҳи билан ёлғон руҳларининг фарқини билиш ҳуқуқига эгамиз.

Ҳаракат қилинг

Худо имонлиларга ёвуз руҳлар ҳақида сабабсиз ваҳий бермайди. Ёвуз руҳлар намоён бўлганда, вазиятга қараб, уларни боғлаш лозим ёки вазиятга қараб қувиш лозим.

Марк 16:17 Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар.

Луқо 10:19-20 Мана Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босишга ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди. Бироқ руҳлар сизларга бўйсунаётганидан қувонманглар, балки исмларингиз осмонда ёзилганидан қувонинглар!

Сизга душман устидан ҳокимият аллақачон берилган. Исо бизга нималар қилишимиз кераклигини айтди. Булар:

➢ Ёвуз руҳларни қувиш
➢ Илонни босиб ташлаш
➢ Душманнинг барча кучини енгиш
➢ Руҳлар бўйсунгани учун эмас, балки номимиз ҳаёт китобида ёзилгани учун қувонишдир.

ИНЪОМЛАРНИ НОТЎҒРИ МАҚСАДЛАР УЧУН ОЛИШ ХАТОДИР

Симун

Ҳаворийлар 8:7-9 Чунки ёмон руҳларга гирифтор бўлган кўп кишилардан руҳлар баланд овоз билан бақириб чиқар, анчагина шолу чўлоқлар эса шифо топарди. Шундай қилиб, у шаҳарга катта хурсандчилик келди. Самария шаҳрида сеҳргарлик қилган, ўзини буюк бир одам қилиб кўрсатиб, шаҳар аҳолисини ҳайратда қолдириб келаётган Симун исмли бир киши бор эди. Симуннинг ўзи ҳам ишониб, сувда имон келтирди. У Филипнинг қилаётган ажойиб ва қудратли мўъжизаларини кўрган сайин ҳайратга тушиб, Филипдан ажралмайдиган бўлиб қолди.

➢ Пул таклиф қилди

17-19 Ҳаворийлар уларнинг бошига қўл қўйиши биланоқ улар Муқаддас Руҳни қабул қилишди. Ҳаворийларнинг қўл қўйиши билан Муқаддас Руҳ берилганини Симун кўриб, уларга пул келтирди-да: “Менга ҳам бу қудратни беринглар, токи, кимнинг

бошига қўлларимни қўйсам, Муқаддас Руҳни қабул қиладиган бўлсин!" – деди.

➢ Петъор

20-23 Лекин Петъор унга: "Кумушинг сен билан бирга ҳалок бўлсин; сен Худонинг ҳадясини пул билан олиш мумкин деб хаёл қилдинг", - деди. "Бу ишда сенинг на ҳиссанг бор ва на қисматинг бор, чунки Худо олдида юрагинг тўғри эмас. Энди бу ёмонлигингдан тавба қилиб Худога ёлвор, балки юрагингнинг ниятидан кечар. Чунки сенинг аччиқ зардага тўлган ва ёвузлик занжирига боғланганингни кўряпман".

Петъорга Симунни бошқараётган руҳ аён бўлди.

24 Симун бунга жавобан: "Мен учун сизлар Раббингизга ёлвориб сиғининглар, тағин айтганларингиздан бири бошимга тушмасин!" – деди.

Барйешу

Ҳаворийлар 13:6-8 Улар бутун оролни кезиб чиқиб, Пафос шаҳрига етиб келдилар. У ерда сеҳргар ва сохта пайғамбар бўлган Барйешу исмли бир яҳудийга дуч келдилар. Барйешу вилоят ҳокими Сергий Повулнинг ходими эди. Ақлли одам бўлган ҳоким Барнабо билан Шоулни чақиртириб, Худонинг сўзини тингламоқчи бўлди. Бироқ Барйешу уларга қаршилик кўрсатиб, ҳокимни имондан тойдиришга тиришарди.

➢ Уларга қаршилик қилди

9-10 Шунда Муқаддас Руҳга тўлган Шоул, яъни Повул, унга кўзларини тикиб деди: "Эй иблис ўғли! Юрагинг ҳар хил ҳийла ва айёрликка тўлгандир, ҳар қандай ҳақиқат душманисан! Худованднинг тўғри йўлларини чалкаштиришни бас қил!"

➢ Ҳукм

11-12 Ва энди Раббий сенга қарши қўл кўтарди. Сен кўр бўласан ва бир қанча вақт қуёшни кўрмайсан. Шу заҳотиёқ бу одамнинг кўзлари қоронғи-зимистонликка кўмилди. Энди у атрофни пайпаслаганича ўзига етакловчи излар эди. Ҳоким бу воқеани кўрди-да, Раббимиз Исо тўғрисидаги таълимотга қойил қолиб, имон келтирди.

Ҳоким содир бўлган воқеани кўриб, имонга келди, чунки у Раббийнинг таълимотига қойил қолган эди.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Руҳларни фарқлаш инъомини ўз сўзингиз билан тушунтиринг.

2. Ушбу инъом биз учун нима сабабдан муҳим?

3. Агар руҳнинг бирор бир ҳаракати сизга тааллуқли бўлса, ўша ҳаракатни ёзинг.

9 Дарс

Ваҳий инъомлари
Билим сўзи

1Коринфликларга 12:8-10 Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Рух томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

РУҲНИНГ ТЎҚҚИЗТА ИНЪОМИ		
РУҲЛАНТИРИЛГАН НУТҚ.	ВАҲИЙ.	КУЧ.
Тиллар.	Руҳларни фарқлаш.	Имон инъоми.
Тилларни талқин қилиш.	Билим Сўзи.	Шифолаш инъомлари.
Пайғамбарчилик.	Донолик Сўзи.	Мўъжиза яратиш.

БИЛИМ СЎЗИ

Таъриф

Билим сўзи орқали Муқаддас Руҳ бизга ўтмишдаги ёки келажакдаги воқеаларни очиб беради. Ушбу инъом бизга Худодан билим беради ва бундай билимни оддий йўл билан билиб бўлмайди. Сўз гапнинг қисми бўлгани каби, билим сўзи ҳам ҳар қандай воқеа ҳақида бўлган билимнинг бир қисмидир. Худо бизга қисман билим беради. Билим сўзига эга бўлган киши, Худонинг Сўзини ўқимаслиги мумкин дегани эмас.

2Тимўтийга 2:15 Ўзингни Худога муносиб равишда, бенуқсон ишчи ва ҳақиқат сўзини тўғри уқтирувчи сифатида тақдим этишга ҳаракат қилгин.

Билим сўзи – бу Раббийга узоқ вақт хизмат қилиш орқали ёки Унинг Сўзини доимий ўрганиш орқали келмайди.

Тўртта турдаги билим

➢ Инсоний

Инсоний билим одатда маълумот олиш орқали, изланишлар ва ҳаётий тажриба орқали келади. Билимнинг ушбу йўналиши орқали кўп яхши нарсалар келган. Аммо Худонинг билимисиз носоғлом ва нотўғри қарорлар амалга оширилган ва бунинг оқибатида улар нотўғри тушунчаларга олиб келган.

➢ Ёвуз ва ғайритабиий

Ёвуз илдиздан келиб чиққан ғайритабиий билим жодугарлик орқали, сеҳргарлик орқали, бутларга сажда қилиш орқали келади. Билимнинг ушбу турини йўқ қилишимиз керак. Худо бундай нарсаларни таъқиқлаган.

➢ Руҳий билим

Бизлар Исони шахсий Нажоткор сифатида қабул қилганимиздан сўнггина, руҳий йўналишдаги билимларни олишни бошлаймиз.

Юҳанно 17:3 Абадий ҳаёт эса Сени – танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масиҳни таниб-билишдан иборатдир.

Ушбу билим Библияни ўрганиш орқали ва Худо билан суҳбат қилиб, Унга ибодат қилиш орқали келади.

➢ Билим сўзи

Худо бизга билим сўзи орқали келажакдаги ёки ўтмишдаги маълум бир воқеалар ҳақида ғайритабиий равишда ваҳий беради.

Вазифаси

Худо Ўз халқини танавий ҳаёт кечиришга даъват этмаган. Бизлар руҳий мавжудотлармиз. Бизлар ўзимизнинг ва атрофимиздагиларнинг ҳимояси учун, Руҳнинг Шоҳлигида ҳаракат қилишни ўрганишимиз керак. Худо кўп сабабларга кўра бизлар билан билим сўзи орқали сўзлашни истайди. Асосий сабаблардан бири – бу Унинг халқини баркамолликка етказишдир. Билим сўзи доимо инсонларга эмас, балки Худога шуҳрат олиб келиш учун очилади ва айтилади. У одамларнинг хизматида ёрдам беради ва шу билан бирга Худодан келганини аён қилади. Билим сўзи, шунингдек, агар бирор хавф бўлса, бу хавф руҳий дунёда ёки жисмоний дунёда бўлса ҳам бизларни огоҳ этади. У гуноҳларни очиб беради ва кўпинча қаердан нимани топиш мумкинлигини кўрсатади.

Ушбу инъом барча учунми?

1Коринфликларга 12:7 Аммо Руҳнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади.

Ҳананиянинг мисоли

Ҳанания ҳаворий ҳам, чўпон ёки хушахабарчи ҳам эмас эди. У оддий инсон эди, Библия уни “шогирд” деб атайди.

Ҳаворийлар 9:10-12 Дамашқ шаҳрида Исонинг Ҳанания деган шогирди бор эди. Раббимиз Исо унга ваҳийда кўриниб: - Эй Ҳанания! - деди. Лаббай Раббим! – деди у. Раббий унга деди: Ўрнингдан тур Тўғри деган кўчага бориб, Яҳудонинг уйидаги Тарс шаҳарлик Шоул исмли одамни сўрагин. Шу маҳалда у ибодат қиляпти. Ваҳийда Ҳанания исмли бир одам унинг ёнига келганини ва кўзлари очилиши учун қўлларини унинг бошига қўйганини кўрди.

Худо Ҳананияга қуйидагиларни очди:

➢ Кўчанинг номини
➢ Шоулнинг исмини
➢ Шоулга ваҳий юборилган эди

Ушбу ваҳийнинг илдизи билим сўзи эди, чунки шу инъом Ҳанания қилиши керак бўлган нарсани ва содир бўлиши лозим бўлган воқеани очиб берди.

БИЛИМ СЎЗИ ҲАРАКАТДА

Бизлар руҳимизда инсоннинг ёки жойнинг ёнида ниманидир кўришимиз мумкин. Ичимизда сўз ёки нутқни эшитишимиз мумкин. Танамизда ниманидир сезишимиз мумкин, бошқа инсонга тааллуқли бўлган қандайдир ҳаракатни ҳис этишимиз мумкин. Агар бизлар билим сўзини олсак, бу энди бирданига унга биноан ҳаракат қили-

шимиз керак дегани эмас. Бизлар кўпинча донолик сўзини кутишимиз керак, чунки айнан донолик сўзи бизга нима қилишимиз кераклигини очиб беради. Шундай вақтлар бўладики билим сўзи ва донолик сўзи бир вақтда келади ва шу орқали Худонинг вазифасини бажаришга олиб келади. Билим сўзи бошқа инсонга унинг нотўғри ишини ёки гуноҳини кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин. Сўз севги билан айтилиши керак, ўшандай инсон билан одатда бирма-бир гаплашиш керак ва албатта, билим сўзи келган бўлса агар!

Огоҳлантириш!

Муқаддас Руҳ билим сўзини бир инсонни, бошқа инсон устидан устун қўйиш учун бермайди. Ўзига жалб қилувчи ёки ўзига хизмат яратувчи ҳар қандай "билим сўзидан" эҳтиёт бўлинг. Худо яширинча ҳаракат қилмайди. Исо ҳеч қачон ҳеч нарсани шахсий ихтиёри билан қилмаган. Унинг руҳи доимо самога қаратилган эди. У яратаётган ва гапираётган Отасини кўрганида, ўша билим сўзига ва донолик сўзига биноан ҳаракат қилар эди.

Юҳанно 5:19-20 Буларга қарши Исо деди: "Сизларга ростини айтай: Ўғил Отанинг қилган ишларини кўрмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам ҳудди шуларни қилади. Чунки Ота Ўғлини севади, Ўзи қилган ҳамма нарсани Ўғлига кўрсатади. Сизларни таажжубда қолдиргудек, бундан қаттароқ ишларини ҳам кўрсатади".

Библиявий воқеаларга янги ҳодисани қўшадиган ҳар қандай "ваҳий руҳи" жуда гумонлидир. Худонинг Сўзи қандай ёзилган бўлса, билим сўзи уни шундай акс эттиради. Муқаддас Руҳ ёзма Сўзнинг муаллифи бўлгани учун, ёзилган сўзни ҳеч қачон тўғриламайди ва ўзгартирмайди. Нажотга ва Худони таниб билишга қўшимча берувчи ёки уни ўзгартирувчи ҳар қандай "сўз" Худодан бўлмагани сабабли инкор этилиши керак. Агар Худонинг Руҳи хизматнинг маълум бир соҳасида ҳаракат қилаётган бўлса, ана шу вақтда умуман бошқа йўналишда ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида билим сўзи келмайди. Худо сизни ваҳийга мос равишда ҳаракат қилишингизни кутади, бироқ сизнинг ҳаракатингиз йиғин вақтига мос келиши керак. Бизлар Муқаддас Руҳнинг кўрсатмаларини бажаришимиз керак, Худонинг рўйхатига ва тартибига биноан ҳаракат қилишимиз керак. Худо англашилмовчилик яратмайди.

БИЛИМ СЎЗИНИНГ ЭСКИ АҲДДАГИ МИСОЛЛАРИ

Оҳиё ёлғон ҳақида огоҳлантирилган

Оҳиё пайғамбар унга қарши айтилган ёлғон ҳақида огоҳлантирилган.

3Шомуил 14:2-6 Ерибом хотинига: "Қани, тур, кийимларингни ўзгартир, токи менинг хотиним эканлигингни ҳеч ким билиб қолмасин, - деди - Шилўга жўна. Пайғамбар Оҳиё ўша ерда, Исроил халқининг шоҳи бўлишим ҳақида у башорат қилган эди. Ўнта нон, бир нечта кулча, бир хумча асал олиб, пайғамбар Оҳиёнинг ҳузурига бор. Ўғлимизга нима бўлишини у сенга айтади." Хотини Ерибон айтганидай қилди, ўрнидан туриб, Шилўга йўл олди. Оҳиёнинг уйига етиб ҳам келди. Оҳиё қартайганидан кўзлари кўрмайдиган бўлиб қолган эди. Эгамиз Оҳиёга деди: "Ана, Ерибомнинг хотини келяпти, қара, қиёфасини ўзгартириб олган, ўғли касал, унга нима бўлади – шуни сендан

сўрамоқчи. Унга шундай-шундай деб айт". Ерибомнинг хотини эшикни очиб, остона ҳатлаши биланоқ, Оҳиё унинг қадам товушларини эшитди. Шу заҳоти Оҳиё аёлга деди: "Кел, Ерибомнинг хотини, ичкари кир. Мени биров таниб қолмасин, деб бошқача кийиниб олибсанми?! Аммо сенга совуқ хабарларим бор".

Раббий гапирганида Оҳиёга билим сўзи билан донолик сўзи келган:
➢ У ким эди – Ерибомнинг хотини эди
➢ У нима учун келди – ўғли ҳақида сўраш учун келди
➢ У нима қилади – ўзини бошқа аёлдек тутади.

Сўнг Оҳиё Ерибомнинг ҳукмронлиги тугаши ҳақида пайғамбарчилик қилишни бошлади. Оҳиё аёлнинг ёлғони ҳақида билим сўзига эга эди ва шунинг учун унинг айтган пайғамбарчилиги ишончли эди.

Илёс қувватланди

Илёс пайғамбар Кармил тоғига олов ёғдирганидан сўнг, Иезавел уни қўрқитишни бошлади. Илёс қочиб кетди ва кейин кўнгли чуқур совуган ҳолда Худога илтижо қилди.

➢ Менинг жонимни ол

3Шомуил 19:4 ёлғиз ўзи чўлда бир кун йўл юрди. Ниҳоят, бир юлғун дарахти остига келиб ўтирди. Ўзига ўзи ўлим тилаб: "Етар, эй, Эгам!" – деб хитоб қилди у, - энди жонимни олақол. Ахир ота-боболаримдан менинг ортиқ жойим йўқ.

➢ Фақат бир ўзим қолдим

14 "Эй, Парвардигори Олам – Эгам, мен Сен учун кўп жон куйдирган эдим", - деди Илёс. – Исроил халқи Сен билан қилган аҳддан қайтди, қурбонгоҳларингни бузди, пайғамбарларингни қиличдан ўтказди. Эгамнинг пайғамбарларидан ёлғиз мен қолдим, холос. Энди жонимни олиш учун мени ҳам қидириб юрибдилар.

➢ Илёс Менда 7000 та бор

3Шомуил 19:18 Мен Исроил халқидан етти минг эркакни қолдирганман: улар худо Баал олдида тиз чўкмаган, бирортаси ҳам Баални ўпмаган.

Гахазини фош қилиш

Эски Аҳдда ёзилган пайғамбарлар орасида билим сўзи энг кўп Элишайнинг ҳаётида ҳаракат қилган. Нўмон шифо топганидан сўнг, Элишайга мукофот беришни икки марта таклиф этди, аммо Элишай ҳар қандай мукофотдан воз кечди.

➢ Гахази алдади

4Шомуил 5:20-27 Пайғамбар Элишайнинг хизматкори Гахази ўзига ўзи айтди: Ҳазратим анови Орам халқидан Нўмон келтирган ҳадяларни қабул қилмасдан, унга ижозат берди. Худо Ҳақи! Ортидан югуриб бориб, ундан бирор нарса ундирай. Гахази Нўмоннинг орқасидан кетди. Нўмон ортидан келаётган Гахазини кўриб, уни қарши олгани аравадан тушди. "Тинчликми?" - сўради Нўмон. "Тинчлик", - деди хизматкор, - хўжайиним мендан айтиб юборди, унинг ҳузурига Эфрайим қирларидаги пайғамбарлар гуруҳидан иккитаси келибди, уларга икки пуд кумуш ва икки сидра кийим-бош бераркансиз. "Балки тўрт-пуд оларсан", - деди Нўмон ва Гахазини тўрт пуд олишга кўндирди. Нўмон иккита қопдаги тўрт пуд кумушни ва икки сидра кийим-

бошни боғлаб, ўзининг иккита хизматкорига берди. Хизматкорлар бу нарсаларни кўтариб, Гахазининг олдига тушиб жўнадилар.

➢ Ўғриланган нарсаларни яширди

Тепаликка келганларида, Гахази нарсаларни хизматкорларнинг қўлидан олди ва уйига олиб бориб яширди. Сўнгра Нўмоннинг иккала хизматкорига ижозат берди. Гахази қайтиб келгач, хўжайинининг ҳузурига кирди.

➢ Элишайни алдади

“Қаерда эдинг, Гахази?” – сўради Элишай ундан. “Мен, қулингиз, ҳеч қаерга бормадим”, - жавоб берди у.

Элишай ғаритабиий равишда, (билим сўзининг ҳаракати) Гахазининг қилган барча ишларини кўрган эди. У ушбу инъом ёрдамида Гахазининг ҳар бир сўзини бирма-бир айтиб берди.

➢ Оқибатда мохов бўлди

Элишай эса Гахазига: “Ўша одам аравасидан тушиб сенга пешвоз чиққанда, менинг руҳим сен билан бирга эмасмиди?!” - деди. – Ҳозир кумушу либослар ёки зайтунзорлар, узумзорлар, қўй, сигирлар, қула ва чўрилар оладиган пайтми?! Шу қилганинг учун Нўмоннинг мохов касали сенга ва сенинг наслингга абадий ёпишиб қолсин. Ўша заҳоти Гахази қордай оппоқ мохов касалига чалиниб, Элишайнинг ҳузуридан чиқди.

Душманнинг режалари ҳақида огоҳлантириш

Элишай Худонинг овозини эшитиш учун шу қадар тайёр эдики, Орам шоҳи хоинни ўзининг одамлари орасидан излашни бошлади. Сўнг унинг хизматкори унга: сен ўз ётоғингда айтган барча сўзингни Элишай пайғамбар Исроилнинг шоҳига айтиб беряпти деди!

4Шомуил 6:9-12 Пайғамбар Исроил шоҳига: “Ўша жойдан ўтманг, чунки у ерга Орам лашкари пистирма қўйган,”- деган хабар юборди. Исроил шоҳи пайғамбар айтган жойга хабарчи юборди, Ўша ерда яшайдиган одамлар бу хавфнинг чорасини кўрдилар. Бундай воқеа бир-икки марта эмас, кўп марта юз берди. Бу ҳодисадан Орам шоҳи қаттиқ безовталанди. У лашкарбошиларини чақириб: “Менга айтинглар-чи, қайси бирингиз Исроил шоҳи билан алоқадасиз?” – деди уларга. “Ҳеч қайсимиз, шоҳ жаноблари!” – деди лашкарбошиларидан бири. – Бу Исроилдаги пайғамбар Элишайнинг иши, у ҳатто ётоқхонангизда айтган гапингизни ҳам Исроил шоҳига аён қилиб туради.

ИСОНИНГ ҲАЁТИДАГИ БИЛИМ СЎЗИ

Бизлар Исонинг ҳаётини ўрганиб чиққанимизда: “Албатта У буни қила олар эди. У Худодек ҳаракат қилар эди,”-деб ўйлаш осон. Лекин Исо ерда юрганида Ўзининг илоҳий қобилиятларини вақтинча қолдирди. У Одам Атони қандай яшаши учун яратган бўлса, Ўзи шундай яшаган эди. У биз учун намунадир. У қилган ишларни бизлар ҳам қилишимиз керак! У ҳам бугунги масиҳийларга ўхшаб, Муқаддас Руҳ билан мойланган эди.

Самариялик аёл

У қудуқ бўйида аёл билан гаплашаётганида унинг эрлари ҳақида билим сўзи олди. У ушбу билимни табиий йўл орқали билиб олган эмас ва бу нарса ўша қишлоқдаги кўп одамларнинг нажот топишига олиб келди. Исо ҳукм қилса бўладиган нарсани билса ҳам, бундай маълумотларни ҳукм қилиш учун ишлатмади. У донолик сўзи орқали, билим сўзини ўша аёлни нажотга олиб келиш учун ишлатди.

Юҳанно 4:16,17,18,39,40,41,42 "Бориб эрингни бу ерга чақириб кел", - деди Исо. "Менинг эрим йўқ", - деб жавоб қилди аёл.

➢ "Сенинг беш нафар эринг бор эди"

"Эрим йўқ деб сен тўғрисини айтдинг", - деди Исо. Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Буни сен тўғри айтдинг!

➢ Натижада кўплар имонга келди

Шундан кейин, ўша шаҳарда яшовчи талай Самарияликлар Исога имон келтиришди. Улар ҳалиги аёлнинг "Мен қилган ишларнинг ҳаммасини айтиб берди",- деган гувоҳлигига ишонишган эди. Шундай қилиб, Самарияликлар Исонинг олдига келиб, уларникида қолишини илтимос қилишди. У эса икки кун ўша ерда қолди. Натижада Исонинг сўзини эшитиб, янада кўпроқ одамлар имон келтирди. Улар аёлга: "Энди сенинг сўзларинг туфайлигина ишонаётганимиз йўқ. Уни ўзимиз ҳам эшитдик ва Уни ҳақиқатдан ҳам дунёнинг Қутқарувчиси – Масиҳ эканини билиб олдик," - дейишди.

Ушбу билим сўзи Самарияга уйғониш олиб келди.

Кўр

Исо унинг кўрлигининг сабабини билар эди. Кўр ҳам, унинг отаси ҳам гуноҳ қилмаган. Буни табиий йўл билан билиб бўлмасди. Бу билим сўзи ёрдамида содир бўлди.

Юҳанно 9:3 Исо шундай жавоб берди: "Бунда на ўзи гуноҳкор, на ота-онаси, балки Худонинг шуҳрати унда намоён бўлиши учун у кўр туғилган".

Солиқ тўлаш

Римликларга солиқ тўлаш вақти келганида, Исо Петъорга балиқ тутиб, унинг оғзидаги тангани олиб келишни буюрди. Буни ҳам табиий йўл орқали билиб бўлмас эди.

Матто 17:27 Шунга қарамай, биз уларни васвасага солмайлик. Сен кўлга бориб қармоқ ташла. Биринчи илинган балиқни олиб оғзини очсанг, тўрт дирамлик тангага кўзинг тушади. Тангани олиб, Мен ва ўзинг учун солиқ тўлови сифатида уларга бер.

Песах вақтида

Исо шогирдларини, сув тўла кўзани кўтариб бораётган кишини учратишларини ва унинг кетидан унинг уйига боришлари керак-лигини билар эди. Ўша уйда улар учун хона тайёрланиши керак эди.

➢ Улар инсонни учратишди
➢ Тайёрланган хона

Луқо 22:10-12 Исо уларга жавоб берди: "Мана, шаҳарга кириб борганингизда, кўзада сув кўтариб кетаётган бир одам учрайди.

Унинг орқасидан у кирган уйга эргашиб киринглар. Уй эгасига эса: “Устоз сендан сўраяпти: Шогирдларим билан Песах таомини ейдиган хона қаерда?” – деб айтинглар. Шунда у сизларга тўшак тўшалган катта болохонани кўрсатади. Ўша ерда тайёрланглар”.

Ким Менга хоинлик қилди

Исо Унга ким хоинлик қилишини билар эди.

Юҳанно 13:26 Исо жавоб берди: “Мен бир бурда нонни ботириб кимга берсам, у ўшадир”, - деди. Сўнг бурда нонни ботириб, Симун ўғли Яҳудо Ишқариётга берди.

ЯНГИ АҲДДАГИ МИСОЛЛАР

Корнилий

Корнилий ваҳий кўриб буйруқ олди. Унга Петъорни чақириш буюрилган эди. Петъор унга у қилиши керак бўлган нарсани айтиши керак эди.

Ҳаворийлар 10:1-6 Кесария шаҳрида Корнилий исмли бир одам бор эди. У “Итальян” деган полкда юзбоши, бутун хонадони билан Худодан қўрқадиган диндор бир одам эди. Халққа кўпдан-кўп садақа бериб, доимо Худога ибодат қиларди. Бир куни тушдан сўнгги соат учлар чамасида Худонинг бир фариштаси унинг олдига келганини у ваҳийда очиқ кўрди. Фаришта унга деди: “Корнилий!” “Лаббай Ҳазрат?” – деди Корнилий, унга ваҳима билан тикилиб. Фаришта деди: “Қилган ибодату садақаларинг Худо ҳузурида ижобат бўлди. Энди Яффага одамлар юбориб, Петъор лақабли Симун деган кишини олдингга чақиртир. У уйи денгиз бўйида бўлган Симун исмли кўнчиникида меҳмон бўлиб турибди”.

Билим сўзи унга қуйидагиларни очди:

➢ Инсоннинг исми Симун, лекин уни Петъор деб аташади.

➢ Кўнчи Симунникида меҳмон бўлиб турибди.

➢ Уй денгиз бўйида.

Билим сўзи ҳақиқатни очиб берса, донолик сўзи уларга нима қилиш кераклигини кўрсатарди.

Петъор

Петъор мажусийнинг уйига Худонинг ғайритабиий билимисиз бормас эди.

Ҳавориийлар 10:17-18 Петъор гангиб қолган эди. Мен кўрган ваҳийнинг нима маъноси бор экан, деб ўйлаб турганида, Корнилий томонидан юборилган одамлар Симуннинг уйини суриштириб дарвоза бўсағасида тўхтаб қолишди. Улар овозларини баландлатиб: “Петъор лақабли Симун шу ердами?” – деб сўрашди.

➢ Билим сўзи

Ҳаворийлар 10:19 Петъор эса ҳануз ваҳийни ўйлаб, мулоҳазага чўмиб ўтирарди. Муқаддас Руҳ унга: “Мана, уч киши сени излаяпти”,-деди.

Петъор ваҳийда кўрган нарсалар ҳақида фикр юритар эди. У кўрган ваҳий, барча олган таълимига зид эди. Аммо Худо ваҳийни

бирданига одамларнинг келиши орқали тасдиқлади. Билим сўзи бу вазиятда Исо Масиҳнинг хушхабарини бутун мажусий дунёга очиб берди.

Ҳаворийлар 10:44 Петъор ҳали гапириб бўлганда, сўзни эшитаётганларнинг барчаси устига Муқаддас Руҳ тушди.

Корнилий ибодат қилгани учун Худодан билим сўзи келди.

Повул

Листрада Повул чўлоқ кишига қараб унинг имонини кўрди. Бу вақтда билим сўзи ҳаракат қилган эди.

Ҳаворийлар 14:8-10 Листра шаҳрида бир чўлоқ киши ерда ўтирар эди. У туғма майиб бўлиб, умрида асло юрмаган эди. У Повулнинг айтаётган сўзларини тингларкан, Повул унга кўз тикиб, дарддан халос бўлиш учун имони борлигини пайқади. Овозини баланд қилиб: "Раббим Исо Масиҳ номидан сенга айтаман: оёғингда тикка тур!" – деди. Ўша заҳоти у киши ўрнидан ирғиб турди-да, юра бошлади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Билим сўзи – қандай билим? Буни билимнинг бошқа турлари билан таққосланг.

2. Инсон билим сўзини қандай олиши мумкин?

3. Сиз орқали билим сўзи ҳаракат қилган бўлса, бунинг мисолини келтиринг.

10 Дарс

Ваҳий инъомлари
Донолик сўзи

1Коринфликлкарга 12:8-10 Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

РУҲНИНГ ТЎҚҚИЗТА ИНЪОМИ		
РУҲЛАНТИРИЛГАН НУТҚ.	ВАҲИЙ.	КУЧ.
Тиллар.	Руҳларни фарқлаш.	Имон инъоми.
Тилларни талқин қилиш.	Билим Сўзи.	Шифолаш инъомлари.
Пайғамбарчилик.	Донолик Сўзи.	Мўъжиза яратиш.

БИЛИМ СЎЗИ

Таъриф

Муқаддас Руҳ донолик сўзи инъоми орқали имонлига Худонинг донолигини олиб келади. Муқаддас Руҳ донолик сўзи инъоми орқали имонлига, у табиий ёки ғайритабиий билимга асосланиб ҳаракат қила олиши учун Худонинг донолигини аён қилади.

У Худонинг режасини ва бизнинг хизмат вазифамизни очади. У қанақа вазифалар тез ёки кейинчалик бажарилиши кераклигини очиб беради. У инсон ёки бир гуруҳ одамлар нима қилиши кераклигини ва қандай қилиб Худонинг иродаси бўйича ҳаракат қилиш мумкинлигини очиб беради. Донолик сўзи кўпинча билим сўзи билан бирга келади ва ҳаракат қилади.

Турли кўринишда намоён бўлиши мумкин

Донолик сўзи кўплаб кўринишда намоён бўлиши мумкин:
➢ Ички овоз,
➢ Ваҳий кўриш орқали,
➢ Тушлар орқали,
➢ Тиллар ва тилларни талқин қилувчи, ёки пайғамбарчилик инъоми орқали келиши мумкин.

Ғайритабиий донолик

Донолик сўзи инъоми оддий донолик эмас. Бу сўз ёки жумладир. Бу бутунлик эмас, балки бир қисмдир.

1Коринфликларга 13:9 Чунки биз қисман биламиз ва қисман пайғамбарчилик қиламиз.

Худо имонлига билим сўзи орқали Ўзининг донолигининг фақат маълум бир қисмини беради. Ўз донолигини унинг руҳи орқали чеклаган ҳолда очади. Бу табиий фикрлашни ўзгартириш учун келади. Табиий фикрлаш Унинг донолиги билан аралашади ёки фақат Худонинг фикрлари билан тўлади. Бунинг натижасида имон-

ли бирданига Худонинг режасини, Унинг берган вазифасини ва Худонинг комил иродасида қандай қилиб юриш мумкинлигини билиб олади.

1Коринфликларга 2:11-13 Зеро инсоннинг ичида нима борлигини унинг ичида бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Ҳудди шундай, Худоникини ҳам Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди. Бизлар эса бу дунёнинг руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилганларини билишимиз учун, Худодан бўлган Руҳни қабул қилдик. Биз буни инсоний доноликдан ўрганган сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Руҳ ўргатган сўзлар билан воизлик қилиб, руҳий нарсаларни руҳий нарсалар билан таққослаймиз.

Донолик сўраш ҳақида айтилган

Худо ҳар биримизга, Ундан донолик сўрашимиз мумкинлиги ҳақида айтганида, У табиий дунёда ишлатишимиз учун керак бўладиган ғайритабиий доноликни назарда тутган.

Ёқуб 1:5 Агар сизлардан бирор кишининг донолиги камлик қилса, ҳаммага самимият билан, таъна қилмасдан берувчи Худодан сўрасин ва унга берилади.

Бизлар нима учун излашимиз керак

Агар бизлар Муқаддас Руҳга донолик сўзи билан бизнинг ҳаётимиз орқали ҳаракат қилишига йўл қўйсак, шунда табиий дунёдан ғайритабиий дунёга ўта оламиз. Бизлар ўзимиз ва бошқалар учун ибодат қилганимизда, қандай ибодат қилиш кераклиги ва нималар дейиш кераклиги ҳақида ваҳий берадиган, ғайритабиий донолик олишимиз мумкин.

Сўз билан тўлинглар

Донолик сўзини табиий донолик билан аралаштирмаслик керак. Бу энди ҳикматларда айтилган донолик билан тўлмаслигимиз кераклигини билдирмайди.

Ҳикматлар 2:1-6 Ўғлим, насиҳатларимни қабул қилиб, амрларимни юрагингда сақласанг, доноликка қулоқ солиб, қалбингни фаҳм-идрокка очсанг, фаросатга ташна, идрокка чанқоқ бўлсанг, уни кумушни излагандай изласанг, яширин хазинани қидиргандай қидирсанг, Эгамиздан қўрқиш нималигини тушунасан, Худо кимлигини биласан. Чунки доноликни Эгамиз беради, билим ва идрок Унинг оғзидан чиқади.

Иешуа Бен Нунга: “Сўздан кечаю-кундуз таълим ол,” -деб айтилган. Бизлар шундай қилсак, билим сўзи ҳаракат қилиши учун мустаҳкам пойдевор ясаган бўламиз.

Иешуа Бин Нун 1:8 Қонуннинг бу китоби сенинг оғзингдан тушмасин; зеро унда ёзилганларнинг ҳаммасин аниқ бажаришинг учун уни куну-тун ўргангин: шунда сен ўз йўлларингда муваффақиятли бўласан ва оқиллик билан иш тутасан.

Вазифаси

Донолик сўзи ҳимоя ва насиҳат бериш учун берилган. Донолик сўзи бизга билимни қандай ишлатиш кераклигини очиб беради. Донолик сўзи бизларга билим сўзи ёки руҳларни фарқлаш орқали келган билимни қандай ишлатишиз кераклигини очиб беради. У маълум бир вазиятда қандай ибодат қилиш кераклигини очиб бериши мумкин. Ким учун ибодат қилаётган бўлсак, унга ёрдам бера олишимиз учун йўл кўрсатиши мумкин. Имонли бирданига ўз жонида янги, тароватли, ижодли сўзларни ёки ибораларни эшитиши мумкин. Донолик сўзи табиий фикрлашни тўхтатади. Муқаддас Руҳ ушбу инъом орқали имонлига Худонинг маълум бир вазият учун бўлган иродаси ҳақида билим беради. Бу ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жойда, баъзида кам кутган вақтимизда содир бўлиши мумкин. Ана шу сабабдан бизлар буни шахсий фикримиз эмас, балки Муқаддас Руҳ эканини билиб оламиз. У кутилмаганда келади. Ушбу ваҳийлар доимо маълум бир вазият учун белгиланган режани ва вазифани бажаришимизга ёрдам беради.

ДОНОЛИК СЎЗИГА ЭГА БЎЛИШ

Руҳнинг барча инъомлари фақат имон билан олинади. Агар бизлар маълум бир инъомга эга бўлмасак, Худодан бизлар инъомлар сўрашимиз керак.

Матто 7:7-8,11 “Сўраб туринг, сизга берилади. Излаб туринг, топасизлар. Тақиллатиб туринг, сизга очилади. Чунки ҳар бир сўраган олар, излаган топар, тақиллатганга эшик очилар”. Сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангиз, боз устига осмондаги Отангиз Ундан сўраганларга мўл-кўл неъматни беради!

Донолик сўзини олиш учун қуйидагиларни қилиш керак:
➢ Ибодат қилинг ва имон билан Худодан ҳаётингизга донолик сўзи доимо келишини сўранг.
➢ Худонинг ҳаракатини имон билан кутинг.
➢ Сизга келган топшириқ қандай кулгули кўринмасин, ҳаммасини бажаринг.
➢ Тасдиқлар изланг.

БИЛИМ СЎЗИ БИЛАН ДОНОЛИК СЎЗИНИ ТАҚҚОСЛАШ

Билим сўзи билан донолик сўзининг орасидаги фарқ: Билим сўзи ҳозирги ёки ўтмишдаги воқеаларни очиб беради. Донолик сўзи келган ваҳийни қандай қилиб Худонинг режаси билан амалга оширишимиз мумкинлигини очиб беради. Билим сўзи ўтган ёки ҳозирги воқеалар билан боғлиқ, аммо у келажакка таъсирсиз, у келажакни ўзгартира олмайди. Донолик сўзи келажак билан боғлиқ ва Худонинг иродасини амалга ошириш учун керак бўлган ғайритабиий доноликка эгадир.

Улар биргаликда ҳаракат қилишган

Ўрганиш мақсадида ва улар Коринфликларга мактубида алоҳида санаб ўтилгани учун, бизлар ушбу икки инъомни алоҳида ўрганяп-

миз. Бу икки инъом бир-бирига шунчалик кўп яқин ҳаракат қиладики, уларни ҳатто фарқлаш қийин.

➢ Юҳанно Патмос оролида

Юҳанно Патмос оролида сургун бўлгани учун Осиёдаги жамоатларда нималар содир бўлаётганини билмас эди. Раббий унга намоён бўлиб, жамоатларнинг аҳволини очди. У ўша ватқтда еттита жамоат ҳақида ёзаётган эди. Бу билим инъоми эди, чунки у ҳақиқатдан ҳам содир бўлган воқеани очиб берди. Сўнг Худо унга ҳар бир жамоат келажакда нима қилишини очди. Бу донолик сўзининг ҳаракати эди. Юҳаннога ушбу билим сўзи ва донолик сўзи келганида у ҳаворий эди.

➢ Ҳанания

Тўққизинчи дарсда эслатганимиздек, Худо Ҳананияга Шоулнинг олдига бориб, унга қўлини қўйишни айтганида, унга кўп ҳақиқатлар (исботлар) айтилган эди. Аммо Ҳанания барибир унинг олдига боришдан қўрқар эди. Худо унга Шоулни хизматга танлагани ҳақида айтди ва Шоул билан келажакда нима содир бўлишини ҳам очди. Бу донолик сўзининг ҳаракати эди.

ИСО ДОНОЛИК СЎЗИДАН ФОЙДАЛАНГАН

Исонинг ҳаётини ўргансак агар, У Ўзининг илоҳий қобилиятларини қолдирди ва инсон ерда қандай яшаши учун яратилган бўлса, У шундай яшади.

Қудуқ олдидаги аёл

Исо қудуқ олдидаги аёл ҳақида билим сўзи олди. У аёлнинг олдин бешта эри бўлгани ҳақида ва ҳозир эса бошқа эркак билан зино қилиб яшаётганини билим сўзи орқали билиб олди. Исо у аёлни фоҳиша деб аташнинг ўрнига ва уни қонун бўйича тошбўрон қилиш учун одамларни чақиришнинг ўрнига, Худодан олган донолик сўзи бўйича ҳаракат қилди.

Юҳанно 4:16-19,28-29 “Бориб эрингни бу ерга чақириб кел”, - деди Исо. “Менинг эрим йўқ”, - деди аёл. “Эрим йўқ деб тўғрисини айтдинг”, - деди Исо. “Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Буни сен тўғри айтдинг!” “Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайғамбарсан”- деди аёл. Шундан кейин аёл кўзасини ўша ерда қолдириб, шаҳарга борди ва одамларга деди: “Боринглар, мен қилган ҳамма ишларни айтиб берган Одамни кўринглар! У Масиҳ эмасмикин?”

Бизлар билим сўзида ҳаракат қилсак агар, хизматимизда кўпроқ фаол бўла оламиз.

Лазар

Исо Лазарнинг касаллиги ҳақида эшитганида, ушбу ўлим, тирилиш орқали Худога шуҳрат олиб келишини билар эди.

Юҳанно 11:4,14,17,23 Исо буни эшитиб: “Бу касаллик ўлим билан якунланмайди, балки Худонинг улуғланишига, шунингдек, Худо Ўғлини улуғланишига сабаб бўлади”, - деди. Кейин Исо уларга очиғини айтди: “Лазар вафот этди”. Исо у ерга етиб бориб билдики, Лазарнинг дафн қилинганига тўрт кун бўлган экан. “Сенинг аканг тирилади”, - деди Исо.

Бой ўсмир

Бой ўсмир Исонинг олдига келиб: *"***Эй, Эзгу Устоз! Абадий ҳаётни мерос қилиб олмоғим учун нима қилишим керак?" -деб сўради.**
Исо бошида унинг саволига жавоб бермади. У ҳақиқий муаммони кўрсатди. Исо унга: "**...Нима учун сен Мени Эзгу деб атайсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким Эзгу эмас. Агар абадий ҳаётга киришни истасанг, амрларни бажар," - деди.**
Ва сўнг Исо ўнта амрнинг олтитасини санаб ўтди. Ўсмир: «Амрларни болалигимдан бажарганман,»- деди. Шунда унга жавоб берди.

Матто 19: 21 Исо унга: Агар комил бўлишни истасанг, бор, ҳамма мол-мулкингни сотиб, пулини камбағалларга тарқат. Шундагина самода хазинанг бўлади. Ва келиб, Менинг ортимдан эргаш – деди.

Исо унинг муаммоси бойликка меҳр қўйгани эканини қандай билган? Бу Унга билим сўзи орқали келди. У ушбу муаммони ечишнинг энг яхши йўлини қандай қилиб билган? У буни донолик сўзининг ҳаракати орқали билган.

Таъқибчилар ҳақида огоҳлантирди.

Исо шогирдларини таъқибчилар бўлади деб огоҳ этди, шу билан бирга, уларга ғайритабиий донолик беришни ҳам ваъда қилган.

Луқо 21:12-15 Лекин буларнинг ҳаммасидан олдин сизларни қўлга олиб қувғин қиладилар, синагогаларга топшириб, зиндонларга ташлайдилар. Менинг номим учун сизларни подшоҳ ва ҳокимларнинг олдига олиб борадилалр. Булар сизларнинг гувоҳлик беришингиз учун содир бўлади. Нима жавоб бераман, деб олдиндан қайғурмасликни юрагингизга тугиб олинглар. Чунки Мен сизларга шундай оғиз ва донолик бераманки, сизларга қарши чиққанлардан бирортаси ҳам уни инкор этиб, қарши чиқа олмайди.

ЭСКИ АҲДДАГИ МИСОЛЛАР

Ҳизқиё

Ҳизқиёнинг ҳаёти узайтирилган эди.

4Шомуил 20:1-6 Ўша кунлари Ҳизқиё қаттиқ касал бўлиб қолди. Ишаъё пайғамбар унинг ҳузурига келиб, шундай деди: "Эгамиз, тайёргарлигингни кўриб қўявер, тузалмайсан энди, ўласан", - деб айтмоқда. Ҳизқиё юзини деворга буриб, Эгамизга ёлворди: "Эй, Эгам! Чин қилбимдан Сенга содиқ бўлиб, йўлларингдан юрганимни ва олдингда тўғри ишлар қилганимни эсла". Шундай деб аччиқ-аччиқ йиғлади. Ишаъё саройнинг ичкари ҳовлисидан чиқиб улгурмаган ҳам эдики, Эгамиз унга қуйидаги сўзларини аён қилди: "Орқангга қайтиб бориб, халқимнинг ҳукмдори Ҳизқиёга шу хабарни етказ: Бобонг Довуднинг Худоси – Эганг шундай айтмоқда: илтижоларингни эшитдим, кўз ёшларингни кўрдим. Сенга соғлигингни қайтараман. Учинчи куни Эгамизнинг уйига чиқасан. Умрингни яна ўн беш йилга узайтираман. Ўзингни ва бу шаҳарни Оссурия шоҳининг

қўлидан халос қиламан. Ўзим учун ва қулим Довуднинг ҳақи-ҳурмати учун бу шаҳарни муҳофаза қиламан".

Сув тошқини

Нуҳга келган буюк сув тошқин ҳақидаги ваҳий инсониятни ва ҳайвонларни қутқариб қолди.

Ибтидо 6:12-13 Ердаги ҳар бир башар ўз йўлини бузиб, ер разиллашиб бораётганини Худо кўрди-да, Нуҳга хитоб қилиб деди: "Бутун башариятнинг охири Менинг кўз ўнгимда турибди, чунки улар дастидан ер зўравонликка тўлиб-тошмоқда. Энди Мен уларни ер билан бирга йўқ қиламан".

Худонинг аҳди

Донолик сўзи баъзида шартсиз бўлади. Худо Нуҳ билан қурган аҳд бунинг мисоли бўла олади.

Ибтидо 9:12-16 Худо тағин деди: "Менинг сизлар билан ҳамда сизлардаги ҳар бир тирик жон билан қилаётган, наслдан-наслга абадий ўтадиган аҳдимнинг аломати шу: Ўзим билан ер орасидаги аҳдимнинг аломати сифатида Мен булутларда ёйимни пайдо қиламан. Бундан буён ер юзига булут тортганимда, булутларда Менинг ёйим намоён бўлади. Сизлар билан ва барча мавжудотлар билан, ҳар бир тирик жон билан қилган аҳдимни Мен эслаб туриб, бутун мавжудотни йўқ қиладиган тўфон тошқинига ортиқ йўл бермайман. Мен булутларда ёй пайдо бўлганини кўрганим сайин, Ўзим ила ердаги бутун мавжудот – ҳар бир тирик жон орасидаги абадий аҳдни хотирда тутаман".

Лут огоҳлантирилди

Донолик сўзи баъзида шартли бўлади. Масалан: Лутга Содўмдан «чиқиб кет»,- деб огоҳлантириш берилган эди ва у бўйсунгани учун тирик қолди. Бошқалар огоҳлантиришга бўйсунмаганликлари сабабли ҳалок бўлдилар.

Ибтидо 19:12-16 Фаришталар Лутга: "Бу ерда сенинг яна киминг бор? Куёвингми, ўғлингми, қизингми – шаҳарда киминг бўлса, ҳаммасини бу ердан олиб чиқиб кетгин. Чунки биз бу шаҳарни хароб қилмоқчимиз. Бу ердаги одамларнинг ёвузлиги ҳақидаги оҳ-фиғонлар Раббийгача етиб борди. Мана шу жойни хароб қилиш учун Худованд бизни юборди", - дейишди. Лут ташқарига чиқиб, куёвлари билан гаплашди: "Туринглар бу жойдан чиқиб кетинглар, чунки Раббий бу шаҳарни хароб қилмоқчи", - деди. Лекин куёвлари назарида у ҳазил қилаётгандек туюлди. Тонг отганда, фаришталар Лутни қистаб: "Бу шаҳарнинг гуноҳи туфайли ҳалок бўлмаслигинг учун энди ўрнингдан тур, ўзинг билан хотинингни ва икки қизингни олиб кет", - дедилар. Лут эса сусткашлик қилса ҳам, Раббий уни аяди. Фаришталар уни, хотини ва қизини қўлидан ушлаб, шаҳарнинг ташқарисига чиқариб қўйдилар.

Дониёр

Набукаднезар бир туш кўриб қўрқиб кетиб, унинг жони нотинч бўлди, аммо у уйқудан тургач тушини унутиб юборди. Сўнг у донишмандларга унинг тушини ва тушнинг маъносини айтиб беришларини буюрди. Агар улар таъбир этолмасалар барча "донишмандлар" ўлдирилиши буюрилган эди. Дониёр ҳам шулар

ҳисобига кирар эди. Дониёр тушида ваҳий олди ва ўша ваҳий унга туш билан унинг маъносини очиб берди.

Дониёр 2:19 Ўша кеча Дониёрга бу сир ваҳий орқали ошкор бўлди ва Дониёр Самовий Худога ҳамду санолар айтди ...

ЯНГИ АҲДДАГИ МИСОЛЛАР

Очликнинг келиши

Имонлилар очлик келиши ҳақида огоҳлантирилган эдилар ва ёрдам вақтида юборилди.

Ҳаворийлар 11:28-30 Улардан Ҳагав дегани Муқаддас Руҳдан руҳланиб қад ростлади-да, бутун дунёда оғир қаҳатчилик бўлишини пайғамбарчилик қилди. Шунда шонирдларнинг ҳар бири қўлидан келганича, Яҳудияда яшовчи имондошларига ёрдам юборишга аҳд қилишди. Бу аҳдни амалга ошириб, йиғилган нафақаларни Барнабо ва Шоул орқали жамоатнинг оқсоқолларига юборишди.

Повулнинг қамалиши

Ҳагав Повулнинг қамалиши ҳақида пайғамбарчилик қилди.

Ҳаворийлар 21:10-11 У ерда бир қанча кун турганимиздан кейин, Яҳудиядан Ҳагав исмли бир пайғамбар тушиб келди. У олдимизга кириши биланоқ Повулнинг қамарини олди-да, ўзининг қўл-оёқларини боғлаб деди: "Муқаддас Руҳ бундай демоқда: Иерусалимдаги яҳудийлар бу қамарнинг эгасини шунақасига боғлаб, мажусийларнинг қўлига топширадилар".

Кема чўкиши

Повул кема чўкиши ҳақида огоҳлантирилган эди. Кемадагилар Повулнинг биринчи огоҳлантиришига эътибор бермаганликлари сабабли, кема, озиқ-овқат ва юклар йўқотилди.

Ҳаворийлар 27:10,21-26 "Эрлар, кўраяпманки, сузишни давом эттириш юк ва кема учунгина эмас, ўз жонимиз учун ҳам хавф-хатарли бўлади", - деди.

Улар биринчи огоҳлантиришга эътибор бермадилар.

Кемадагилар кўпдан бери овқат емаганлари сабабли, Повул уларнинг ўртасида туриб: "Эрлар! – деди. – Менга қулоқ солиб Критдан кетмаганингизда эди, бу зарару заҳматларга дучор бўлмасдинглар. Энди эса сизлардан ўтиниб сўрайман: дадил бўлинглар. Чунки сизлардан ҳеч бир жон ҳалок бўлмайди, фақат кема нобуд бўлади. Мана, мен Унга мансуб бўлган ва Унга хизмат қилиб юрган Худонинг фариштаси бу кеча менга зоҳир бўлди. У: "Қўрқма, Повул!" – деди. – Сен Қайсарнинг олдида туришинг керак. Кема йўловчиларига келганда, уларнинг ҳаммасини Худо сенга бағишлади", – деди. Шунинг учун, эрлар, дадил бўлинглар! Чунки Худо ҳудди менга айтганидек қилишига қаттиқ ишонаман. Ҳар ҳолда бирорта оролга тушишимиз керак".

Повул уларга ушбу донолик сўзини айтганидан сўнг ҳам, баъзилар бўйсунмасликни бошладилар.

Ҳаворийлар 27:30-31,44 Шу орада денгизчилар кемадан қочмоқ ниятида, гўё кеманинг тумшуғидан лангар ташламоқчи бўлиб, қайиқчани денгизга тушира бошладилар. Повул эса юзбоши ва аскарларга қараб: "Агар улар кемада қолмасалар, сизлар қутулолмайсизлар", - деди.

МАХСУС ХИЗМАТГА АЖРАТИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Ҳанания Шоулнинг олдига юборилди

Раббий Ҳананияни Шоулнинг олдига юборди. У Шоулга қўлини қўйиб ибодат қилди ва Шоулнинг кўзлари очилди. Ўша вақтдан бошлаб Шоул Повулга айланди ва мажусийларга хушхабар етказиш учун хизматга ажратилди.

Ҳаворийлар 9:11-15 Раббий унга деди: "Ўрнингдан тур ва Тўғри деган кўчага бориб, Яҳудонинг уйидаги Тарс шаҳарлик Шоул исмли одамни сўрагин. Шу маҳалда у ибодат қиляпти". Ваҳийда Ҳанания исмли бир одам унинг ёнига келганини ва кўзлари очилиши учун қўлларини унинг бошига қўйганини кўрди. Ҳанания жавоб берди: "Ё Раббий, бу одам Иерусалимда Сенинг азизларингга қанча ёмонлик қилгани ҳақида кўп одамлардан эшитдим. Бу ерда ҳам Сенинг исмингни айтганларнинг ҳаммасини тутқунга солиш учун олий руҳонийлардан ижозат олибди–ку", – деди. Раббимиз Исо унга шундай деди: "Сен боравер, мана бу одам Менинг исмимни турли халқлар, подшоҳлар ва Исроил ўғиллари олдида улуғлаш учун танланган қуролимдир".

Повул ва Барнабо

Повул ва Барнабо Муқаддас Руҳнинг буйруғи бўйича махсус хизматга ажратилган эдилар.

Ҳаворийлар 13:1-4 Антиохия шаҳридаги имонлилар жамоатида баъзи бир пайғамбарлар ва муаллимлар, чунончи Барнабо, "Қорача" лақабли Симун, Киринеялик Луций, вилоят ҳокими Ҳирод билан бирга тарбияланган Маноҳим ва Шоул бор эдилар. Булар диний хизматини ўтаб, рўза тутиб турган маҳалда, Муқаддас Руҳ гапириб: "Барнабо билан Шоулни Мен сайлаган иш учун Менга ажратиб беринглар!" – деди. Шу тариқа, улар яна рўза тутиб ва ибодат қилиб бўлгач, Барнабо билан Шоулнинг бошига қўлларини қўйганча дуо ўқиб, уларни жўнатишди. Барнобо билан Шоул Муқаддас Руҳ буюрганига кўра йўлга тушиб, Селевкия шаҳрига келдилар. У ердан эса Кипр оролига сузиб кетдилар.

Ҳаворий Юҳанно

Ҳаворий Юҳанно тирилиш кунида руҳда кўтариб кетилган эди ва бутун Ваҳий китоби унинг қаршисида очилди.

Ваҳий 1:10 Мен тирилиш кунида руҳда эдим ва орқамдан гўё карнай овозига ўхшаш баланд овоз эшитдим ...
Ваҳий 4:2 Ва ўша вақтнинг ўзида мен руҳда эдим;
Ваҳий 17:3 Ва мени руҳда чўлга етаклади
Ваҳий 21:10 Ва мени руҳда ... кўтарди.

Юҳанно билим сўзи орқали етти жамоатнинг ҳозирги ҳолатини билиб олди. У содир бўладиган воқеалар ҳақида айтганида, донолик сўзидан олиб айтган.

САВОЛЛАР:

1. Донолик сўзи ҳақида бўлган тушунчангизни ёзинг.

2. Исо билим сўзи билан донолик сўзини ишлатганининг мисолини келтиринг.

3. Билим сўзи билан донолик сўзи қандай қилиб биргаликда ҳаракат қилади? Ўз ҳаётингиздаги тажрибадан мисоллар келтиринг.

11 Дарс

Куч инъоми - Имон

1Коринфликларга 12:8-11 Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пағамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар ҳил тиллар, яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади. Бироқ буларнинг ҳаммасини ўша битта Руҳ келтиради. У Ўзи хоҳлагани бўйича буларни ҳар кимга алоҳида тақсимлайди.

РУҲНИНГ ТЎҚҚИЗТА ИНЪОМИ

РУҲЛАНТИРИЛГАН НУТҚ.	ВАҲИЙ.	КУЧ.
Тиллар.	Руҳларни фарқлаш.	Имон инъоми.
Тилларни талқин қилиш.	Билим Сўзи.	Шифолаш инъомлари.
Пайғамбарчилик.	Донолик Сўзи.	Мўъжиза яратиш.

ИМОН, МЎЪЖИЗА ЯРАТИШ, ШИФОЛАШ ИНЪОМЛАРИ

Кириш

Руҳлантирилган учта товуш инъоми мавжуд – тиллар, талқин қилиш ва пайғамбарчилик. Ушбу инъомлар ёрдамида Худо бизлар орқали гапиради.

Учта ваҳий инъоми – руҳларни фарқлаш, билим сўзи ва донолик сўзидир. Ушбу инъомлар бизга табиий дунёдаги ёки руҳий шоҳликдаги нарсаларни очиб беради.

Ва ниҳоят, учта куч инъоми мавжуд – имон инъоми, мўъжиза яратиш ва шифолаш инъомлари. Ушбу инъомлар бизлар орқали ҳаракат қилиб Худонинг кучини намоён қилади.

Худо бу дунёнинг инсонлари билан гаплашишни истайди. У кўпинча Ўзининг имонлилари орқали гапиради. Худо бу дунёга кўп нарсани очишни истайди. У буни имонлилар орқали қилишни истайди. Худо ушбу авлоднинг муҳтожлигини қондиришни истайди, лекин У Ўзининг фарзандлари орқали ҳаракат қилади.

Барча имонлилар учун

Муқаддас Руҳнинг ҳар бир инъоми Муқаддас Руҳни намоён қилади. У Масиҳнинг танаси орқали тўққизта турли йўл билан ҳаракат қилади.

Битта инъом ёки ҳаммаси

Олдин ҳар бир имонли фақат битта ёки иккита инъомга эга бўлиши мумкин деган таълимотлар бор эди. Бизлар бундай таълимотни қабул қилишимиз учун ўзимизга савол беришимиз керак: “Муқаддас Руҳ нима сабабдан бизга шайтоннинг рак руҳини борлигини очадию, аммо шу руҳни қувиб чиқариш учун Ўзининг куч инъомларидан бирини бермайди?”

Ўзимизни чеклаганмиз

Ҳаётимизда Муқаддас Руҳнинг инъомлари ҳаракат қилишини ўзимиз чегаралаб қўйганмиз. Худога биз орқали нималар қилишига рухсат беряпмиз? Унга қанча вақтимизни бағишлашга тайёрмиз? Унга, Унинг фойдаланиши учун берадиган идишимиз қанчалик тоза?

1Коринфликларга 12:4 Инъомлар эса ҳар хил, лекин Руҳ ўша-ўшадир.

Инъомлар биргаликда ҳаракат қилади

Бизлар олдин ўрганиб чиққанимиздек, инъомларнинг ҳар бир гуруҳи биргаликда ҳаракат қилади. Бизлар Муқаддас Руҳга чўмганимиздан сўнг тилларда гапиришимиз керак. Кейин бизлар талқин қилиш инъоми учун ибодат қилишимиз керак. Бу иккинчи инъомдир. Сўнг бизлар пайғамбарчилик қилишга интилишимиз лозим. Бу учинчи инъомдир. Бундан сўнг, бизлар инъомларнинг иккинчи гуруҳига ўтамиз, ваҳий инъомларига ўтамиз. Улар орқали Худо бизларга кўп нарсаларни очади. Ушбу билимнинг битта тури бизнинг ва яқинларимизнинг ҳаётидаги муҳтожликларга тааллуқлидир. Сўнг Худо куч инъомлари орқали ушбу муҳтожликларни қондиради.

ИМОН ИНЪОМИ

Таъриф

Имон инъоми **-** маълум бир вазифа учун ва вақт учун керак бўлган имонни келтиради. Ушбу куч инъоми сизнинг ҳозирги ҳолатингиздаги ҳар қандай вазифани амалга оширади. Имон инъоми муҳтожлик вақтида маълум бир иш учун, тез ёки яқин келажакдаги вазифа учун берилади. Бизга донолик сўзи орқали вазифа берилганида, уни бажаришимиз керак ва ушбу сўз бизларни Худонинг режасига биноан дадил ҳаракат қилишимиз учун имон инъомини ҳаракатга келтиради.

Қандай қилиб оламиз

Имон инъомини бизлар ваҳий инъомлари орқали қабул қиламиз. Ғайритабиий инъом имонлига қўнади ва шу вақтнинг ўзида донолик сўзи, Худонинг намоён бўладиган кучини аён қилади. Бу бизга энди олган ваҳийимиз бўйича дадил ҳаракат қилишимизга йўл қўяди.

Қандай намоён бўлади

Мўъжизавий имон инъоми кўпинча куч инъомларининг ҳаракатида иштирок этади. Бу кучли ва буйруқ берувчи иборада намоён бўлиши мумкин. Исо тўфонга: “Тўхта, тингин!” ёки “Лазар чиқ!” деб айтган. Худо донолик сўзи орқали нима қилмоқчи эканини ваҳий орқали билиб олгандан сўнг, ўша ишни тугатиш учун имонлининг устига имон инъоми қўнади. Донолик сўзи орқали вазифани бажариш режаси бўлган вақтда бизга ушбу имон берилади. Бу бизларни Худонинг ваҳийига биноан дадил ҳаракат қилишимизга олиб келади. Ушбу имон келган вақтда, имонли ишониш учун куч ишлатишга муҳтож эмас. У Худонинг Сўзида нима дейилганини, Унинг иродаси нима эканини билади ва Худонинг ғайритабиий кучи унинг ичида борлигини ҳам билади. Бизлар айтаётган сўзимизда имон инъоми ва Муқаддас Руҳнинг мойланиши бўлса, ушбу сўз Худонинг сўзидек яратиш кучига эга бўлади. Имон инъомининг натижасида мўъжиза яратиш ёки шифолаш инъомлари келиши мумкин.

Имон инъомининг ҳосиллари

Имон инъомининг кўп натижалари бўлиши мумкин.

- ➢ У Худога шуҳрат келтиради
- ➢ У Худога ишонишга олиб келади
- ➢ У ҳайрат ва ҳаяжон келтиради

Тирик Худо инсонларнинг ишларида иштирок этаётгани яққол намоён бўлади.

ТЎРТ ТУРДАГИ ИМОН

Қутқарувчи имон

Исонинг Нажоткор эканига бўлган ишончимиз(имонимиз) Худонинг Сўзини эшитиш орқали келади.

Эфесликларга 2:8 Чунки сизлар имонингиз орқали иноят билан нажот топдингизлар. Бу эса сизлардан эмас, балки Худонинг инъомидир;

Имоннинг ҳосили

Имон руҳнинг ҳосилларидан бири деб саналади. Бу содиқлик деб таржима қилиниши ҳам мумкин. Ушбу имон масиҳийларнинг ҳаётида руҳий характерни шакллантириш учун ўсади.

Галатияликларга 5:22-23 Руҳнинг ҳосили эса: севги, қувонч, тинчлик, сабр-тоқат, эзгулик, меҳрибонлик, имон, мулойимлик ва ўзини тийишдир. Бундайларга қарши Қонун йўқдир.

Табиий имон

Бу Худонинг Сўзини ва Уни билиш орқали келадиган табиий, кундалик имондир. Бу имон Унинг айтган Сўзини амалга оширишига ишонади. Ушбу имон ибодат қилиб, ибодатимизга жавоб олишимиз орқали қувватланади.

Марк 11:24 Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва эришасизлар.

Имон инъоми

Юқорида тушунтирилган.

ИСОНИНГ ХИЗМАТИДАГИ ИМОН ИНЪОМИНИНГ МИСОЛЛАРИ

Тирилтирувчи имон

Исо имон инъомидан жуда кўп фойдаланган. Ҳозир бир неча мисоллар келтирамиз.

➢ Ўлик инсон

Луқо 7:12-15 Исо шаҳарнинг дарвозасига яқинлашганда, бир ўлган одамни олиб чиқаётган эдилар. Шу одам бир бева аёлнинг ёлғиз ўғли эди. Аёл билан бирга шаҳардан катта оломон ҳам қўшилиб бораётган эди. Раббий уни кўриб, унга ачинди ва деди: "Йиғлама!" У яқинлашиб, тобутга қўл тегизди. Кўтариб кетаётганлар тўхтадилар. Исо эса: "Эй йигит, сенга яйтяпман: ўрнингдан тур!" – деди. Ўлик кўтарилиб ўтирди ва гапира бошлади. Исо уни онасига топширди.

➢ Лазар

Исога Лазарнинг касаллиги ҳақида айтишганда, Лазарнинг ўлими ва унинг тирилиши, Ўзининг шахсий ўлими ва тирилиши ҳақида бўлган таълимоти вақтида бўлишини билар эди.

Юҳанно 11:41-44 Шундай қилиб, марҳум ётган ғор оғзидан тошни кўтариб олдилар. Исо эса осмонга кўз тикканча: "Эй Ота!" – деди, - Мени эшитганинг учун Сенга ташаккур билдираман. Сен Мени доимо эшитишингни биламан-у, лекин бу сўзларни шу ерда турган халқ учун, улар Мени Сен юборганингга ишонсинлар деб айтдим. Шундай деди-ю, баланд овоз билан хитоб қилди: "Лазар, ташқарига чиқ!" Шу пайт қўлу

оёқлари дока билан боғланган, юзи рўмол билан ўралган жасад чиқиб келди. “Уни ечинтириб, қўйинглар, кетаверсин”, - деди Исо одамларга.

➢ Унинг шахсий тирилиши учун

Энг юксак имон инъоми шуки - Исо Ўз ҳаётини инсониятнинг гуноҳи учун қурбон қилди. Исо ўлимидан сўнг Отаси Уни тирилтиришини билар эди.

Юҳанно 11:25-26 Исо унга деди: Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди. Кимда-ким Менга ишониб яшаса, то абад ўлмайди. Бунга ишонасанми?

Мўъжизалар яратувчи имон

➢ Буюк довул

Марк 4:37-41 Шу орада кўлда кучли бўрон кўтарилди. Тўлқинлар қайиқни тебратиб юборди, қайиқ сувга тўла бошлади. Исо эса қайиқнинг қуйруқ томонида ёстиққа бош қўйиб, ухлаб ётган эди. Шогирдлар Исони уйғотиб: “Устоз, биз ҳалок бўляпмиз! Парво қилмайсанми?” – дейишди. Шунда Исо туриб, шамолга дўқ урди ва кўлга: “Жим бўл, бас қил!” – деди. Шу онда шамол тинди ва чуқур сукунат бўлди. Исо шогирларига: “Нега бундай қўрқоқсизлар? Қандай қилиб ҳалигача ишончингиз йўқ?” – деди. Улар эса жуда қўрқиб, бир-бирига: “Бу қанақа кишики, шамол ҳам, кўл ҳам Унга бўйсунса?” – дейишди.

➢ Сув устидан юрган

Бизлар кўпинча, Исо инсон бўла туриб, сув устидан юрганига эътибор бермаймиз. У ерда Худодек эмас, инсондек яшади. Бизлар кўпинча ушбу мисолда Петъорга қараб, у хато қилган деймиз. Бизлар Исо нималар қилган бўлса, Петъор ҳам унинг ҳаммасини қилганини унутмасак яхши бўлади. У ушбу вазиятда қисқа бўлса ҳам, Петъор Исонинг ишларини барибир қила олди.

Матто 14:25-33 Субҳидамда Исо кўл устидан юриб келаётганини кўриб, даҳшатга тушдилар. “Бу бир шарпа!” – деб қўрқувдан қичқириб юбордилалр. Лекин Исо шу заҳот улар билан мулоқотга кириб: “Дадил бўлинглар, бу Мен қўрқманглар!” – деди. Петъор гапга кириб: “Ё Раббим, агар бу Сен бўлсанг, менга буйруқ бер, мен сув устидан юриб Сенинг ёнингга борай!” – деди. Исо: “Кел!” – деди. Петъор эса қайиқдан чиқиб, сув устидан юрганча Исонинг ёнига йўл олди. Лекин кучли шамолни кўриб, ўтакаси ёрилди. У чўка бошлагач: “Ё Раббим, мени қутқар!” – деб бақирди. Исо ўша заҳоти қўлини узатиб, уни ушлаб қолди-да: “Ҳа, имони суст, нега сен иккиландинг?” – деди. Улар қайиққа ўтишлари биланоқ шамол тинди. Қайиқдагилар эса Исога сажда қилиб: “Ҳақиқатдан ҳам Сен Худонинг Ўғлисан!” – дейишди.

ХУДОНИНГ ҲУКМЛАРИНИ АЙТИШДАГИ ИМОН ИНЪОМИ

Жазо

Имон инъоми Масиҳ Танасини ҳимоя қилиш учун четдан қараганда барбод қилувчидек фаолият юритиши мумкин. Эҳтимол, Масиҳ Танаси ўз ҳаётидаги гуноҳи туфайли ёки инсонларнинг сўзидан қўрққани сабабли ёки ўзини бунга лаёқатсиз ҳис қилгани туфайли

бу соҳада ҳаракат қилиш учун интилмагандир. Ваҳий инъомларисиз қуйидаги имон инъомларида ҳаракат қилиб бўлмайди:

➢ Исо каби

Исо кераксиз дарахтни лаънатлади:

Матто 21:19 Йўл четида бир анжир дарахтини кўриб, унинг ёнига келди. Исо барглардан бошқа ҳеч нарса топмай, дарахтга: "Бундан кейин сенга абадий мева битмасин!" – деди. Анжир дарахти эса шу онда қуриб қолди.

➢ Петъор каби

Ҳананиянинг ўлимидан сўнг, Петъор донолик сўзи олиб келган имон инъоми билан Саффирани лаънатлади.

Ҳаворийлар 5:9-11 Петъор: "Нега сизларТангри Руҳини синаб кўришга келишдингизлар? Мана, эрингни кўмганлар эшикдан киришаяпти. Энди сени ҳам ташқарига олиб чиқишади", - деди. Шу ондаёқ аёл Петъорнинг оёқларига йиқилиб, жон берди. Йигитлар ичкарига кириб, уни ўлиб ётган ҳолда кўрдилар. Ўлигини ташқарига олиб чиқиб, эрининг ёнига кўмдилар. Бу воқеаларни эшитган бутун имонлилар жамоати ва бошқа ҳаммани қаттиқ даҳшат қоплади.

Повул каби

Ҳаворийлар 13:8-12 Бироқ Барйешу уларга қаршилик кўрсатиб, ҳокимни имондан тойдиришга тиришарди. Шунда Муқаддас Руҳга тўлган Шоул, яъни Повул, унга кўзларини тикиб деди: Эй иблис ўғли! Юрагинг ҳар хил ҳийла ва айёрликка тўлгандир, ҳар қандай ҳақиқат душманисан. Раббийнинг тўғри йўлларини чалкаштиришни бас қил. Ва энди Раббий сенга қарши қўл кўтарди. Сен кўр бўласан ва бир қанча вақт қуёшни кўрмайсан. Шу заҳотиёқ бу одамнинг кўзлари қоронғи-зимистонликка кўмилди. Энди у атрофни пайпаслаганича ўзига етакловчи излар эди. Ҳоким бу воқеани кўрди-да, Раббимиз Исо тўғрисидаги таълимотга қойил қолиб, имон келтирди.

ИМОН ИНЪОМИ ҲИМОЯ КЕЛТИРАДИ

Довуд ва Голиўт

1Шомуил 17:32,38-40,45-49 Довуд Шоулга деди: "Ўша Филистликни деб ҳеч кимнинг руҳи тушмасин. Мен, қулингиз бориб, у билан олишаман".

➢ Инсоний усул ишлатиб кўрилди,
аммо четга сурилди

Сўнг у ўзини жанг кийимларини Довудга берди, бошига бронза қалпоқ, эгнига совут кийдирди. Довуд шоҳнинг совутларини кийиб, устидан қиличини боғлаб, юрмоқчи бўлди. Лекин у бунақа кийимларга кўникмаган эди. "Бу кийимлар билан юра олмаяпман, кўникмаганман", - деди Довуд Шоулга. Сўнг кийимларини ечиб ташлади. Довуд таёғини олиб, сойликдаги ирмоқдан бешта силлиқ тош териб олди. Тошларни ёнидаги чўпон халтасига солди-да, палахмонини олиб тўғри Филистимликка қарши чиқиб борди.

➢ Имон инъоми –
донолик сўзи

Довуд эса шундай жавоб қайтарди: “Сен қилич, найзаю ханжарлар билан устимга бостириб келяпсан. Мен эса сен ҳақоратлаган Исроил лашкарининг Худоси, Сарвари Оламнинг номи билан қуролланиб устингга бостириб боряпман. Бугуннинг ўзида Эгамиз сени менинг қўлимга беради. Сени ўлдириб, бошингни танангдан жудо қиламан. Бугуннинг ўзида Филист лашкарининг жасадларини кўкдаги қушларга, даштдаги йиртқичларга ем қиламан. Шунда Исроилда Худонинг борлигини бутун ер юзи билиб олади. Эгамиз қиличу найза билан нажот бермаслигини бутун жамоа билиб олади, чунки бу урушда Эгамизнинг Ўзи жанг қилади. У сизларни бизнинг қўлимизга беради”.

➢ Имон билан ҳаракат қилиш
ғалаба келтиради

Гўлиёт Довудга ташланмоқчи бўлиб, тўғри унга қараб юрди. Довуд ҳам у билан олишиш учун Филистлар сафи томон тез югуриб кетди. Қўлини халтасига солиб, битта тошни олди-да, палахмонга солиб отди. Тош Филистнинг қоқ пешонасига тегиб ўйиб кирди. Филист юз тубан ерга йиқилди.

Дониёр
➢ Шоҳ имон билан айтди

Дониёр 6:16-20 Шоҳ Дониёрни шерларнинг уясига ташлашни буюрди. Дониёрнинг ўзига эса: “Сени Худойинг қўлига топширдим, сен доим сажда қиладиган ўша Худо сени асрасин”, - деди. Тош келтириб, чуқурликнинг оғзи беркитилиб қўйилди. Ҳеч ким Дониёрни шерлардан қутқара олмасин, деб шоҳ ўзининг ва амалдорларининг тамғалари билан тошни мухрлаб қўйди. Сўнг саройига қайтиб, кечаси билан рўза тутди. Кечқурунги вақти чоғлик ҳам кўнглига сиғмай, туни билан ухламай чиқди. Эртаси куни тонг отгач, шоҳ шоша-пиша шерлар уяси томон югурди. У ерга боргач: “Ҳой Дониёр, барҳаёт Худонинг хизматкори!” – дея куйиниб хитоб қилди у. – Сен доимо сажда қилиб юрган Худойинг сени шерлардан қутқара олдими?”

➢ Ғалаба

21-22 “Шоҳ ҳазратларининг умри боқий бўлсин!” – деди шоҳга Дониёр,- “Худойимнинг назарида бегуноҳ бўлганим учун, У фариштасини юбориб шерларнинг оғизларини бектириб қўйди ва шерлар менга ҳеч қандай зарар етказмадилар. Сизнинг олдингизда ҳам, эй, шоҳ ҳазратлари, мен бирон бир айбли иш қилган эмасман”.

Шадрах, Мешах ва Абеднаху

Уларга бутга сажда қилиш буюрилганида, улар воз кечишди ва бу учун ҳатто ўлишга ҳам тайёр эдилар. Лекин уларнинг сўзларига эътибор беринг, улар Худо уларни халос қилишига ишонар эдилар.

Дониёр 3:16-18,20-26 Шадрах, Мешах ва Абеднаху шоҳга шундай жавоб беришди: “Эй, олампаноҳ, бу масалада биз ўзимизни оқламоқчи эмасмиз. Биз сиғинадиган Худо бизни оловли чуқурликдан ҳам, сизнинг қўлингиздан ҳам қутқаришга

қодир. Аммо У бизни қутқармаган тақдирда ҳам, билиб қўйингки, эй шоҳ ҳазратлари, биз ҳеч қачон худоларингизга сиғинмаймиз, сиз ўрнатган олтин ҳайкалга ҳам сажда қилмаймиз".

➢ Имон инъоми
➢ Тўлиқ итоаткорлик

Сўнг лашкарларининг орасидаги энг кучли полвонларга Шадрах, Мешах ва Абеднахуни боғлаб, оловли чуқурликка ташлашни амр қилди. Полвонлар уларни боғлаб, устки кийими, иштони, бош кийими, хуллас, бутун усти-боши билан оловли чуқурликка ташладилар. Ғазабланган шоҳ қаттиқ олов ёндиришни буюргани учун, аланга авжига чиққан эди. Оловнинг тафти уч оғайнини чуқурликка ташлаётган полвонларни қуйдириб юборди. Шадрах, Мешах ва Абеднаху эса боғланган ҳолда оловли чуқурликка йиқилдилар. Буни томоша қилиб турган шоҳ Навухадназар бирданига ўрнидан сапчи турди-да, ҳайрат ичра маслаҳатчиларига: "Биз чуқурликка учта боғланган одамни ташламаганмидик?" - деб ҳайқириб юборди. "Ҳудди шундай, шоҳ ҳазратлари", - деб жавоб берди улар.

➢ Худо улар билан!

Бунга у деди: мана мен, тўртта боғланмаган кишини олов ичида юраётганларини кўряпман ва уларга зарар етмаган. Тўртинчисининг кўриниши Худонинг Ўғлига ўхшайди-я!" Навухадназар чуқурликнинг оғзига бориб: "Шадрах, Мешах ва Абденаху, эй, Худойи Таолонинг хизматкорлари, қани чиқинглар! Олдимга келинглар!" – деб бақирди. Шадрах, Мешах ва Абденаху аланга орасидан чиқишди.

ИМОН ИНЪОМИ ҲОЗИРДА ҲАМ ҲАРАКАТДА

Имон инъоми Масиҳ танасига кўп сабабларга кўра берилган. Бизлар уни ишлатишни ўрганганимизда, Худо уни бизлар учун, атрофимиздагилар учун ва Масиҳ танасининг ҳимояси учун ишлатади. Имон бўлмаса Худонинг розилигини топиб бўлмайди. Имон билан ҳамма нарса қилиш мумкин, чунки бизлар имон инъомини ишлатганимизда, Худо мўъжизавий кучини юборади. Бизлар ўзимизнинг шахсий имонимизни ишлатишдан бошлаймиз. Худо кўпинча донолик сўзини олишимиз вақтида имон инъомини юборади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Куч инъомлари ҳақида тушунча беринг. Учаласини ҳам санаб ўтинг.

2. Имон инъоми нима?

3. Имон инъоми ҳаётингизга келиб ҳаракат қилган бўлса, мисоллар келтиринг ёки Библиядаги мисолларни келтиринг.

12 Дарс

Куч инъомлари
Мўъжиза яратиш

Коринфликларга 12:8-11 Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Рух томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади. Бироқ буларнинг ҳаммасини ўша битта Руҳ келтиради. У Ўзи хоҳлагани бўйича буларни ҳар кимга алоҳида тақсимлайди.

РУҲНИНГ ТЎҚҚИЗТА ИНЪОМИ		
РУҲЛАНТИРИЛГАН НУТҚ.	ВАҲИЙ.	КУЧ.
Тиллар.	Руҳларни фарқлаш.	Имон инъоми.
Тилларни талқин қилиш.	Билим Сўзи.	Шифолаш инъомлари.
Пайғамбарчилик.	Донолик Сўзи.	Мўъжиза яратиш.

МЎЪЖИЗА ЯРАТИШ

Таъриф

Мўъжизакорлик **-** бу табиатнинг табиий оқимига ғайритабиий таъсир этишдир. Мўъжизакорлик **-** табиатни ўзгартирувчи, уни тўхтатувчи ёки ўзгартирувчи Худонинг кучидир. Худо ушбу руҳий инъомни имонлиларга беради, токи улар мўъжизалар ярата олсинлар. Куч инъомлари бир-бири билан ва ваҳий инъомлари билан жуда яқин ҳаракат қилади.

Ушбу инъом қандай ишлайди

Мўъжизакорлик **-** табиий ёки руҳий билим сўзи инъоми ёрдамида ғайритабиий йўл билан берилган сўздан бошланади. Сўнгра, руҳий донолик инъоми ҳаракатга киради. Шу билан бирга, бизлар ўзимизни мўъжиза яратаётганимизни кўришни бошлаймиз. Ушбу донолик сўзи инъоми, имон инъомининг ҳаракат қилишига имконият беради. Донолик сўзи орқали бизлар руҳий дунёда қилаётган ишларимизни кўрганимиздан сўнг, ўша ишларни жисмоний дунёда дадиллик билан қилишни бошлаймиз. Мана бу мўъжизакорлик деб аталган, чунки бизлар мўъжизада фаол қатнашчилармиз. Бизлар донолик сўзи орқали Руҳда нималарни кўрсак, устимизга имон инъоми тушиб келганидан сўнг, уларни дадиллик билан амалга оширамиз. Бизлар мўъжизакорлик инъомида ҳаракат қилишни бошлаганимизда, Худонинг кучи тушиб, мўъжиза содир қилади. Шундай қилиб, бу ишда Худонинг ҳам, инсоннинг ҳам роли бор.

Бу осон

Муқаддас Руҳнинг тез ва осон ҳаракати орқали бизлар, ушбу инъомни ишлатиш, бошқа барча инъомларни ишлатиш каби осон эканини англаймиз. Мўъжизакорлик **-** билим сўзидан бошланади. Яъни бизлар ваҳий олишимиз керак.

Мўъжизаларнинг вазифаси

Худонинг мўъжизалрининг вазифаси:
➢ хавфдан қутқариш
➢ ҳимоя
➢ муҳтожларга ёрдам
➢ буйруқни бажариш
➢ инсоннинг даъватини тасдиқлаш
➢ воизликда айтилган сўзни тасдиқлаш
Мўъжиза яратиш доимо Худога шуҳрат келтиради ва инсонларнинг имонини кўпайтиради.

ИСОНИНГ ҲАЁТИДАГИ МЎЪЖИЗАКОРЛИК

Исо ўттиз ёшигача мўъжиза яратган эмас. У Муқаддас Руҳдан куч олди ва шундан сўнг, Унинг ҳаётида мўъжиза яратиш инъоми ҳаракат қилишни бошлади.

Исонинг биринчи мўъжизаси

Исо Ўзининг биринчи мўъжизасида сувни шаробга айлантирган эди. У узум шарбатини шаробга айлатирган эмас. У сувни шаробга айлантирди. Бу ҳеч қачон илоҳий ҳаракатсиз содир бўлмас эди.

➢ Исо айтар эди – улар эса бажарар эдилар

Юҳанно 2:7-10 Исо хизматчиларга: Хумларни сув билан тўлдиринглар – деди. Улар хумларни лиммо-лим тўлдиришди. Исо уларга: Энди чўмичлаб олиб, тўйбошига олиб боринглар, - деди. Улар эса олиб боришди. Тўйбоши шаробга айланган сувни татиб кўрди. Унинг қаёқдан келганини билмас эди, фақат олиб келган хизматчилар билишар эди. Тўйбоши куёвни чақиртириб унга айтди: Ҳар ким аввал яхши шаробни қўяди. Кайф қилишгандан кейингина ёмонроғини беради. Сен эса яхши шаробни шу вақтгача сақлабсан-ку!

➢ Натижа

Шогирдлар ишондилар.

Юҳанно 2:11 Исо дастлабки ушбу мўъжизасини Жалиланинг Кана шаҳарчасида намойиш қилди, бу билан Ўзининг улуғворлигини зоҳир қилди. Шогирдлари эса Унга имон келтирдилар.

Тўрт мингтани тўйдириш

Исо баъзи мўъжизалар орқали инсонларга ғамхўрлик қилган.

Матто 15:33-38 Шогирдлари Унга: "Бу ёвонда шунча кишини тўйдирадиган емакни қаердан топамиз?" – дейишди. "Қанча нонларингиз бор?" – деб, сўради Исо. "Еттита нон ва озгина балиғимиз бор", – дедилар. Шундай кейин Исо халойиққа ерга ўтиришни буюрди. Еттита нон ва балиқларни олиб, шукрона дуосини айтиб синдирди ва шогирдларига берди, шогирдлари эса бутун халойиққа тарқатди. Ҳаммаларининг қорни тўйди. Ортиб қолган нон бурдалари нақ етти сават бўлди. Хўрандалар эса хотинлар ва болалардан ташқари тўрт минг киши эди.

Бизлар ишонишимиз учун мўъжизлар ҳақида ёзилган

Юҳанно 20:30-31 Исо бу китобда ёзилмаган бошқа бир талай ибратли мўъжизаларни Ўз шогирдларига кўрсатди. Булар эса

Исо – Худонинг Ўғли, Масиҳ эканлигига ишонишингиз учун ва ишониб, Унинг номи билан ҳаётга эришишингиз учун ёзилган.

ҚАДИМГИ АҲДДАГИ МЎЪЖИЗАЛАРНИНГ МИСОЛИ

Мусо

Мусонинг руҳонийлик мансабини фиръавнинг олдида кўрсатиш учун мўъжизалар ишлатилган.

➢ Ҳокимият исботланди

Чиқиш 7:9 Агар фиръавн сизларга: мўъжиза қилинглар деса, шунда сен Ҳорунга айт: ўз асонгни олгин ва уни фиръавн қаршисида ташла, у илон бўлади.

Чиқиш 7:4-5 Фиръавн сизларга қулоқ солмайди. Мен Ўзимнинг қўлимни Миср устига қўяман. Мен Ўзимнинг лашкарларимни, Ўз халқимни, Исроил ўғилларини -буюк ҳукмлар билан Миср еридан олиб чиқаман; Мен Ўз қўлимни Миср узра узатганимда, Мисрликлар Мени Раббий эканимни билиб олишади ва Исроил ўғилларини, уларнинг ораларидан олиб чиқаман.

Илёс ва Элишай

➢ Илёс Иорданни тўхтатди

4Шомуил 2:8 Бир пайт Илёс чакмонини олди-да, бураб эшиб, сувга урган эди, сув икки томонга сурилиб, йўл очилди, икковлари қуруқ жойдан ўтиб кетдилар.

Илёс Худонинг кишиси сифатида обрўга эга эди ва кўплаб мўъжизалар яратар эди. У Худонинг олдига кетиши керак бўлган вақтда, Элишай синовдан ўтди. Илёс оловли аравада олиб кетилаётганида, Элишай унинг кетаётганини кўра олди. Илёс оловли аравада олиб кетилаётганида, Элишай руҳий дунёни кўра олди ва унинг кетаётгани кўрди. Элишай то Илёснинг олиб кетилаётганини кўрмагунича, битта ҳам мўъжиза яратмаган эди. Шунда Элишай Илёснинг чакмонини олди ва Иорданга қайтиб келди. Олдин, Илёс дарёни икки томонга сурганини элликта пайғамбар кўрган эди. Энди Элишай нима қилар экан? Элишай Илёснинг руҳи унда икки баробар бўлишини сўраган эди. Илёс унга: "Агар мени олиб кетилганимни кўрсанг, сўраганинг амалга ошади,"-деб ваъда берган эди. У Илёснинг олиб кетилганини кўрди. У энди имон билан ҳаракат қилармикин?

➢ Элишай Иорданни тўхтатди

4Шомуил 2:13-14 Илёснинг эгнидан чакмони тушиб қолган эди. Элишай ўша чакмонни олиб орқасига қайтиб, Иордан дарёси қирғоғига келди. Элишай Илёснинг чакмонини сувга уриб: "Эгам Илёсга қилганидай, мен учун ҳам мўъжиза кўрсатадими?" - деди. Элишай чакмонини яна сувга урган эди, дарё суви икки томонга сурилиб яна сув очилди. Элишай ўша жойдан ўтиб кетди.

➢ Мўъжиза Элишайга обрў келтирди

15 Ерихолик пайғамбарлар гуруҳи олисдан Элишайни кўриб: Элишайда Илёснинг руҳи бор, - деб Элишайга пешвоз чиқдилар. Уни кутиб олдилар, ер ўпиб унга таъзим қилдилар.

Болта сузиб чиққан эди

Ушбу мўъжиза муҳтожлик туфайли содир бўлди. Инсон ишонмаса агар мўъжиза кўра олмайди. Бизлар қараб ўтирмаслигимиз керак. Бизлар баъзида Худонинг ҳаракати керак деб ўзимизни оқлаймиз. Лекин бизлар имон билан олдинга чиқсак ва Худонинг инъомларига таянсак, ўз ҳаётимизда мўъжизакорлик инъомининг ҳаракатини кўрамиз.

4Шомуил 6:4-7 Элишай улар билан бирга кетди. Ҳаммалари Иордан дарёси бўйига етиб келиб, дарахт кеса бошладилар. Биттаси дарахт кесаётиб, болтасини сувга тушуриб юборди. У: "О, Ҳазратим! Болтани омонатга олган эдим!" - деб бақирди. Болта қайси жойга тушди? – деб сўради пайғамбар. Ўша одам Элишайга болта тушган жойни кўрсатди. Элишай дарахтдан битта шох кесиб олиб, сувга ташлаган эди, болта сув юзига чиқди. Ол уни, - деди Элишай. Ўша одам қўлини узатиб, болтани олди.

Самсон

Самсон ўзини ватандошларига боғлатиб, Филистликларнинг қўлига топширилишига рози бўлди.

Ҳакамлар 15:14-15 У Лехега яқин келганида Филистлар уни бақир- чақир билан кутиб олишди. Шунда Раббийнинг Руҳи унинг устига тушди. Унинг қўлларидаги арқонлар ҳудди оловда ёниб кетган зиғир матодек бўлиб қолди. Унинг қўлидаги арқонлар тушиб кетди. У эшакнинг янги жағини топиб олди ва қўлини узатиб уни олди. У билан мингта одамни ўлдирди.

Шундан сўнг Самсон жуда ҳам ташна бўлди ва Худо айнан у учун яна бир мўъжиза яратди.

Ҳакамлар 15:18-19 У кучли ташналикни ҳис қилди ва Раббийни чақириб деди: Сен Ўз қулингнинг қўли билан бу халоскорликни қилдинг. Энди эса мен ташналикдан ўламан ва хатнасизларнинг қўлига тушаман. Худо Лехада бир чуқур пайдо қилди ва ундан сув оқиб чиқди. У сув ичиб тўйди. Унинг руҳи қайтиб кирди ва у жонланди. Шунинг учун ҳам Лехадаги бу жойга ҳозиргача: "Чақирувнинг қудуғи"деб ном қўйишган.

Агар Худо Самсоннинг ташналигини қондирмоқчи бўлган бўлса, У бизнинг вақтимизда ҳам, бизнинг муаммоларимизни йўқ қилишни нега истамасин? Худо ҳаётимизнинг ҳар бир йўналишида ҳаракат қилишни истайди. Самсон ўз муҳтожлигини Худога айтганида "махсус руҳий одам" бўлиб кўринган эмас. Бироқ, эътибор беринг, у ўз муҳтожлигини Худога айтди.

ҲАВОРИЙЛАР КИТОБИДАГИ МЎЪЖИЗАКОРЛИК

Мўъжизалар Сўзни тасдиқлайди

Ҳаворийлар 8:5-6 Филип Самария шаҳрига келиб, унинг аҳлига Масиҳни воизлик қилди. Филипнинг сўзини тинглашиб ва унинг қилаётган мўъжизаларини кўришиб, бутун халқ унга қулоқ солди.

Бизга мўъжизакор куч ваъда қилинган

Ҳаворийлар 1:4-5 Уларни тўплаб, буюриб деди: Иерусалим шаҳридан кетиб қолманглар, балки Отамнинг берган ваъдаси амалга ошгунча у ерда кутиб туринглар. Сизлар бу ваъдани Мендан эшитгансизлар. Яҳё пайғамбар одамларни сувга чўмдириб, тавба қилдирган, сизлар эса кўп ўтмай Муқаддас Руҳга чўмдириласизлар.

Ҳаворийлар 1:8 Лекин Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганда, сизлар куч оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг гувоҳларим бўласизлар.

Исо Ўзининг охирги сўзларида, имонлиларга "Буюк Топшириқни"берган. Марк бизга шундай деган:

Марк 16:20 Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрдилар. Раббимиз уларга кўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз сўзини тасдиқлар эди.

Биринчи воизлик

Муқаддас Руҳ элликлик кунида тушганидан сўнг, Петъор туриб ўзининг биринчи воизлигини айтди. Ушбу воизлик вақтида мўъжизлар ва аломалар ҳам содир бўлди.

Ҳаворийлар 2:19-22,43 Юксакликда, осмонда ғаройибот, тубанликда, ер юзида эса ажойибот, қон олов ва паға-паға тутун барпо қиламан. Раббийнинг улуғ ва нурафшон куни келишидан аввал, қуёш қоронғиликка, ой эса қонга айланиб кетади. Ўшанда Раббий исмини айтиб чақирган ҳар бир киши нажот топади. Эй Исроил эрлари, бу сўзларни тингланглар! Носиралик Исо – қилган қудратли ва ажойиб мўъжизалар асосида Худо томонидан тасдиқланган кишидир. Унинг орангизда қилган ишларини ўзларингиз биласизлар. Ҳар бир жонда хавотир бор эди. Ҳаворийлар эса Иерусалимда кўп ажойиб ва мўъжизакор ишлар қилмоқда эдилар.

ҲОЗИРГИ ВАҚТДА МЎЪЖИЗЛАР ВА АЛОМАТЛАР БЎЛИШИ ШАРТМИ?

Мўъжизлар гапираётганни ёки айтилаётган сўзни тасдиқлайди. Бизлар мўъжизалрни ишлатмасдан туриб, ҳалок бўлаётган дунёни Исонинг нажотига қандай қилиб олиб келамиз?

Ибронийларга 2:3-4 Шундай экан, даставвал Раббимиз Исо билдирган, сўнгра гувоҳлари томонидан тасдиқланган нажот хабарига биз эътиборсизлик қилсак, жазодан қандай қочиб қутуламиз? Худо Ўз гувоҳларига ажойиботлар, мўъжизалар ва ҳар турли қудратли ишлар кўрсатди, Ўз хоҳиш-иродасига кўра Муқаддас Руҳнинг инъомларини уларга улашиб, уларнинг шаҳодатларига Ўзининг тасдиғини қўшиб берди.

Исо нима деган?
"Булардан каттароғи"

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи ҳам қилади ва ҳатто булардан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман.

Бизлар Муқаддас Руҳнинг кучининг ёрдамида, бизнинг ҳаётимизда ҳаракат қилаётган Муқаддас Руҳнинг инъомлари орқали “каттароқ ишлар” қила оламиз. Бизлар имон билан мўъжиза яратиш инъомининг ҳаракат қилишига йўл очсак, Худо Ўзининг Сўзини ушбу инъом орқали тасдиқлашни доимо истайди. Бизлар эмас, балки Худо бутун шуҳратга лойиқдир.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Мўъжизакорлик нималигини тушунтиринг.

2. Мўжизакорлик инъоми ҳаракат қилишига ёрдам берадиган бошқа инъомларнинг ҳаракат тартибини тушунтиринг.

3. Худо шахсан Самсон учун қилган мўъжизани айтиб беринг. Бу сизга нимаси билан муҳим?

4. Сиз учун, сиз орқали содир бўлган ёки сиз билган бошқа бир инсоннинг ҳаётида содир бўлган мўъжиза ҳақида айтиб беринг.

13 Дарс

Куч инъомлари – Шифо инъомлари

1Коринфликларга 12:9-11 Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига ҳудди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса ҳудди ўша Руҳ томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади. Бироқ буларнинг ҳаммасини ўша битта Руҳ келтиради. У Ўзи хоҳлагани бўйича буларни ҳар кимга алоҳида тақсимлайди.

РУҲНИНГ ТЎҚҚИЗТА ИНЪОМИ		
РУҲЛАНТИРИЛГАН НУТҚ.	ВАҲИЙ.	КУЧ.
Тиллар.	Руҳларни фарқлаш.	Имон инъоми.
Тилларни талқин қилиш.	Билим Сўзи.	Шифолаш инъомлари.
Пайғамбарчилик.	Донолик Сўзи.	Мўъжиза яратиш.

ШИФО ИНЪОМЛАРИ

Таъриф

Шифо инъомлари Худонинг шифоловчи кучидир. Бу инъомлар шифога муҳтож бўлган одамларга ғайритабиий равишда шифо келтиради. Улар ҳақида кўпликда ёзилган (кўплик шахс), чунки одамларга шифолаш билан хизмат қилишнинг кўп йўллари мавжуд. Шифо олган инсон совға олган ҳисобланади. Агар тимсолан тасаввур этсак, бизлар бировга совғани элтиб берувчи мактубчимиз. Шифо инъомлари – бу Муқаддас Руҳнинг ишидир ва бу тиббиёт билан бир бўлган нарса эмас.

Инъомлар ҳаракатда

Шифолаш инъомлари фақатгина маълум бир имонли учун ёки унинг хизмати учун берилган махсус куч эмас. Бу инъомлар Масиҳнинг бутун танаси учун, айниқса, шифога муҳтож бўлган кишилар учун берилган. Ушбу инъомлар Руҳ билан тўлган ҳар бир имонли орқали ҳаракат қилиши мумкин. Барча имонлилар Исо учун хизмат қилган вақтларида ушбу инъомларни қўллашлари лозим.

Шифо ва Руҳнинг инъомлари

Худо Ўзининг жамоатига тўққизта турли руҳий инъомлар берди. Уларнинг баъзилари касалларни шифолашга бевосита тааллуқлидир. Касаллрга шифолаш инъоми билан фаол хизмат қила олишимиз учун, ушбу инъомлар билан хизмат қилишни ўрганишимиз керак.

ШИФО ВА БИЛИМ СЎЗИ

Таъриф

Билим сўзининг таърифи ёдингиздами? Ушбу инъом маълум бир ҳодисалар ҳақида, келажакда бўладиган ёки ўтмишда бўлган инсон ёки вазият ҳақида ваҳий беради. Буни оддий йўл билан билиб бўлмайди, балки Муқаддас Руҳ очиб беради. Кўпинча шифо хизматида, Худо шифолашни истаган маълум бир касаллик ҳақида билим сўзи беради. Баъзида бир инсон ҳақида, баъзида эса кўп одамлар ҳақида айтади.

Билим сўзи қандай келади

Билим сўзи шифолаш хизмати вақтида турли йўллар орқали келади.

➢ Ҳиссиёт орқали келади

У хизматкорнинг танасининг маълум бир аъзосига ноқулайлик бериш орқали ҳам келиши мумкин. Ушбу ноқулайлик босим ёки ҳиссиёт каби бўлади. У оғриқ бўлиб келиши ҳам мумкин.

➢ Сўз ёки фикрлаш орқали

Билим сўзи касаллик, оғриқ ҳақида - сўз ёки фикр орқали маълумот беради. Ушбу инъом касалликнинг номини ёки касаллик теккан тананинг аъзосини очиб бериши мумкин.

➢ Ваҳий кўриниши орқали

Ушбу инъом шифога муҳтож бўлган тана аъзосини кўрсатиши ҳам мумкин.

➢ Инсон орқали

Баъзида, Худо инсон жойлашган жойини ёки Худо ўша вақтнинг ўзида шифолашни истайдиган инсонни кўрсатиши мумкин. Инсон ушбу инъом орқали баъзида магнит сингари касал жойлашган хонага ёки жойга тортилиши мумкин. Бошқа ҳолларда, Муқаддас Руҳдан нур ёки бошқа бир ҳиссиёт келади ва маълум бир инсонга диққатингизни тортади. Раббий инсоннинг исмини ёки бошқа бир белгисини очиши мумкин ва ушбу сўз сизга, Муқаддас Руҳ айнан ўша инсонни шифо учун танлагани ҳақида тасдиқ беради.

Имоннинг келиши

Муқаддас Руҳ маълум бир касалликни ёки инсонни шифоламоқчилигини билим сўзи орқали очганидан сўнг, инсоннинг устига имон тушиб келади. Баъзида бу имон инъоми ҳам бўлиши мумкин. Кўпинча билим сўзи имон инъомини ҳаракатга келтиради. Худо қандай касаллик ҳақида очса, уни шифолайди!

ШИФО ВА ДОНОЛИК СЎЗИ

Бизлар маълум бир инсонни шифолаш учун кўпинча донолик сўзи оламиз. Инсон табиий ёки ғайритабиий равишда шифо олишга муҳтож эканини билганимиздан сўнг, бизлар бирданига ушбу инсонга билим сўзи ёрдамида шифолаш билан хизмат қилишни бошлашимиз мумкин. Лекин бизлар барибир Муқаддас Руҳга сезгир бўлишимиз керак. Исо айтган: “Мен Отам қилаётган ишни қиляпман.” Донолик сўзи ёрдамида бизлар ўзимиз кутмаган шифолашларни қилаётганимизни кўришни бошлаймиз. Кўпинча, бундай нарсалар содир бўлаётганда, имон инъоми ҳаракат қилишни бошлайди ва бизлар Худо бизга очган нарсани бемалол қилишни бошлаймиз. Бундай нарсалар содир бўлганда, доимо шифолаш мўъжизаси содир бўлади.

ШИФО ВА РУҲЛАРНИ ФАРҚЛАШ

Заифлик руҳлари

Руҳларни фарқлаш бу руҳий дунёга ғайритабиий киришдир. Ушбу инъом маълум бир ҳаракатнинг, вазиятнинг ёки сўзнинг ортида қанақа руҳ турганини кўрсатади. Инсондаги касаллик кўпинча заифлик руҳларини келтиради. Масалан: рак руҳи, артрит ёки қайғу руҳлари. Руҳларни фарқлаш иноъми ёрдамида, Муқаддас Руҳ муаммонинг сабабини аниқ кўрсатиши ёки очиши мумкин ва касал инсон озод бўлиб, шифоланади.

Луқо 11:20 Агарда Мен Худонинг бармоғи билан жинларни қувиб чиқараётган бўлсам, унда албатта Худонинг Шоҳлиги сизларга етиб келди.

Инъомнинг ҳаракати

Инсон Худонинг Руҳи билан бошқарилганда руҳларни фарқлаш инъоми, касалликнинг илдизи бўлган, заифлик руҳининг номини фикр орқали очиб беради. Заифлик руҳини Исо Масиҳ номи билан кувинг ва инсон касалликдан озод бўлиб, шифо топади.

Матто 9:32-33 У кишилар энди чиқиб бораётганда, жин чалган бир соқовни Исонинг олдига келтиришди. Исо жинни қувиб чиқаргандан кейин, соқов гапира бошлади. Халқ эса ҳайратда қолиб: "Исроилда бундай ҳодиса ҳеч қачон бўлган эмас", - деди.

ШИФО ВА ИМОН ИНЪОМИ

Ғайритабиий равишда келади

Имон инъоми **–** бу маълум бир вақт ва вазифа учун берилган ғайритабиий имондир. Ушбу куч инъоми орқали сиз жойлашган ҳар қандай вазиятда маълум бир вазифани амалга ошира оласиз. Имон инъоми келаётганда, уни қабул қилувчи ҳеч бир куч ишлатмасдан қабул қилади. У ғайритабиий равишда келади. Бу ҳар бир имонлига бериладиган имон миқдори эмас. Бу Худонинг Сўзини эшитиш орқали келадиган имон эмас. Ушбу имон инъоми Муқаддас Руҳ орқали ғайритабиий равишда, махсус мўъжиза керак бўлган вақтларда келади.

Петъор

Петъорга имон инъоми берилгандан сўнг, чўлоқ кишига дадиллик билан шундай деди:

Ҳаворийлар 3:6 Петъор унга: "Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: Носиралик Исо Масиҳ номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр!" - деди-ю ...

БАРЧА ИНЪОМЛАР ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Ёзувда ёзилган воқеаларга қараб, бу ҳодиса, у ёки бу инъомнинг ҳаракати сабабли содир бўлган дея олмаймиз. Бунинг сабаби оддий. Инъомларнинг намоён бўлишида, ўша битта Муқаддас Руҳнинг ҳаракати бор. Ушбу инъомлар бир-бирига шунчалик "бирлаштирилган"ки, уларни кўпинча бир-биридан ажратишнинг имкони йўқ. Инъомлар биргаликда баъзида бир ёки икки кишида, баъзида эса бутун гуруҳда ҳаракат қилиши мумкин. Шунинг учун бизлар ажойиб таянчга эгамизки – бизга керак бўлган ҳар қандай инъомга эга бўлишимиз мумкин! Худога шараф! Худо бизга очган нарсани дадиллик билан бажарганимизда, шифо доимо ва албатта келади.

БИР ИНСОН ФАҚАТ БИТТА ИНЪОМГА ЭГА БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

Йўқ!

Бир киши имон инъомига, бошқаси мўъжизакорлик инъомига, учинчиси эса шифо инъомига эга бўлиши мумкинми? Хизматдан фойда олишни истайдиган кишилар Муқаддас Руҳнинг инъомларининг ҳаракати орқали Худодан инъом олишлари керак. "Менда бунақа ёки унақа инъом бор!" дейишнинг ўрнига, яхшиси Муқаддас Руҳнинг инъомларини тушуниш ва Муқаддас Руҳнинг битта ёки

ўша барча тўққизта инъоми билан бошқаларга хизмат қилишга тайёр бўлиш керак.

Имон мушакларингизни ривожлантиринг

Муқаддас Руҳга чўмган киши учун, Муқаддас Руҳнинг барча инъомларига бўлган кириш йўли очиқдир. Лекин инсоннинг ҳаётидаги гуноҳи ёки сохта таълимоти, Муқаддас Руҳнинг ҳаракат қилишига тўсқинлик қилади. Инсон Муқаддас Руҳнинг инъомларининг ҳаракат қилиш имтиёзидан фойдаланса, ушбу инъомлар унинг ҳаётида ўсишни бошлайди. Бизлар баъзида шундай деймиз: “Бу инсон шифо инъомини ишлатяпти.” Сўнгра, шундай ўйлаймиз: “Унда шифо инъоми бор.” Сўнгра қарама-қарши фикрлаб: “Менда эса ушбу инъом йўқ,” “Мен ундан мен учун ибодат қилишини сўрайман,” – деймиз. Ҳақиқат шундаки, улар ўзларининг имонларини маълум бир инъомда сиздан кўра кўпроқ ривожлантиришган ва шунинг учун ҳам уларнинг “руҳий мушаклари” ўша йўналишда кучлироқдир.

Жамоатда

Жамоат аъзолари биргаликда йиғилганда ва Руҳнинг инъомларининг ҳаракат қилишига имконият берилганда, бирига тиллар инъоми, бошқасига талқин қилиш ёки бирига пайғамбарчилик, бошқасига эса ваҳий инъоми берилади. Худо инъомларни Жамоат аъзолари ўртасида шундай тақсимлаши мумкинки, барча аъзолар биргаликда ҳаракат қилиши мумкин. Лекин ўзини пайғамбарчилик инъомида ривожлантирган киши, пайғамбарчилик қилиши аниқроқдир. Шунинг учун бизлар яна ўйлашни бошлаймиз: “У пайғамбарчилик инъомига эга. Менда эса бундай инъом йўқ.” Ёдда сақланг, Муқаддас Руҳда чўмган ва Унинг ҳаракат қилишга имконият берадиган ҳар бир имонли орқали барча инъомлар ҳаракат қилиши мумкин ва ҳаракат қилади.

Хотима

2Тимўтийга 1:6 Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатяпман.

Муқаддас Руҳнинг инъомлари инсонга кўпинча қўл қўйиш орқали ўтади. Муқаддас Руҳнинг инъомларида ҳаракат қилаётган, мойланган имонлини топинг ва Муқаддас Руҳнинг инъомларини олиш учун, ўша имонлидан қўлини сизга қўйиб сиз учун ибодат қилишини илтимос қилинг.
Повул ёзган:

Римликларга 1:11 Чунки мен сизларни кўришни жуда ҳам орзу қилмоқдаман, токи сизларнинг мустаҳкамланишингиз учун мен сизларга бирон бир руҳий инъом тақдим этай.

Инъомлар Масиҳнинг танасини қуриш учун ва хушхабар учун муҳим бўлган қуролдир.
➢ Ўзингизда ушбу инъомларни доимо ривожлантиринг.
➢ Уларнинг йўқ бўлишига йўл қўйманг.
➢ Ушбу инъомларнинг сиз орқали ишлашига умид боғланг.
➢ Инъомлар тўлиқ ва тўғри ҳаракат қила олиши учун имонингиз ёрдамида уларнинг ҳаракат қилишига эркинлик беринг.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Шифо инъомлари нима? Улар нима сабабдан “инъомлар” деб, кўплик шахсида номланган? Бошқа барча инъомлар бирлик шахсида номланган.

2. Билим сўзи инъоми шифо инъомлари билан қандай ҳаракат қилади?

3. Худо Муқаддас Руҳнинг қайси инъомини сиз учун танлаган? Жавоб: “барчасини!”. Руҳнинг сиз орқали камида бир марта ҳаракат қилган инъомини ёзинг.

4. Муқаддас Руҳнинг қайси инъомини ҳаётингизда ривожлантиришга муҳтожсиз?